

III  
916

ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ  
СОЗАНДАЛАРИ



К. Олимбоева, Т. Йўлдошбоева  
М. Аҳмедов, Т. Мирзаев

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ СОЗАНДАЛАРИ

II КИТОБ

ЎЗБЕКИСТОН . МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ  
ХАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЗИЯ НОМИДАГИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ НАШРГА ТАЙЯРЛАГАН

73494

РАФУР БУЛОМ НОМИДАГИ АЛАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРНОГИ  
Тошкент — 1974

Ушбу тўпламда халқ музикаси анъаналарини давом эттириб келаётган Ўзбекистон хонанда ва созандаларининг ҳаёти ҳамда ижрочилик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Тўплам аввал нашр этилган «Ўзбекистон халқ созандалари» китобининг иккинчи жилди бўлиб, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир  
Санъатшунослик фанлари доктори  
*Исҳоқ Ражабов*  
Тузувчи ва муҳаррир  
Санъатшунослик фанлари кандидати  
*Карима Олимбоева*

9—1—1—179  
А—М—352—06—74 194—74

© Гафур Гулом исмидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й.

## Тузувчидан

Бу тўпلامда ўзбек халқ музыкаси анъаналарини давом эттириб келаётган Ўзбекистон халқ хонанда ва созандаларининг ҳаёти ва ижрочилик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Очерклар музикашунослар Қарима Олимбоева (Аҳмедова), Тамилла Йўлдошбоева, Маҳмуд Аҳмедов ва Тўраҳон Мирзаевлар томонидан ёзилган.

Аввал нашр этилган биринчи китобдан фарқли ўлароқ, бу тўпلامда республикамизнинг баъзи таниқли ўзбек хонанда-созанда аёллари, Ўзбекистон воҳаларидаги профессионал созандалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ўтмишда нота ёзуви бўлмагани сабабли ўзбек халқ музыка мероси оғзаки тарзда, яъни бир авлоддан иккинчи авлодга ижрочилар орқали ўтиб, бизгача етиб келди.

Ўзбек халқининг оғзаки профессионал музыка асарлари, айниқса, мақом йўллари йирик шаклда бўлиб, ранг-баранг, мураккаб доира усулларида ижро этилади. Бу эса созанда-хонандалардан юксак ижро маҳорати талаб қилади. Хонанда хушовоз бўлишдан ташқари, кучли хотира, шеърятдан хабардор, қобилиятли бўлмоғи ҳам зарур. Китобда ҳикоя қилинадиган санъаткорлар музыка шинавандалари орасида танилган ана шундай устоз хонанда-созандалардан иборат. Очеркларда санъаткорларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар, уларнинг ижрочилигидаги маҳорати, ижро услублари ва репертуарларига алоҳида аҳамият берилди.

Халқ санъаткорларининг фаолиятлари айниқса, даврида баракали бўлди. Бу санъаткорлар ҳукуматининг дастлабки йилларидаёқ маҳаллий маданий-оқартув муассасаларида ишлаш билан бир қаторда, истеъдодли ёшларни тарбиялашда ва миллий музыка бойликларини сақлаб, бизгача етказишда астойдил хизмат қилишди. Ингирманчи-ўттизинчи йилларда ўзбек совет музыкали театрининг ривожланишида, миллий куй, қўшиқ ва ашулаларни тўплаб саҳна асарлари билан узвий боғлашда кўпчилик кекса устозларнинг ҳиссаси нинҳоятда катта бўлди.

Ўзбек халқ санъаткорлари ҳам барча профессионал ижрочилар билан бир қаторда республикамиз қурилишларида фаол қатнашиб халқни меҳнат зафарларига чорладилар, меҳнат fronti пропагандисти сифатида шоп-шухрат қозондилар. Шу муносабат билан марҳум академик шоиримиз Ғафур Ғулום Катта Фарғона канали қурилишига оид хотираларида мана бундай деган эди:

«...Халқимиз 270 километрлик Катта Фарғона каналини 45 кундек қисқа муддат ичида қазиб битказди. На экскаватор, на трактор, на бульдозер, на бошқа техника бўлмаган бир замонда бу гигант ҳаракатнинг бошланиши ва охирига етиши чинакам халқ қудратининг тим-солн сифатида тарихларга қайд қилингандир...



Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Канал трассаси бўйлаб очиқ ҳавода ҳар оқшом пилдан кейин канал қазувчиларнинг машъала базмлари бўлар эди. Уларнинг маззуга сулғаб, сизга тортиб, ўртага машъала ёқиларди. Базм бошланиб кетарди. Ҳамма ўз ҳунарини, ўз санъатини кўрсатар эди.

Шундай катта машъала базмлардан биттаси (1938 йили) август ойининг қайси бир оқшомида бош тўғонда, «Куйганёр»да ўтказилган эди. Бу ерда Ўзбекистонимизнинг донг таратган санъаткорлари ҳам бор эдилар. Ҳалимаҳоним ҳам, Тамараҳоним ҳам, Мукаррамаҳоним ҳам, Юсуфжон Қизик ҳам, Жўраҳон Султонов ҳам, Ака Бухор ҳам шу ерда эди...»<sup>1</sup>

Катта Фарғона Канали қурилишида қатнашган ўртоқларнинг хотираларига қараганда, шоирлар билан созанда-хонандалар қирқ беш кун давомида қурувчилар орасида тивимсиз хизматда бўдилар. Айниқса, катта ашула жанрининг йирик қурилишларга мос шеърлар би-

<sup>1</sup> Гафур Гулом. «Ҳамидни эслаб», «Ўзбекистон» газетаси, 1964 йил, 3 июль.

лан ижро этилиб, шинавандаларга маъқул тушганлигини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Қамтар сингари шоирларнинг замонавий мазмундаги шеърлари катта ашула куйларига солиниб Мамадбобо Сатторов, Жўраҳон Султонов, Болтабой Ражабов, Шерқўзи Бойқўзиев, Ҳадяҳон Ҳамдамова, Зайнаб Полвоно-



Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ўз шоғирдлари орасида.

ва, Меҳрихон Абдуллаева каби хонандалар ижросида канал қазувчиларнинг зўр олқишларига сазовор бўлди. Уша йиллари хонанда-созандаларимизнинг кўплари халқнинг самимий меҳр-муҳаббатини қозондилар, уларнинг кўпларига «халқ артисти», «халқ ҳофиси» деган фахрли унвонлар берилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам ўзбек хонанда-созандалари концерт бригадалари составида фронтлардаги жангчиларимизга, госпиталларда шифоланаётган ярадорларга, фронт ичкарасида тишимсиз меҳнатлари билан ғалабани таъминлаётган халқимизга маданий хизмат кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда профессионал музика ижодиянинг намоёндалари деган номга эга бўлган бир қатор хонанда-созандалар республикамизнинг маданий ҳаётида актив иштирок этмоқдалар, музика ҳаваскорлари тўғрақларида раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, турли профессионал музика коллективларида хизмат қилмоқдалар. Булардан баъзилари Ўзбекистон Радиокомитети ва телевидениеси қошида

1960 йилда ташкил топган мақом ансамблида хизмат қиладилар. Улар атоқли хонанда, бастакор, машҳур музика фольклорчиси, академик Юнус Ражабий раҳбарлигида Шашмақомнинг ўқув йўллариини тўла-тўқис ўзлаштириб, музика маданиятимизнинг бу олтин хазинасидан халқимизни баҳраманд қилмоқдалар. Ҳозирда Ўзбекистон Радиокомитетининг халқ чолғу асбоблари оркестрида ишлаб келаётган созандалар нота саводини эгаллаган ҳолда халқ музика асарлари билан бир қаторда, композиторлар яратган асарларни ҳам юксак маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Баъзи созандалар моҳир ижрочи бўлиш билан бирга, бастакор сифатида ҳам кенг оммага маълум-машҳурдир. Ўзбекистон ССР халқ артисти, рубобчи Муҳаммаджон Мирзаев, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар Ориф Қосимов, марҳум гижжакчи Мамадазиз Ниёзов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида айтиш керакки, баъзи машҳур кекса хонанда ва созандалар ҳақида маълумотлар кам сақланган. Шу сабабли китобдаги баъзи очерклар қисқа, санъаткорларнинг ҳаёти ва ижрочилик фаолиятини тўла-тўқис, изчил ёритиб бера олмайди. Масалан, Эрка-Қори, Абдулла Файзуллаев, Беркинбой Файзиев, Орифжон Гармон, Мукаррама Азизова каби машҳур хонандаларга бағишланган очерклар шулар жумласидан. Баъзи атоқли созанда ва хонандалар ҳақида маълумотлар топилмади. Масалан, мақомдон устоз Ота Ғиёс Абдуганиев шулар жумласидан.

«Халқ созандалари» китобининг биринчи жилдида берилган кўпгина халқ хонанда ва созандалари фаолиятида анча ўзгаришлар содир бўлди. Улар музика ижодиёти соҳасида катта-катта ютуқларни қўлга киритдилар, янги, фахрли унвонлар олишга сазовор бўлдилар.

Ўзбек хонанда ва созандалари ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш иши давом этади. Китобнинг кейинги жилдларида улар ҳақида ҳикояларимизни давом эттирамиз. Тўплам алфавит тартибида тузилди.

Миллий-маданий бойликларимизни сақлашда, музика маданиятимизни ривожлантиришда қилган хизматлари учун халқимиз, партия ва ҳукуратимиз бундай атоқли санъаткорларимизни доимо эъозлайди.

*К. Олимбоева*

ХАЛҚ  
АШУЛАЧИЛАРИ



**МУКАРРАМА  
АЗИЗОВА**  
(1912—1964)



Мукаррама Азизова ўзбек совет музыка санъатининг шаклланиши даврида биринчилар қатори саҳнага чиққан, маҳоратли ашулачи ва драматик актриса сифатида танилган аёллардан эди.

Мукаррама Азизова Наманганда машҳур бўлган кулол Азиз Фозилов oilасида туғилди. Бўлажак санъаткор ёшлигидаёқ истеъдоди ва эйфраклиги билан кўзга ташланганди. У дутоналари орасида ҳар хил ўйинлар кўрсатишни, қўшиқ ва ашулалар айтишни яхши кўрарди. Бошланғич мактабда ўқиб юрганидаёқ музыка тўгаракларида қатнашар, спектаклларда иштирок этар эди. Унинг ёқимли, ширали овози музыка тўгараги раҳбари Рафиқ Мўминовнинг диққатини жалб этади.

Мукаррама етти йиллик мактабни тугатгандан кейин, ўқитувчилар тайёрлаш қисқа курсини битиргач, бошланғич синфларда дарс бера бошлайди. Лекин унинг бутун диққат-эътибори ҳали ҳам ўзи севган музыка санъатида эди. У ҳамон ўз ўқувчилари билан мактаб орасида ҳаваскорлари тўгарагида иштирок этарди. Босмачилар ҳужумининг авж олган даври бўлишига қарамасдан, тўгарак аъзолари билан атроф қишлоқларга чиқади, шинавандаларини ўз санъати билан мамнун этиб юради.

Мукаррамаҳоннинг санъатга бўлган зўр иштиёқи ва мактаб ҳаваскорлик тўгаракларига актив қатнашганининг ўзи унинг келажакда моҳир санъаткор бўлиб етишишдан далолат бериб турарди.

1928 йили Наманганга Москвадаги ўзбек драма студиясига ўқувчи ёшлар қабул қилувчи махсус комиссия келади. Комиссия бошқа ёшлар қатори Мукаррамаҳонни ҳам студияга қабул қилишни лозим топади. Аммо ўша даврда ўн беш яшар қизнинг уйини ташлаб Москвада узоқ

шаҳарга кетгани, айниқса, бир сўзлик қайсар отанинг бунга рози бўлиши мушкул иш эди. Мукаррама, отаси жавоб бермагач, Москвага яширишга кетади, у ўз танлаган йўлидан қайтмайди.

Мукаррама Москва драма студиясида З. Толганов, Н. Миронов каби тажрибали санъаткор-педагоглардан ритмика, пластика, музика, саҳна ҳаракатлари бўйича таълим олади. Пойтахт театрларида атоқли артистларнинг санъат сирлари билан танишади. Баъзида курсдошлари билан биргалликда ўзи ҳам оммавий саҳналарда қатнашади.

Москвада олган таълим М. Азизовани ҳар томонлама ўсишига имкон берди. Ўзбекистонга қайтгач, у дастлаб Андижон театрида, сўнг 1931 йилдан бошлаб Наманганда ишлади. Еш актриса Наманганда ишлар экан, ҳамон онла аъзолари, айниқса, отасининг совуқ муомаласи сезилти турарди.

Кўзларнинг бирини Мукаррама отасига: «Театрга боринг»,— деб ялтиради, спектаклда ота қизининг ўйинини ва тешошабинларнинг олқишини кўргандан кейин жаҳлидан тушади ва тақдирига тая бериб: «Қизим, нима ҳам қилардинг энди, назаримда артист бўлиш пешанангда борга ўхшайди»,— дейди. Бу гаплардан кейин Мукаррама ўзини бутунлай эркин сезади ва семмли санъатига янада берилиброқ ишлайди.

М. Азизова ижодий ва ижрочилик имкониятлари кенг санъаткорлардан бўлиб, рус, Европа ва ўзбек авторларининг саҳна асарларида ўз истеъдодини тўла-тўкис намойиш этарди. Маҳаллий матбуот Мукаррамининг дастлаб ўйнаган ролларидек кўрсатган маҳоратини таъкидлаб ўтган эди. Мукаррама Зиннат Фатҳуллинининг «Ғувчалар» пьесасида шарнатининг қабих қонунарига қарши чиққан ва жирканч ўтмиш билан алоқасини узган ўзбек қизи Зайнаб образини жуда ишонтирарли ва ҳаққоний қилиб кўрсатади.

Мукаррамаҳон Наманган театрида ишлаган йилларида юзга яқин роль ўйнади. Булар орасида ҳам драматик, ҳам музикали драма асарларидаги образлар бор эди. Асосан қўшиқчи ҳисобланган Мукаррама, ўша даврларда драматик артистлар етишмаслиги сабабли, хилма-хил драматик ролларда ҳам ўйнади. Ҳар бир ўзбек халқ кўшиғи ва ашуласи Мукаррамаҳон ижросида жозибали жаранлар, тингловчиларда чуқур таассурот қолдирарди. Шу туйфайли ҳамшаҳарлари ва бутун кўшиқ иштиёқмандлари уни «Наманган булбули» дейишарди. Мукаррамаҳон овози юмшоқ тембрли, кенг диапазонга эга драматик сопрано эди.

Мукаррамаҳоннинг репертуари, унинг драматик роллари сингари, ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, бунда ўзбек халқ кўшиғи ва ашуллари, бастакорларнинг асарлари, қирғиз, ўйғур ва тожик халқ кўшиқлари ва мақомлардан парчалар бор эди. Шулардан: «Дўмбоғим», «Алла», «Диёрим», «Дуторим», «Пахтакор йигит», «Вўстон этиб кет», «Ҳануз», «Келдим», «Кўнгил берма», «Доғман», «Наснҳат», «Ҳорманг», «Кўргим келур» классик ашуллалардан: «Ироқ», «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Ушшоқ» ва бошқаларни хонанда шавқ-завқ билан ижро этарди. М. Азизова ижро этган «Дўмбоғим», «Алла» ва «Дуторим» лирик кўшиқлари ўзбек музика шинавандаларида, айниқса, катта таассурот қолдирган ва улар қалбига чуқур сингиб кетган.

Мукаррама Азизова моҳир ашулачи, таниқли актриса бўлиш билан

бирга, ажойиб ташкилотчи, А. Навоий номли ўзбек музикали драма театрида ўнлаб ёш санъаткорларни тарбиялаб вояга етказган устоз санъаткор эди.

Мукаррама Азизова музика соҳасида кўрсатган хизматлари учун Меҳнат Қизил байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари ва «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган. 1955 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Мукаррама Азизова ижоди, камолотга етганида, 1964 йили Наманганда вафот этди.



## БЕРТА ДОВИДОВА

Берта Довидова кўшиқ шинавандаларининг ҳурматини қозонган севимли хонадалардан биридир. У мафтункор, майин овози, ашулачиликдаги маҳорати, айниқса, мақом йўлларини яхши ижро этиши билан кўпчилик кўшиқ ҳаваскорлари таҳсинига сазовор бўлди.

Берта Довидова 1922 йили Марғилонда меҳнаткаш оилада туғилди. Отасининг вафотидан кейин республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг тавсияси билан Довидовлар оиласи<sup>1</sup> Тошкентга кўчиб келади. Берта Тошкент медицина билим юртини тамомлаб (1935—1938), Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий госпиталларда медицина ҳамшираси бўлиб (1941—1943) ишлайди. Берта Довидова ўқишда ҳам, ишда ҳам бадий ҳаваскорлик тўғаракларининг актив иштирокчиси бўлди, ёқимли, жозибали овози билан халқ кўшиқларини айтиб, шинавандалар оқшиғига сазовор бўлди. Кўшиқ айтиш иштиёқи уни 1943 йили Тошкент радиосига олиб келди. Уша вақтларда радио қошида кўпгина музика коллективлари тўпланганди. Довидова радионинг хор группасида ишлай бошлади. Уша кезлари бу группага В. И. Веров раҳбарлик қиларди.

«Биз тез-тез колхозларга чиқиб турардик, — деб эслайди Берта Довидова, — кундузи далада пахта терардик, кечқурунлари колхоз клубида концерт берардик». Шундай кунларнинг бирида колхозга Юнус Ражабий раҳбарлигидаги созандалар ансамбли келади. У кейинчалик шу ансамблга аъзо бўлди. Ансамбль созандалари унинг табиий овозига

---

<sup>1</sup> Довидовлар оиласидаги болалардан иккитаси ашулачи бўлган. Бертанинг акаси — Мордухай Довядов Навоий номи Катта опера ва балет театрининг яққохон ашулачиси.

қизиқиб қоладилар, унга ашулалар, қўшиқлар ўргата бошлайдилар. Юнус Ражабий, Мақсудхўжа Юсупов, Имомжон Икромов, Еқуб Довидов ва бошқа созандалар репертуарини бойитишида Бертага яқиндан ёрдам бердилар. Машҳур ҳофиз Шоназар Соҳибовдан Шашмақом йўлларида «Чапандози Наво», «Талқини Ушшоқ», «Ушшоқни Самарқанд» каби ашулаларни ўрганди, улар кейинчалик Бертанинг сеvimли ашулалари бўлиб қолди ва репертуаридан мустаҳкам ўрни олди.

Юнус Ражабий раҳбарлигида ўрганган «Талқини Баёт» (Навойи ғазали) Ҳамза номидаги театрнинг «Алишер Навоий» постановкасида фойдаланилган бўлиб, бу қўшиқни Берта Довидова саҳна орқасида туриб айтади. Чуқур мазмунга эга бўлган бу ашула Навоийнинг Астро-бодда ёлғизликда, қувғинда яшаган даврини акс эттирувчи саҳнасини ҳиссий жиҳатдан янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон радиосининг ўзбек халқ чолғу ансамблида йиллар давомида халқ музыка санъатининг энг яхши билимдонлари. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов каби моҳир созанда ва хонандалари хизмат қилиб келганлари маълум. Берта Довидованинг ўттиз йилдан кўпроқ вақтдаги ашулачилиқ фаолияти ана шу ансамбль ҳаёти билан боғлиқ. Бу ансамбль ажойиб анъаналарга эга. Ансамбль созандалари маълум-машҳур асарларнигина ижро этиш билан чекланиб қолмай, уларни ижодий қайта ишлайдилар, яъни чолғу йўлларида ўқув йўлларида, ўқув йўлларида эса чолғу йўлига мослаштириб созанда-хонандаларнинг репертуарини бойитиб борадилар. Бу жиҳатдан гижжақчи ва бастакор Имомжон Икромов қайта басталаган куй ва қўшиқлар айниқса мароқли чиқади. У Алишер Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади...—

деб бошланадиган ғазалига зўр маҳорат билан «Муножот» куйини мослаштирган.

«Репертуар ҳофизни яратади» деганларидек, бу ашула Берта Довидованинг лирик овозига жуда мос тушади ва уни моҳир ашулачи бўлиб танилишида муҳим роль ўйнади. Чуқур фалсафий мазмун нафис оҳангдорлик билан қўшилгач, таъсирчанлик кучаяди ва натижада тингловчиларни ўзига мафтун этади. Берта Довидова «Муножот»ни радио орқали дастлаб 1946 йилда айтган, бу қўшиқ унинг ижросида ҳозиргача радио орқали эшиттирилиб турилади.

Берта Довидова катта, хилма-хил репертуарга эга. У ўзбек, тожик халқ қўшиқ ва ашулаларини ҳам, бастакорлар асарларини ҳам зўр маҳорат билан айтади. Лекин Шашмақом йўллари унинг қўшиқ айтиш услубига кўпроқ мос келади.

Берта Довидова 50-йиллари Ўзбекистон радиоси қошидаги тожик ансамблида хизмат қилиб, Еқуб Довидовдан «Насри Ушшоқ», «Уфари Ушшоқ» каби мақом йўлларида ўрганди. Бу ишни у кейинчалик ҳам давом эттирди.

1960 йили Б. Довидова Ўзбекистон радиоси қошида ташкил этилган мақомчилар ансамбли хонандалари сафига қўшилди. Академик

Юнус Ражабий раҳбарлигидаги бу ансамбль мураккаб мақом йўллари-ни қисқа вақт ичида эгаллаб олдилар. Улар Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларининг ўқув йўлларини ўзлаштирдилар. Бу мақом йўллари магнит ленталарга ва узоқ чаладиган грампластинкаларга ёзиб олиниб, мақом мухлисларига совға қилинди. Бу жиҳатдан Берта Довидованинг лирик, майин, ширадор овози билан мақомларга фаёз киритганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг овози ашулачилар ансамблида яқкаҳон ва жўрхон хонанда сифатида алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек санъати ва адабиётининг Москвада ўтказилган учинчи декадасида (1959) Берта Довидова дуторчи хотин-қизлар ансамбли сафида иштирок этди. Уша йили унинг ижрочилик фаолияти алоҳида тақдирланиб, унга Республикада хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

Шинавандалар Берта Довидова ҳақида гапирганларида «Берта радио ашулачиси» — дейдилар. Радиони хонанда ўз уйидай ҳис қилади. У микрофон олдида эркин куйлайди. «Мақом кечалари» деб аталмиш концертларда, адабий-музыкали эшиттиришларда, қишлоқ хўжалик ходимлари ва чорвадорлар учун берилган концертларда Берта Довидованинг овозини тез-тез эшитиш мумкин.

Берта Довидова телевидение орқали берилган концертларда ҳам тез-тез чиқиб туради. «Баёт» I, II, V («Наво» мақомидан), «Насри Баёт» («Наво» мақомидан), «Насри Ушшоқ» («Рост» мақомидан), «Уфари Ушшоқ» («Рост» мақомидан), «Орази Наво» («Наво мақомидан»), «Талқини Баёт» («Наво» мақомидан), «Муножот» «Сарахбори Оромшжон» («Дугоҳ» мақомидан), «Талқинчан Сабо» («Рост» мақомидан), «Уфари Оромшжон» («Дугоҳ» мақомидан), «Бахт» (Камтар шеъри), «Қиз севгиси» (Н. Ҳасанов музыкаси), «Кўнглима» (О. Қосимов музыкаси), «Дилнавозим» (С. Қалонов музыкаси), «Ассалом» (К. Жабборов музыкаси), «Кўзғолур» (халқ қўшиғи), «Қаландар чапандози» (халқ ашуласи), «Гулнор» (халқ қўшиғи), «Сўзона» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Берта Довидова қўшиқчилик соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун (1967 й.) Ўзбекистон ССР халқ артисти деган юксак унвон билан тақдирланган.

**БОРУХ  
ЗЕРКИЕВ**  
(1905—1973)



Халқ санъаткорлари ва тингловчилар орасида айтарлик машҳур бўлмаса ҳам, ўз билимлари билан музика маданияти тараққиётига ҳисса қўшган кишилар кўп бўлган. Бухоролик мақомдон ҳофиз Борух Зеркиев худди шундай кишилардан эди.

Борух Зеркиев Бухорода камбағал оилада туғилган. Унинг отаси бухоролик бир савдогарнинг оддий хизматчи-приказчиги бўлган. Борух отасига ёрдам бериш учун кичик ёшидан ҳар хил юмушларни бажаришга мажбур бўларди, бироқ отасининг дўсти — Бухоронинг машҳур ҳофизи Леви Бобохонов Зеркиевлар уйига меҳмон бўлиб келган кезлари оиладаги майда-чуйда ишлар бир оз тўхтарди. Зеркиевлар оиласи оқшомлари граммофон пластинкалар эшитишар, саз машқ қилиб, ашула айтишарди.

Еш Борухнинг овозини эшитган Леви Бобохонов унга музика билан жиддий шуғулланишни маслаҳат беради ва Борухнинг 1923 йил Шарқ музика мактабига киришига ёрдам беради. Бу мактаб 1921 йилда Бухорода ташкил этилиб, биринчи группа ёш созандалар уш 1923 йили битириб чиққан.

Мактабда ўзбек халқ музикаси, Шашмақом билан бир қаторда, араб тили ҳам ўргатиларди. Чанг чалиш машқ қилинарди. Маълумки, Шарқ музикаси мактабига ёшларни тортиш осон иш эмасди, чунки у пайтлари музика машғулоти касб ҳисобланмасди, созандалик ҳатто айб ҳисобланган пайтлар ҳам бўларди. Шунга қарамай, маҳаллий ҳукумат ташкилотлари бу муҳим ишга алоҳида эътибор бердилар ва бепул ўқув жорий қилинди. Мактаб ишига халқ музика ижодиётининг таниқли вакиллари жалб этилди.

Борух мактабнинг «Шашмақом» снйфида ўқийди. Хонанда ўқувчи-шоғирдлик йилларини шундай хотирлар эди: «Бутун мактаб бўйича тўққиз синф (уй) бўларди. Биринчи — Мақом синфига Ота Жалол Носиров раҳбарлик қиларди. Иккинчи — чолғу музыка синфининг ишини Ота Гиёс Ганиев олиб борарди, бу синфда асосан танбур чалишга ўргатиларди. Уша вақтларда «Муножот», «Эшвой», «Гирёни қозоқ», «Мирза Давлат» каби куйлар кўпроқ тарқалган эди. Уста Туроб Найчи (1926 йилда вафот этган) найдан дарс берарди. Қоровулбеги эса гишжак ва қўбуз чалишни ўргатарди. Дуторчилар синфининг ишини машҳур дуторчи Усто Тоҳир Давлатзода бошқарарди. Фулом Гармон афгон рубобини ўргатарди, ўша вақтлари Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов каби ҳофизлар, Абдураҳмон Умаров каби танбурчилар Ота Жалолга ёрдамчилик қилардилар.

Борух Зеркиев Ота Жалол синфида ўқирди. У Шашмақомнинг ашула йўлларини ўргатарди. Шарқ музыкаси мактабиде имтиҳонлар бўлмасди. Лекин маҳаллий ҳукумат ташкилотларининг талаблари бўйича, тажриба тариқасида йиғинларда, конференцияларда, концертларда қатнашиш учун пешқадам шоғирдлар юбориб туриларди. Мактаб ўқувчилари сайилларда ҳам иштирок этардилар. Бухорода бундай сайиллар одатда «Лаби ҳовуз»да ўтказиларди. Бундай концертларга уч-тўрт ўқувчи ва уларга раҳбарлик қилувчи бир ўқитувчи юбориларди.

Зеркиев Ота Жалолнинг таълим услуби ҳақида гапириб, қуйидагиларни эсларди:

«Биз дарсхонада чордана қуриб ўтирардик. Ўқитувчимиз рўпарамизда ўтирарди. Ўқитувчи қўлига танбурини олиши билан, биз ҳам қўлимизга доңраларни олардик. Ўқитувчи ашулани айтиб тамомлаши биланоқ, унинг кетидан биз ҳаммамиз уни баравар такрорлар эдик».

Зеркиев Шарқ музыка мактабини 1926 йилда тамомлади. Мактабда Шашмақомнинг ўқув йўлларини тўлиқ ўрганиб олди, лекин оғир касалликка чалиниб, узоқ вақт созанда-хонандаликдан четлашиб қолди. Зеркиев соғайганидан кейин касаба союзлари, комсомол-партия ташкилотларида, маданий-оқартув муассасаларида узоқ вақт ишлади. Шу даврда Бухоро Педагогика институтининг тарих факультетида ҳам ўқиди.

1958 йил Шашмақомни нотага олиш иши бошланганда академик Юнус Ражабий мақомхонларни қидириб бутун Ўзбекистонни кезиб, Бухоро шаҳридан Зеркиевни танлади. Борух Зеркиев ўзи ўрганган мақом йўлларини эсида сақлаган эди. Юнус Ражабий Борух Зеркиевдан беш ой давомида 82 тадан ортиқ мақом ашула йўлларини нотага ёзиб олди. «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомларининг, айниқса, мураккаб ҳисобланиш «Сараҳбор», яъни биринчи шувбаларни Борух Зеркиев яхши биларди.

Сўнгги йилларда Борух Зеркиев Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги Мақом ансамблида консультант бўлиб ишлади. Мақом ансамбли Б. Зеркиев иштирокида қисқа вақт ичида Шашмақом йўлларини магнит ленталарига ёздириб, уларни тарғиб қилиш ишини бошлаб юборди.

Ортиқхўжа Им амхўжаев, Берта Довидова, Қарим Мўминов, Ориф Алимхусмов, Алижон Ҳасанов, Сирож Аминов, Коммуна Исмоилова,

Асқар Убайдуллаев, Шожаржон Эргашевлар шу мақомхон ҳофизлар группасида ишладилар. Фахриддин Содиқов (чанг, ансамблнинг музика раҳбари), Еқуб Довидов (танбур), Ориф Қосимов (датор), Зокиржон Содиқов, Илҳом Тўраев (ғижжак), Хайрулла Убайдуллаев (қўшвай), Турғун Алиматов (сетор), Адҳам Худойқулов (рубоб) мақом ансамблининг созандалари ҳисобланадилар.

Зеркиевнинг айтишича, у мақомдан бошқа музика асарига унчалик қизиқмасди. Унинг устозлари асосан мақомларни ўрганишни тавсия этишганди. «Мақом — оғир тошдай нарса, ҳеч қаёққа силжимайди, абадий яшайди», — дердилар.

Борух Михайлович Зеркиевнинг овози лирик тенор бўлиб, мақом йўлларини доира билан айтган. Борух Зеркиев ижросида нотага ёзиб олинган музика материаллари «Ўзбек халқ музикаси» китобларининг V томига киририлган.

Борух Зеркиевнинг музика соҳасидаги хизматлари юксак тақдирланди, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди.

73494



## ОРТИҚХЎЖА ИМОМХЎЖАЕВ

Ортиқхўжа Имомхўжаев ўзининг ёқимли ва ширали овози билан ўзбек халқ ашулаларининг моҳир ижрочиси сифатида кенг шинавандалар орасида танилган истеъдодли санъаткорлардандир.

Ортиқхўжа Имомхўжаев 1905 йили, Андижоннинг ҳозирги Олтинкўл районида деҳқон оиласида туғилди.

Имомхўжа аканинг кўп болалик оиласи қишлоқ камбағалларидан эди. Гўдаклар кўпинча оч-наҳор юришарди. Шунга қарамай, Ортиқхўжа ака ўз болалик йилларини мароқ билан эсга олади. Ўша кезларда бола учун энг қизиғи — отаси билан ойдин кечаларда пахта суғоришга чиқиш бўларди, бу эса унинг учун ҳамма нарсадан ҳам гаштли ва мароқли эди.

Отаси вафот этгандан сўнг, катта оиланинг бутун рўзғор ташвишлари акаси ва Ортиқхўжанинг зиммасига тушди. Бу вақтда Ортиқхўжа эндигина ўн ёшга кирганди. Октябрғача бировларга қарам ҳолда кечирилган ҳаёт ҳамон унинг хотирасида.

Октябрь инқилобининг ҳаётбахш нурлари Имомхўжаевлар қишлоғига ҳам озодлик, хурлик келтирди. Ортиқхўжа акаси билан биринчилар қатори колхозга кирди. Колхозда кассир, табелчи, бухгалтер бўлиб ишлади. 1927—1929 йиллари ер-сув ислоҳоти комиссияси аъзолигига сайланди.

Ортиқхўжани қўшиқ ва ашулага дастлаб акаси қизиқтирган. Акаси қишлоқда ҳофиз сифатида танилган бўлиб, Ортиқхўжани ҳам тўй-томошаларга ўзи билан бирга олиб юрарди. Йигитча бўлса тўйларда эшитган ашулаларини кейинчалик дўстлари орасида куйлаб юрарди.

Еш хонанданинг тиниқ, майин овози ҳамқишлоқларида унинг бир кун сориб ашулачи бўлиб етишишига ишонч пайдо қиларди.

Ортиқхўжа Имомхўжаев колхозда ишлаб юрган кезлари ашулачи сифатида танилади. Унинг ижросини ўша вақтда эшитган бир қишлоқ шивавандаси мана бундай ҳикоя қилади: «Ортиқхўжа колхозчиларнинг бир йигинида ўтирганда бир группа профессионал созанда ва хонандалар ҳам келишди. Улар ўз санъатларини намойиш этишди. Шунда бир кекса колхозчи: «Ўзимизнинг Ортиқхўжадан ҳам эшитайлик»,— деб қолибди. Ортиқхўжа аканинг ашуласини ҳамма махлиё бўлиб тинглабди. Йигинга келган хонандалар: «Ўзингизда ашулачи бор экан, бизни овора қилиб нима қилардинглар»— деб кулишган экан.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида Янгийўл шаҳрида Тошкент области музыкали драма ва комедия театри ташкил қилинди. Бу театрда тажрибали артистлар, созанда-хонандалар билан бирга, махсус комиссия тавсияси билан йиғилган ҳаваскорлар ҳам ишларди. Комиссия Ортиқхўжа Имомхўжаевни ҳам янги ташкил топган театрга тавсия этганди.

Ортиқхўжа Имомхўжаев театрда хонанда-созандалардан ҳофиз Маматбобо Сатторов, академик Юнус Ражабий, атоқли режиссёр Ятим Бобожонов, шоир Ҳабибий, созанда ва бастакорлар — Отавали Нуридинов, Саиджон Қаловов, Қомилжон Жабборовлар билан бирга ишлагани ва улар билан яқин муносабатда бўлгани, унинг моҳир профессионал хонанда бўлиб етишишида муҳим роль ўйнади.

Ортиқхўжа Имомхўжаев дастлаб оммавий саҳналарда иштирок этади, кейинчалик «Кўчқор Турдиев», «Тоҳир ва Зухра», Муқанна», «Офтобхон», «Фарҳод ва Ширин», музикали драмаларида бир неча катта-кичик ролларни ижро этади. Улуғ Ватан уруши йилларида Ортиқхўжа Имомхўжаев Янгийўл театрининг концерт бригадаси билан госпиталларда, Совет Армияси қисмларида берилган концертларда қатнашиб, ўзининг ёқимли овози билан қўшиқ ишқибозларини мафтун этади. Шу йиллар унинг репертуари янги ашула ва қўшиқлар билан анчагина бойийди. Улар орасида «Ватан» (К. Жабборов музикаси, Уйғул шеъри), «Келдинг» (С. Қалонов музикаси, Қамтар шеъри), катта ашулалардан «Борамиз», «Фарҳоднинг келур», «Бу гулшан соз экан» каби замонавий ашулалар асосий ўрин эгаллаган эди. Ортиқхўжа Имомхўжаевнинг уруш йиллари ўз санъати билан ҳарбий қисмларда шифо-ланувчиларга, меҳнаткашларга кўрсатган хизматлари учун «Шавкатли меҳнати учун» медали ва ЎзССР Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланади.

Урушдан кейинги (1947 — 1954) йилларда Имомхўжаев Ўзбекистон Радиокомитетининг халқ чоғу асбоблари оркестрида солист-хонанда бўлиб ишлайди. Бу даврда ашулачининг репертуари Навоий, Бобир, Фузулий, Муқимий каби классик шоирлар ва замонавий шеърларга ёзилган қўшиқ ва ашулалар билан бойийди. Эндиликда Ортиқхўжа Имомхўжаев бир концерт программасига етарли репертуарга эга бўлади.

У 1953—1957 йиллар эстрада концерт бригадаси билан Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида берилган концертларда қатнашади, шунинг

вапдаларнинг олқишига ва муҳаббатига сазовор бўлади. Гастроли пайтларида ҳам хонанда ўз репертуарини янги ашулалар билан бойитиб боради.

Ўзбекистон радиоси қошида мақом ансамбли ташкил топгач (1960) Ортиқхўжа Имомхўжаев ансамблнинг бадиий раҳбари Юнус Ражабий раҳбарлигида мақом йўлларини ўрғанади.

Ортиқхўжа Имомхўжаевнинг ёқимли ва кенг диапазонли (баритон-тенор характеридаги) овози унга катта маҳорат талаб қиладиган мақом ашула йўлларини ижро этишга имконият беради. Хонанданинг репертуари мақом парчалари, катта ашула ва бастакорлар яратган асарлардан иборатдир. Улар орасида халқ ичида машҳур ашулаларда «Феруз», «Сояйи», «Гулистонлар аро», «Нигоҳ айлай», «Топмадим», «Ёр келди», «Эй насимий», «Гулузорим», «Истадим», «Ўртама», «Баёт» I, «Чоргоҳ» ва бошқалар бор. Бу ашулалар Ўзбекистон радио музика фонотекасининг олтин фонди бўлиб қолади.

Ортиқхўжа Имомхўжаев ўзбек музика маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун (1945) Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи деган унвонга сазовор бўлган.

## КОММУНА ИСМОИЛОВА



Коммуна Исмоилова хоразм халқ қўшиқлари ва Ўзбекистон баc-гакорлари яратган қўшиқ ва ашулаларни маҳорат билан ижро этиб, музика шинавандаларига манзур бўлган истеъдодли санъаткорлардан-дир.

Коммуна Исмоилова 1927 йили Хива яқинида ўқитувчи оиласида туғилди. Коммунанинг ота-онаси ўз қизларининг ўқитувчи бўлишини эрзу қиладилар, ammo Коммуна бутун борлиги билан музикага — ашу-ла ва рақсга берилган эди. Музикага бўлган зўр ҳавас, интилиш ва ҳобилият ўн яшар қизчани театр саҳнасига етақлади. Унинг санъаткор бўлиб етишувида ота-онасидан эшитган халқ қўшиқлари, раққосалар-нинг шўх рақслари, музикадан олган чуқур таассуротларни катта роль ўйнади. Коммунанинг қўшиқчи бўлиб танилган пайтларидаги репертуа-ри болалигида ўз ота-онасидан ўрганган халқ қўшиқларини, ялла ва ла-парлардан иборат эди.

Ниҳоят, Коммунанинг орзуси рўёбга чиқади. Қунарларнинг бирида унга «Фарҳод ва Ширин» спектаклининг оммавий саҳнасига чиқишга ижозат беришади. Дастлаб бошқа катта артистлар билан қўшилди саҳнага чиқиш ва кичик бўлсада, роллар ўйнаш унинг ҳаётида унутил-мас воқеалар бўлиб қолди.

Коммунанинг отаси қизининг ашула, ўйинга ҳавасини кўриб хур-санд бўлса ҳам, унинг бу йўлдан боришига норози эди. Чунки қизи-нинг ҳам ўзи сингари ўқитувчи бўлишини орзу қилар, уни театрдан узоқлаштириш чораларини изларди. Ота охири Коммунани Урганчдаги ўқитувчилар курсига юборди. Орадан бир йил ўтмасдан Урганчга

Гавҳар Раҳимова ва Фахриддин Содиқов раҳбарлигидаги концерт бригадаси келади. Бу бригада уруш йилларида ташкил топган бўлиб, жангчиларга, фронт орқасидаги меҳнаткашларга концертлар берарди. Ансамбль Урганча келганида, Коммуна улар орасида ҳамшаҳар қизлардан бирини учратади ва у орқали ансамблнинг бадий раҳбари Гавҳар Раҳимова билан танишади, ниҳоят ансамбль составига киришга муваффақ бўлади. Ансамбль фронтда хизмат қилиш учун махсус ижроичилар тайёрлай бошлайди. Коммуна ҳам ансамбль билан фронтга бориш истагини билдиради. Унинг ҳали анча ёшлиги ансамбль раҳбарларини бир қадар ўйлантириб қўяди, лекин Коммуна фронтга жўнаш фикрида қаттиқ туради.

Коммуна фронт бригадасида етук ашулачилар санъатини қунт билан ўрганади. У ансамбль билан фронтда юрган биринчи кунларини эслаб: «Дастлаб жуда қийин бўлган эди. Уша йилларда айтиладиган Ватан уруши мавзуларидаги жанговар қўшиқларни тез суръатда ўрганиб, концертларда айтиш мен учун оғир туюлди. Баъзида саҳнадан кетмоқчи ҳам бўлардим»,— дейди.

Коммуна концертларнинг бирида қўшиқ текстини эсдан чиқариб қўйиб, саҳнадан чиқиб кетади. Шу воқеадан кейин, у айтиладиган ҳар бир қўшиқни пухта тайёрламагунча саҳнага чиқмайдиган бўлади. Коммунанинг ансамблда айтган ва ўрганган дастлабки қўшиқлари бастакорлардан Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Муҳаммаджон Мирзаев яратган асарлардан иборат эди. Коммуна фронтда ўзбек ансамбли билан янги ой юрганидан кейин, Ўзбекистонга қайтиб келади ва республиканинг кўпгина об-ласть ва районларида ўтказилган ҳисобот концертларида иштирок этади.

Коммуна 1944 йили концерт бригадаси билан яна қайта фронтга кетади ва 1945 йилнинг май ойигача фронт бўйлаб берилган концертларда иштирок этади. 1946 йилда Хоразмга қайтиб, у ердаги музикали драма ва комедия театрида яккахон хонанда ва актриса бўлиб ишлайди. «Нурхон» пьесасида Қумрихон, «Фарҳод ва Ширин»да Моҳинбону, «Лайли ва Мажнун»да Жамила сингари кўпгина ролларни ўйнайди. Дастлаб кичик ролларда, кейинчалик бош образларда ҳам чиқа бошлайди. «Хоразм ҳақиқати» газетасида Коммуна Исмоилованинг саҳна фаолиятига бағишлаб ёзилган мақолаларда кўпроқ унинг ашулачиллик санъати устида тўхталиб ўтилади.

Кейинчалик Коммуна Ўзбек Давлат Филармониясида, сўнгра Давлат эстрада театрида яккахон солист бўлиб ишлайди. К. Исмоилова ўша кезларда ўз репертуарини бойитиш мақсадида. Ю. Ражабий, Ф. Содиқов, Н. Ҳасанов, Г. Раҳимова, Д. Зокировлар раҳбарлигида ўз репертуарини бойитиш ва вокал маҳоратини ошириш устида ишлайди. Консерватория педагоглари Д. Муллақандов, Е. Радомская, В. Козловская ва айниқса, ўзининг сеvimли хонандаси Ҳалима Носиравдан вокал санъатининг сирларини ўрганади.

Коммуна Исмоилова қўшиқ шинавандалари орасида тез орада моҳир ашулачи сифатида танилди. 1951 йилда Москвада бўлиб ўтган иккинчи ўзбек санъати ва адабиёти декадасида Қорақалпоқ ашула ва

рақс ансамблининг концертларида муваффақиятли иштирок этди ва «Меҳнатда ўрнатқани учун» медали билан мукофотланди.

Коммуна Исмоилова ўзбек Давлат Филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестри билан ватанимизнинг бирмунча республикаларида: Украина, Закавказье, Туркманистонда ўтказилган концертларда Ҳалима Носирова, Асад Азиев, Тоштемир Шарипов сингари ашулачилар қатори иштирок этди. Мана шу даврда у ўз қўшиқчилик маҳорағи билан шинавандалар олқишига сазовор бўлди.

Хонанданинг Ўзбекистон радио ва телевидение комитети қошидаги мақом ансамблида ишлаши унинг репертуарини янада бойитди. Исмоилованинг концерт репертуари бой ва ранг-барангдир. Унда Хоразм халқ қўшиқлари, рус қўшиқлари, бастакорлар яратган замонавий музика асарларидан тортиб, Шашмақомнинг айтув йўлларигача мавжуд.

Исмоилованинг овози сопрано типига бўлиб, юқори регистрдаги учинчи октаванинг *ре-ре диез* нотасигача етади. Хонанда овозини усталик билан ишлата билади. У ашулачилик анъаналарига хос қочиримлар, нолишлар ва нолалардан усталик билан фойдаланади, Исмоилова ҳар бир қўшиқни шеър мазмунига ва куй руҳига жиддий эътибор берган ҳолда айтади. Унинг қўшиқ сўзларини бурро-бурро айтиши товуш имкониятларидан яхши фойдаланиши ижро жараёнида яққол сезилиб туради. Ашулачининг кенг тингловчилар оmmasига манзур бўлишининг сабаби — у қўшиқми, термами, Шашмақом йўлларими, қандай вокал асар бўлмасин, унинг туб маъносини очиб, ундаги бадивий образни тингловчига етказишга ҳаракат қилишидир.

Исмоилова Ўзбекистон бастакорларининг лирик ашула — қўшиқларини, айниқса, Хоразм халқ қўшиқларини эҳтирос билан ижро этади, лирик қўшиқларга хос қочиримлардан жуда ўринли ва усталик билан фойдаланади, натижада эшитувчи қалбида чуқур таассурот қолдиради.

Коммуна Исмоилова ижрочилик фаолияти билан бир қаторда, ёш ашулачиларни тарбиялаб етиштиришда ҳам тинмай меҳнат қилмоқда. Островский номидаги пионерлар уйи, «8-Март» фабрикаси ҳузуридаги ҳаваскорлар тўғарағи унинг раҳбарлигида қизғин ижодий иш олиб бормоқда.

К. Исмоилованинг халқ олдида кўрсатган хизматлари партияс ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. Унга 1950 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1967 йилда эса Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвони берилди.



## ЭРКАҚОРИ КАРИМОВ

(1877—1954)

Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизларидан бири Эркақори Каримов халқ ашулалари, айниқса, катта ашула жанри ижрочиси сифатида таъинланган эди.

Эркақори Қўқон яқинидаги Тумор қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Унинг отаси Карим ака деҳқон бўлса ҳам рақс, ашула, аскияни яхши кўрган, унинг уйида атроф қишлоқлардаги ашулачи, созанда, аскиячилар йиғилиб турарди. Ҳофизнинг онаси Фазилат Йўлдошева хотин-қизларнинг йиғинларида ашула, қўшиқ ва яллалар айтишви яхши кўрарди. Эркақори икки яшарлигида чечак касалидан кейин икки кўзи ожиз бўлиб қолади. Ун ёшга тўлгунга қадар ота-онасининг тарбиясида бўлади. Шу даврда у отаси билан қишлоқ тўйлари, томошалар ва сайилларда бўлиб, куй, қўшиқ, аскиялар тинглайди, ёқимли овози билан уларга тақлид қилиб, айрим қўшиқларни ўзи ҳам ижро эта бошлайди.

Отаси Карим ака ўғлининг ашулачилигидаги қобилиятини сезиб, Қўқонга, акаси Имомхўжанинг ҳузурига олиб боради. Имомхўжа ўз даврининг саводхон кишиларидан эди. У шеърятни яхши тушунар, ўзи ҳам шеър машқ қилиб, шоирлар гурунгида бўлиб турарди.

Имомхўжа жиянини яхши қабул қилиб, мадрасадаги ўзига қарашли ҳужралардан бирига жойлаштиради ва таълим бера бошлайди. Эркақори мана шу даврдан бошлаб Қўқон мадрасасида бир неча йил давомида қориликка ўқийди. Унинг баланд ва ёқимли овози бу ишга жуда мос тушади. Утмишда жарангдор овозли, қироат билан ўқийдиган қорилар яхши ҳурматланарди.

Эркақорининг бундай баланд ва ширали овози туфайли кун сайин мухлислари кўпайиб, хилма-хил давраларга тез-тез чақирилиб туради.

ган бўлиб қолади. Энди Эркақори Қўқоннинг ўша даврдаги машҳур ашулалари ва аскиячиларининг бой репертуарларини ўрганайди. У Навоий, Амирий, Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни ижро этиш билан бирга, ўзи ҳам шеърлар ёзишга қизиқади. Замондошларининг айтишига қараганда, Эркақори ўз шеърларини Муқимийга ҳам ўқиб берган, ундан қимматли маслаҳатлар олган.

Эркақори ашулалар билан бир қаторда, аскиячиликда ҳам шуҳрат қозонади. Узининг яқин дўсти Муҳаммад Юнус билан аския айтганида бутун Фарғона водийсида ном қозонган аскиячиларга ҳам маъқул тушарди. Аския айтишда Эркақори билан баҳслашадигани кам бўларди.

Эркақорининг санъати ёш шоирларга илҳом, ҳавас бағишлар, уларни тингловчилар орасида шуҳрат қозонишига ёрдам берарди. Фироқий, Хастадил, Чустий сингари ўнлаб ёш шоирлар Эркақори ашулаларидан илҳомланиб «ашулабоп» шеърлар ёзардилар.

Эркақорини яхши билган кишиларнинг айтишларига қараганда, у ашула текстини танлашга катта эътибор берар, бирор шеърни ашулага солиб айтишдан аввал ҳар бир сўзининг маъносига куй характерига мос тушиш-тушмаслигига эътибор қиларди. Тожизодаининг айтишича, Эркақорининг овози у қадар баланд ва кучли бўлмаса ҳам, ашулаларнинг ҳар бир жумласини аниқ, ёқимли ижро этган ва шинавандаларга манзур қилган. Уша йилларнинг шоирлари, созандалари ва ҳофизларидан Эргаш Ҳайдаров, Шерқўзи Бойқўзиев, Меҳмон тўра Тўйчиев сингари унга шогирд тушгандилар.

Эркақори атоқли ҳофиз бўлиш билан бир қаторда, халқ ашулаларининг билимдон сифатида ҳам машҳур эди. 30-йилларда профессор В. А. Успенский Эркақоридан бир неча катта ашулаларни нотага ёзиб олади, орадан кўп ўтмасдан Эркақорининг айтган ашулалари грампластинкаларга ҳам ёзилади.

Эркақори 1937 йилда Ўзбекистон санъат арбоблари қаторида Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъатининг ўн кунлигида қатнашади. «Колхоз тўйи» инсценировкасида ўзининг ашулалари ва аскиялари билан иштирок этади. Унинг ижрочилик санъати Москва томошабинларида яхши таассурот қолдиради. Мана шу йили Эркақорига Ўзбекистон халқ ҳофизини ва Ҳурмат белгиси ордени берилади.

Эркақори Улуғ Ватан уруши йилларида Совет армияси сафига чақирилган ёшлар олдида ашулалар айтади, ўткир аскиялари билан уларнинг руҳини кўтарайди, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшади. Халқ ҳофизининг жангга кетаётган йнгитларни душман устидан ғалаба қозонишга, мардликка, жасоратга, она-Ватан ҳимоясига чорлайдиган кўшиқлар билан мурожаат қилганини тез-тез эшитиш мумкин эди.

Эркақори ҳаётининг сўнгги йилларигача ашула айтиб яшади, у 1954 йили вафот этди.



## ГАБРИЭЛЬ МУЛЛОҚАНДОВ

Габриэль Муллоқандов ўзбек ва тожик мақомлари ҳамда халқ кўшиқларини ёқимли ижро этувчи хонандалардан биридир.

Муллоқандов Самарқанд шаҳрида майда савдогар oilасида туғилди. Габриэль ашула ва кўшиқни ёшлигида отаси ва akасидан ўрганиб, уларга қўшилиб машқ қилиб юрди. Габриэлыннг катта akаси Шоломо танбур ва дутор билан мақомларнинг айрим шуббаларини ижро этарди.

Габриэль ўн икки ёшдан бошлаб akасидан доира усулларини, сўнгра дутор чертишни ўрганади. Ўн беш ёшида умумий таълим мактабининг бошланғич синфини тугатгандан кейин танбур чалишни тўлатўкис ўрганишга киришади.

Уша йиллари Самарқанд музика ҳаётида Шашмақом ижрочилиги катта ўрин тутарди. Тингловчилар ашулачи ва чолғувчилардан кўпроқ мақом йўлларини талаб қилардилар. Бу ҳол келажакда ашулачи бўлишни орзу қилган Муллоқандовдан мақом йўлларини бялишни талаб қиларди.

Габриэль Самарқанд атрофидаги Сочак, Хўжа Аҳрор, Жомбой каби маҳаллалардаги тўй-томошаларда akасига қўшилиб «Реза-реза», «Оби чашм», «Айла-айла» сингари кўшиқларни айтиб юради, доира чалиб унга жўр бўлади. Бора-бора у танбурда йирик шаклдаги «Эшвой», «Баёт» ва «Ҳаётан-набий» каби ашулаларни ўрганади. У машҳур ашулачилар ижросидаги мақом йўлларини, Ҳожи Абдулазизнинг «Самарқанд Ушшоғи» ва Леви Бобоҳон ижро этган «Насри Уззолни» ўзлаштиради. Мана шу икки хонанда айтган ашулалар Муллоқандовда чуқур таассурот қолдирди, унинг хонанда бўлиб етишишида муҳим роль ўйнади.

Муллоқандов ўн бир ёшида отаси вафотидан кейин турли соҳаларда ишласа ҳам музикадан узоқлашмайди. Катта акаси вафотидан кейин (1918 й.), кичик акаси Михаил билан биргалашиб музика ижрочилигини давом эттиради. Габриэль 1920 йилда комсомол сафига ўтгандан кейин «Восток» кварталдаги ҳаваскорлар клубида иштирок этади. Бу тўғрақда у, «Омун ва Тумор», «Хуни ноҳақ», «Оршин мол-олон», «Босмачи» пьесаларида хилма-хил ролларни ижро этди. Концертларда доирачи ва чангчи сифатида қатнашади.

1929 йили ака-ука Муллоқандовлар Самарқанд шаҳар чойхоналаридан бирида қўшиқ айтишгаётганда уларни Қори Ёқубов билан Тамара-хоним учратиб қолади ва ўзбек этнографик труппасига таклиф қилишади. Улар бу труппа билан Арман клубида бериладиган этнографик концертларда доирачи ва ашулани сифатида қатнашадилар.

1930 йили ака-ука Муллоқандовлар Қори Ёқубов бошчилигидаги музикали театр труппаси билан Тошкентга келадилар ва 1932 йилгача шу ерда ишлайдилар.

1930 йили июнь ойида Москвада бўлган СССР халқлари санъати ва театрининг биринчи олимпиадасида қатнашадилар. Габриэль Муллоқандов Москва ва Ленинградда берилган концертларда қатнашади.

1932 йили ака-ука Муллоқандовлар Самарқандга қайтиб келиб «Восток» кварталда маҳаллий яҳудийлар театрида ишлайдилар. Театрда Бухоро ва Самарқанд маҳаллий яҳудий созандалари: Михаил Муллоқандов, Қалонтаров, Аъзам Камолов, Довид Муллоқандов ва бошқалар ҳам бор эди.

Муллоқандовнинг ёқимли овози тожикистонлик кўшиқ шинавандаларини ҳам мафтун қилганди. Унинг савъатига юксак баҳо берардилар. 1935 йилнинг 27 майида Лохутий номида Тожикистон ССР Давлат театри Муллоқандовни фахрий ёрлиқ билан мукофотлайди ва Ударник деган фахрий унвон беради.

Шу йилларда Муллоқандовнинг репертуарида «Ушшоқ», «Бебокча», «Чапандоз» ашулалари билан бир қаторда, Тожикистон композиторлари ва бастакорларининг «Дили ман», «Хокистари дил» сингари кўшиқлари ҳамда «Сарахбори Оромижон», «Қашқарчаи Бузрук», «Тўлқин», «Тошкент Ироғи», «Қурбон ўлам» каби йирик ашулалар бор эди.

Муллоқандов санъатидан таъсирланган атоқли ашулани, РСФСРда хизмат кўрсатган артистка Ирма Яунзем маҳаллий матбуотда шундай ёзган эди: «Габриэль Муллоқандов маҳоратли ашуланилардандир. У ниҳоятда мураккаб тожик куйларини чуқур ҳиссиёт ва маҳорат билан айтади»<sup>1</sup>.

Муллоқандов 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ўн кунлигида қатнашиб, концертларда «Оромижон», «Абдурахмонбегги» ашулалари ва «Ер-ёр» кўшиқларини ижро этади. Декада концертларида қозонган муваффақиятлари учун Муллоқандов Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотланади.

Муллоқандов 1940 йилларда Самарқандда гастроль концерт бригадасини бошқаради, Каттақўрғон сув омбори қурилишидаги концертлар-

<sup>1</sup> «Коммунист Таджикистана» газетаси, 5 март, 1935 йил. (М. Аҳмедов таржимаси).

да қатнашади. 1943 йили Уралга гастролга боради. Матбуотда бу гастроль тўғрисида: «Габриэль Муллоқандов раҳбарлигидаги 21 ижрочидан иборат концерт бригадаси Нижний Тагилга келди, бригада бир ой давомида Уралнинг sanoat районларида бўлади... Программада ўзбек, тожик халқ қўшиқлари рақслари бор»,— деб ёзилган эди<sup>1</sup>. Бригада Омск, Свердловск, Челябинск ва Магнитагорск шаҳарларида концертлар беради.

1948 йилда Муллоқандов Тошкентнинг радио концертларида «Талқини Ушшоқ», «Сени», «Талқини Сабо», «Уфари Савти Сабо», «Курди Ланг» ашула ва қўшиқларини ижро этади. 1949 йилда Бутун иттифоқ радиоси Москвада Муллоқандовдан «Ушшоқи Қўқанд», «Ироқи Бухоро», «Талқини Уззол», «Насри Уззол», «Уфари Уззол», «Сарахбори Оромижон», «Уфари Оромижон», «Тўлқин» ашулаларини, «Хуш келибсиз» ва «Айланай» қўшиқларини ёзиб олади.

1956 йили Ўзбекистон радиоси Муллоқандовдан «Сарахбори Оромижон», «Уфари Оромижон» ва «Ки хабар кард» ашула ва қўшиқларини ёзиб олади.

1956—1957 йиллар мобайнида Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти Муллоқандов ижросида «Устага қаранг», «Ушшоқи Самарқанд», «Қурбон ўлам», «Реза-реза» сингари ўнга яқин ашулаларни магнит плёнкага ёзиб олди. У ўз архивида мавжуд ашулалар текстини, концерт фаолиятига доир афишаларни, мақолалар, фотосуратлар тўпламини Институт кутубхонасига тақдим қилди.

Муллоқандовнинг овози ёқимли баритон характерида бўлиб, ашулаларни ниҳоят таъсирчан ижро этади. Ижро этган ашулаларида Бухоро ва Самарқанд мақомхонларининг ўзига хос хилма-хил қочиримларининг таъсири сезилиб туради.

Партия ва Ҳукумат Габриэль Муллоқандовнинг ўзбек ва тожик халқ қўшиқларини, ашула ижро этишдаги маҳоратини ва ташкилотчи сифатидаги самарали хизматларини тақдирлаб, 1936 йили Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берди.

---

<sup>1</sup> «Тагильский рабочий» газетаси, 14 июль, 1943 йил. (М. Аҳмедов таржимаси.)

## **КАРИМ МУМИНОВ**

**(1914—1968)**



Ўзбек вокал санъатининг таниқли намоёндалари орасида ашулачи Карим Мўминовнинг номи алоҳида ўрин эгаллайди.

Карим Мўминов Самарқандда маҳаллий бўёқчи яҳудий оиласида туғилган. Карим Мўминов музикага ёшлигидаёқ ҳавас қўяди. Лекин у ҳали бирор ашула ёки қўшиқни айтишни уддалай олмас, соз чалишни ҳам билмасди, лекин завқ-шавқ билан берилиб тингларди. Тўй-ҳашамларда, чойхоналарда чолғувчиларга, ҳофизларга яқинроқ ўтириб олиб, ашула эшитишни яхши кўрарди.

Мўминов ёшлигида турли соҳаларда: чамадонсозлик артелида шоғирд, ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлайди, турли район ва шаҳарларда бўлади.

Мўминов 1933 йили ота-онаси билан Тошкентга кўчиб келади ва Ташсельмаш заводига ишга киради, заводнинг ҳаваскорлар тўғарагида қатнашади. Тўгарак раҳбари Мирсоат Мўминовнинг ёқимли овозини эшитиб, у билан жиддий машғулотлар ўтказилади, ҳамда музика соҳасида ўқиш ёки театрда ишлашга маслаҳат беради. Мўминов ўзбек тилида тўғри талаффуз қилолмас, ўзбекча шеърлар билан айтиладиган қўшиқ ва ашулаларни айтишда қийналарди. Шунга қарамай, Мўминов ўз ижроси устида қўнт билан ишлайди.

1935 йили Ўзбекистон радиоси қошидаги музика ансамблида ишлаш учун ўтказилган конкурсда қатнашиб, солистлар қаторидан ўрин олади.

Карим Мўминов ҳаётида радио ансамблида ишлаш янги давр бўлди. Ашулачиликка бўлган зўр эҳтирос унинг бутун диққатини музика санъатига қаратди. У радио ансамблида атоқли ашулачилар: Домла

Халим Ибодов, Мулла-Тўйчи Тошмуҳамедов, Бобораҳим Мирзаев айтган қўшиқларни зўр ҳаяжон билан эшитди, уларнинг ранг-баранг ижро услубларини ўрганди. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декадасига тайёргарлик вақтида эса, устоз хонандаларнинг ижро услубларини ўрганди.

1936—1940 йиллар Қарим Мўминов учун маҳоратини ўстириш, репертуарини янги асарлар билан бойитиш, устозлар услубини ўрганиш ва малакасини ошириш йиллари бўлди.

Қарим Мўминов ўз овозининг ёқимли тембри, раволиги ва жозибadorлиги билан шинавандаларга манзур бўлди ва унинг халқ орасида танилишида муҳим роль ўйнади. Унинг овози баланд регистр ва кенг диапазонли бўлса-да, у ўртача диапазондаги овозидан усталик билан фойдалана оларди, айниқса, мавжуд овозга хос характерли репертуар танлаб, уни тингловчиларга таъсирли қилиб етказиш ашулачи санъатининг асосий хусусиятларидан бири эди. Овозининг раволиги, ўткирлиги, сўзларнинг бурро-бурро талаффуз этилиши айtilган ҳар бир ашула ва қўшиқни мазмундор ва таъсирчан чиқишига имкон берарди. Қарим Мўминов тингловчиларни эркин ва ҳаяжонлантирадиган услубда берилиб айтиш билан ўзига жалб қиларди.


Қарим Мўминовнинг қўшиқ репертуари хилма-хил эди. Мақомларнинг ашула йўллари, ўзбек ва тожик халқ қўшиқлари («Баҳор айёмида», «Жононларга», «Тасаддуқ») ва Т. Жалилов, Ю. Ражабий, И. Икромов, Ф. Содиқов каби бастакорларнинг «Раъноланмасун», «Куйгай», «Раънолининг бордур», «Қолдиму», «Кўрсатмағай», «Ўхшамас» сингари ўнлаб қўшиқ ва ашулаларини завқ-шавқ билан айтарди.

Қарим Мўминов Шашмақом йўлларини ўзлаштиришда ҳам қўн т билан ишлади. Унинг ижросида мақом ашула йўлларининг кўплари магнит ленталарга ва грампластинкаларга ёзиб олинди. Хонанда радиода ишлаш билан бир қаторда, Пушкин номидаги шаҳар маданият ва истироҳат боғида, Тошкентдаги 14, 39-мактабларнинг музика ҳаваскорлари тўғрақларига раҳбарлик қиларди.

Қарим Мўминов қўшиқ шинавандалари орасида танилган ашулачилардан бири эди. Унинг ижрочилик фаолияти халқ қўшиқлари ва бастакорлари асарларини оммавийлаштиришда катта роль ўйнади. Қарим Мўминов ЎзССР да хизмат кўрсатган артист фахрий унвони билан тақдирланган.

У 1968 йили Тошкентда вафот этди.

## ОТА ЖАЛОЛ НОСИРОВ (1845—1928)



Ўзбек ва тожик халқ профессионал музика маданиятининг атоқли намояндаси Ота Жалол (Жалолиддин) Носиров XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошида яшаган таниқли музика арбобларидан бирidir. Мақомдон устоз Ота Жалол Шашмақомнинг барча шуъбалари ва тарона йўлларини пухта биларди. У шу сабабли халқ орасида катта обрў қозонган, ашула шинавандаларини ўзининг кенг диапазонли овози билан мафтун этган ажойиб хонанда эди. Унинг совет тузуми давридаги ижодий фаолияти, айниқса баракали бўлди.

Бухорода биринчи музика мактаби, Самарқандда музика билим юртининг юзага келишида Ота Жалолнинг хизмати катта. Уста Шоди Азизов, Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов, Бобоқул Файзуллоев каби мақомдон хонандалар ҳам Ота Жалолдан таълим олишган эди. Ўзбек ва тожик профессионал музика санъатининг дурдоналаридан Шашмақомнинг ёзиб олиниши ва сақлаб қолинишида Ота Жалолнинг қўшган ҳиссаси катта.

• Ота Жалол номини тилга олганимизда устозлар устози, Шашмақомнинг донишманд билимдони мураккаб усуллар устаси, ажойиб танбурчи ва хушовоз хонанда кўз олдимизга келади. Шу сабабли Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли воҳаларида Ота Жалолнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Дарҳақиқат, мақомдонлар тили билан айтганда, у «устойи куллий» эди. Бу ибора арабча «Устозул-куллий» яъни ҳамма нарса (куй)ларни мукамал ва тўқис-туғал билувчи мақомдон устозларга нисбатан ишлатиларди.

1 Ота Жалол 1845 йили Бухоронинг Эшон пир маҳалласида туғилди. Отаси Носир масжидда сўфилик қиларди. Носир сўфининг ниҳоятда баланд овоз билан азон айтиши бир неча маҳаллаларга эшитилиб турарди. Унинг мана шундай баланд ва кучли овози ўғли Жалолга ҳам «мерос» бўлган эди.

Ота Жалолнинг ашулачи бўлиши оддий бир ҳавас ёки вақтинча қизиқиш эмасди. Еш Жалол музикачилар даврасида ўсди ва тарбияланди. Унинг акиси мулла Хайрулло маҳоратли мақом ижрочиси, унинг ўғли Каромат эса, уста камончилардан эди.

Ота Жалол билан бир неча йиллар давомида яқин муносабатда бўлган музика этнографи, профессор В. А. Успенский ҳофизнинг таржimai ҳолига оид қуйидаги маълумотни келтиради: «Ота Жалол Бухорода мақомни чуқур билган ва уни сақлаб қолган энг сўнгги ва ягона вакиллардандир. У саккиз ёшидан музика ўргана бошлайди. Мақомлар билан уни дастлаб онаси таништиради. Ун олти ёшидан бошлаб амир саройида хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Ана шундай музикавий муҳит Ота Жалолни ёшлиқдан бошлаб музика билан машғул бўлишига шарт-шароитлар яратиб берган. Еш Жалолдаги ажойиб туғма қобилият XIX аср иккинчи ярмида яшаган машҳур ашулачи Тиллобой сингари созанда-хонашдалар диққатини ҳам ўзига тортган эди. Тиллобой Ота Жалолга устозлик қилади. У дастлаб қўшиқ ва чолғу куйларини ўргатади, сўнгра мақом йўлларини ўзлаштиришда кўмаклашади. Ота Жалол устозидан олган самарали таълими натижасида йигирма ёшида Бухоро Шашмақомини мукамал айтадиган бўлди<sup>2</sup>.

Ота Жалол ёшлиқ даврида Бухоронинг машҳур ашулачиси ва созандалари Мирзо Ҳидоят, Муллабой, Абдураҳмонбек<sup>3</sup>, Абдулхайр Маҳмуд, Мир бобо, Мир Восе сингарилар орасида бўлади ва биргалашиб ашулалар айтади.

Ота Жалолнинг мақом ижрочилигидаги шухрати Бухоро амирлиги саройигача бориб етади. 1862—1863 йилларда Амир Музаффархон Ота Жалолни сарой ҳофизи қилиб тайинлайди ва дўстлари даврасида хурсандчилик қилиш ва истаган жойларига бориш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Энди амир Музаффар орқасидан эргашиб шаҳарма-шаҳар, қишлоқ ма-қишлоқ юришга, амира олийнинг истак-хоҳишини сўзсиз бажаришга, саройнинг ҳар хил тартиб-одатларига бўйсунушга мажбур эди. Ота Жалол амир Музаффархонда хизмат қилган кўп вақтини Шаҳрисабзда ўтказди. Амир Аҳадхон даврида кўпроқ Карманда (ҳозирги Навоий шаҳрида), амир Олимхон даврида эса асосан Бухорода яшайди.

Амир Олимхон даврида Ота Жалолга «Мирохўр» (амир сарой амалдорларининг отлари сақланадиган махсус сайисхона бошлиғи), деган унвон берилди. Ота Жалол амирлик ағдарилгандан кейин саройдаги мудҳиш хизматидан абадий қутулади.

<sup>1</sup> «Сборник «Советский Узбекистан», Т. 1927 г. (М. Аҳмедов таржимаси.)

<sup>2</sup> Бухородаги тadbурчи Маъруфжон Тошмулатовнинг айтишига қараганда Ота Жалол 15—16 ёшида Шашмақомнинг олти сарахборини тўла ўзлаштириб ижро этган.

<sup>3</sup> Бухоронинг таниқли тadbурчиси Мирнозимов Атожон заргарнинг айтишича «Абдураҳмонбеги» циклини Абдураҳмонбек яратган.

Бухорода 1920 йили очилган «Шарқ музыка мактаби»га Ота Жалол ҳам жалб қилинади. У ўз атрофига қобилиятли ёшлар билан бир қаторда Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов, Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов, Ғулом Гармон, Туробқул, Тоҳиржон Давлатзода сингари маҳоратли ҳофиз ва чолғувчиларни жалб қилади. Мактабда ёшларга Бухоро Шашмақоми ўргатиларди. Бу ишда Ота Жалолнинг шахсан ўзи бошчилиқ қилади. У Домла Ҳалим ва Левича билан мактабининг мақомчиларга Шашмақом йўлларини изчиллик билан ўргата бошлайди. Домла Ҳалим билан Левича ўз навбатида мақом йўлларини шоғирдларига ўргатардилар.

Шундай қилиб Бухоро «Шарқ музыка мактаби» кекса санъаткор Ота Жалол бошчилигида ўзбек ва тожик халқларининг бой музыка мероси — Шашмақомни тарғиб қилишда муҳим ҳисса қўшган эди. Мазкур мактаб ҳақида музыка шарқшунослигининг атоқли арбоби, профессор В. М. Беляев шундай деб ёзган эди: «Шарқ музыка мактабининг мақомчиларини, фақат миллий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, у музыка санъати ривожланиши тарихи билан қизиқувчи барча олимлар учун ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир»<sup>1</sup>.

1923 йили В. А. Успенский Ота Жалол Носиров ва Ота Ғиёс Ғаниевлардан Шашмақомнинг олтига — Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларини ёзиб олади. Шашмақомнинг ўша даврда нотага олинган ва 1924 йил (Москва)да нашр этилиши ўзбек музыка маданиятида катта воқеа бўлди.

Шашмақом нотага олинаётган пайтда Ота Жалол саксон ёшга яқинлашиб қолганди. Шунга қарамай, у Шашмақомни мукаммал билиши, ижро этиш услуби ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. В. А. Успенский Ота Жалолнинг машҳурлиги тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Шашмақом Бухоро халқининг диққат-эътиборига сазовор катта ва севимли санъатидир, бунга мен 1928 йилда ишонч ҳосил қилган эдим. Катта бир сайилда минглаб кишилар машҳур ашулачи Ота Жалол Носиров айтган ашулаларни мароқ билан тингладилар. Музыка санъатини севиш ва уни қадрлашнинг ажойиб мисоли бу»<sup>2</sup>.

В. А. Успенский бошқа бир мақоласида: «Ота Жалол кексайиб қолганлигига қарамай, баланд ва ёқимли овози, ўткир хотираси сақланиб қолганди. Яна шу нарсага эслатиб ўтиш керакки, бу ҳофиз барча ашулаларнинг куйлари ва шеърлари билан бир қаторда, ўн саккиз турдан иборат (донра) усулларни формуласини ҳам ёдида сақлаб келарди»<sup>3</sup>.

Шу пайтга қадар Ота Жалол ўзбек ва тожик халқлари музыка маданияти тарихида фақат хонанда ва созанда деб қараларди. Айрим илмий манбаларда унинг мақомдон — бастакор экани ҳақида ҳам гапирилади. Ота Жалол Шашмақомнинг мушқилот қисмларини тартибга солган, айрим мақом шуъбаларини кенгайтирган, ривожлантирган ва

<sup>1</sup> В. А. Успенский. «Ауджи турк и его роль в развитии народной песни Бухары». (Қўлёзма Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг кутубхонаси, Инв. 110. (М. Аҳмедов таржимаси.)

<sup>2</sup> Юқоридаги қўлёзма (М. Аҳмедов таржимаси.)

<sup>3</sup> В. Успенский. «К материалам по исследованию макома» (қўлёзма, Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-ти кутубхонаси инв. № 480). (М. Аҳмедов таржимаси.)

қўшимча қисмлар басталаган. Ота Жалол Сегоҳ мақомига савт усулида уч қисмли шўба басталаган. Бу шўба «Савти Жалолий» деб аталади.

1925 йилда Ота Жалол Домла Ҳалим Ибодов ва Ҳожи Абдурахмон Умаров билан Самарқандга келади. Бу ерда ҳам у Бухоро музика мактабида бошланган фаолиятни давом эттиради: ёшларга мақом йўллари-ни ўргатади, шаҳар клубларида ўтказилган концертларда иштирок этади. Ота Жалол Домла Ҳалим, Ҳожи Абдурахмон, Шоҳназар Соҳибовлар жўрлигида Растан навда ашулалар айтади. Маҳаллий созанда ва ҳофизлар, Ҳожи Абдулазиз сингари машҳур ашулачилар ҳам ундан маслаҳатлар олиб турадилар ва яқин муносабатда бўладилар.

Машҳур тошкентлик ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ва Шораҳим Шоумаров Бухорога борганларида уларни Ота Жалол уйига таклиф қилгани, қўшиқлар айтгани ва Ота Жалолдан «Гўря» қўшиғини ўрганиб қайтганини Шораҳим Шоумаров мамнуният билан эслаб юради.

Атоқли санъаткор Юнус Ражабий ҳам 1924 йили Бухоронинг «Ҳавзи Девонбеги»да Ота Жалол ижросида Сегоҳ ва Наво мақомларидан парчалар эшитганлигини, у айтган мақом йўллари усулининг раволиги, талаффузининг бурролиги ва овозининг катта таъсир кучига эга эканлигини зўр ҳаяжон билан эслайди.

Ота Жалолдан ўнлаб ашулачи ва созандалар таълим олди. Қайси бир мақомхондан, кимдан таълим олганлигини сўрасангиз, у ё Ота Жалолдан ёки Ота Жалолнинг бирор шогирдидан ўрганган бўлиб чиқади.

Ота Жалол Носиров музика маданиятимиз тарихида ўзбек ва тожик халқларининг профессионал музыкаси—Шашмоқом билимдон, уста ижрочи, кўплаб хонандалар, созандалар тарбиячиси сифатида ўчмас из қолдирди.

## ЗАЙНАБ ПОЛВОНОВА



Зайнаб Полвонова 1918 йили Қўқонда қассоб оиласида тугилди. Отаси бола-чақалари орасида қўшиқ айтиб, ҳордиқ чиқаришни яхши кўрадиган одам эди. Онаси ҳам аёллар орасида қўшиқ айтиб юрарди.

Ойладаги бундай ашула ва қўшиққа бўлган ҳавас Зайнабга ҳам таъсир қилди. Ешмигндаёқ мураккаб «Самарқанд Ушшоғи» каби ашулаларни отасининг ёнига кириб айтиб юрди. Зайнаб Полвонова медицина техникумида ўқиб юрган пайтларида ҳам, болалар орасида ишлаган йилларида ҳам, қўшиқ айтмасдан тура олмасди. Хонанда оила аъзолари билан Андижон область Избоскан районида яшаган пайтларда З. Полвонованинг хушовозлиги туфайли уни район театрида ишлашга таклиф этадилар.

Зайнаб Полвонова ашулачиликни 1939 йилда Избоскан район колхоз-совхоз музикали драма театрида бошлади, «Гулсара» спектаклида Ойсара ролини, «Аршин мол-олон»да Жаҳон хола, «Ҳалима»да Руқия она каби ролларни ижро этади. Кейинчалик у Андижон ва Қўқондаги область музикали драма театрларида хонанда бўлиб ишлайди.

Уша даврларда ҳам область театрлари ёлғиз спектакллар қўйиш билан чекланиб қолмай, теварак-атрофдаги колхоз-совхозларга бориб концертлар бериб туришарди. Зайнаб Полвонова эса бу концерт ансамблларида ўзининг ёқимли ашулалари билан актив қатнашарди.

Ижрочилик фаолиятини лапарлар айтишдан бошлаган Полвонова, кейинчалик ўзининг репертуарини «Гул барги», «Меҳнат аҳли», «Самарқанд Ушшоғи», «Баёт» II, «Талқини Баёт», «Ҳануз», «Феруз», «Шитоб айлаб» сингари жуда кўп лирик ашулалар билан бойитди. Тожик, уй-

гур, озарбайжон қўшиқлари ҳам Полвонова репертуарида кўзга кўр-  
нарли ўрин олди. Тожиқча, «Э бодапарастон» (Навойнинг Фоний тахал-  
луси билан ёзилган форсча газали), озарбайжонча «Гул ўгло» ва уй-  
гурча «Қакку» қўшиқ ва ашулалари шулар жумласидандир.

Зайнаб Полвонова ўзбек халқ қўшиқчилигининг турли жанрлари-  
да куйлай беради. Маъмуржон Узоқов, Габриэль ва Михаил Муллақан-  
дов сингари машҳур ҳофизларнинг йўлларини ҳам ўзлаштирган.

Зайнаб Полвонова эллингичи йиллар бошидан Ўзбекистон Радио-  
комитетида ишлайди. Бу давр унинг ижрочилик фаолиятида юксалиш  
даври бўлди. Радио қошидаги ўзбек халқ чолғу ансамблида моҳир созан-  
да-хонандалар, бастакорлар йиғилишган эди. Полвонова радио коллек-  
тиви ёрдамида кўпчилик шинавандаларга танилди. Зайнаб Полвонова-  
нинг айтишича, у бастакорларнинг асарларини бевосита уларнинг ўзла-  
ридан ўрганарди. Бастакорлар хонанда учун махсус куйлар яратар,  
хонанда эса уларни оммага етказарди.

Радио эшитувчилар орасида машҳур бўлган, «Кўрмадим» (На-  
вой шёъри) лирик романсни композитор Дони Зокировнинг ўзидан ўр-  
ганган. Юнус Ражабийнинг «Гул барги», «Қадаҳ», Фахриддин Содиқов-  
нинг «Тўёна», Набижон Ҳасановнинг «Офарин», Тўхтасин Жалиловнинг  
«Азиз Ватаним» қўшиқларини ҳам уларнинг ўзларидан ўрганган. Пол-  
вонова композитор Сулаймон Юдаков асарларини ҳам жозибали айтади  
ва унинг «Меҳнат завқи», «Ўзбекистон» қўшиқлари Полвонова репер-  
туаридан мустақкам ўрин олган. У мазкур асарларнинг барчасини зўр  
маҳорат билан ижро этади.

Хонанданинг ижрочилик маҳорати, ашула айтиш ямқониятлари,  
айниқса Ю. Ражабий басталаган лирик ашула «Гул барги»да яққол на-  
моён бўлади.

Не наво соз айлағай, булбул гулястондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаққаристоядин жудо.  
Ул қуёш ҳажринда, қўрқарман, фалакни ўртағай,  
Ҳар шарориким, бўлур ул ўтлуғ афгондин жудо.  
Ҳажр ўлимдан талх эмиш, бундни сўнг, эй гардун мен,  
Айлағил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Ашуланинг куйи гоаят оҳангдор, ёқимли янграйди. Авжнинг уч мар-  
та такрорланиши қўшиқ мазмунидаги ғамгинлик билан изтиробни таъ-  
кидлашга ёрдам беради. Зайнаб Полвонова бу қўшиқни айтганда, унинг  
овози силлиқ, юқори регистрда текис, равои янграйди.

Зайнаб Полвонова эстрада қўшиқчиси сифатида ҳам танилган. Рес-  
публиканинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб берилган концертларда, ҳар  
турли йиғинларда Полвонова ўзи доира чалиб ашула айтишни яхши  
кўради. Якка ашула айтганида доира усулларини ўзи чертиб туради. Эс-  
трада саҳнасида эса халқ чолғу асбоблари жўрлигида куйлайди.

Зайнаб Полвонова қўшиқ сўзларини аниқ талаффуз қилади. Унинг  
овозини лирик-драматик сопрано турига қўшиш мумкин. Кичик октава-  
даги «ля»дан иккинчи октавадаги «фа, соль» товушларигача бўлган ўрта  
регистрда унинг овози ёқимли, тўлиқ садо беради.

Зайнаб Полвонова қўшиқларининг ҳам ўз мухлислари, шинавандалари бор. Эстрада артистларининг Самарқанд областида берган концерти ҳақида «Ленин йўли» газетасида босилган тақризда Полвонова ҳақида шундай ёзилган: «Эстрада артисти З. Полвоновани томошабинлар қизғин олқишладилар. «Ўзбекистон», «Паришон қил», «Самарқанд ушшоги», «Фигояким», «Меҳмон бўлай деб келдим» каби қўшиқларни у зўр маҳорат билан ижро этди...»<sup>1</sup>

Матбуотнинг бу тақризи қўшиқ шинавандаларининг фикри — овозидир. Қуйидаги сўзлар эса, кекса созанда Ризқи Ражабийнинг ашулачига берган баҳосидир: «Ўнинг репертуарида чиқитга чиқадиган нарсаси йўқ, нима айтса, мароқли айтади ва уддасидан чиқади»<sup>2</sup>.

Катта Фарғона канали каби йирик қурилишлар даврида (1939—1941) Полвонова ҳам қўшиқчи санъаткорлар қатори қурувчиларга ўз санъати билан хизмат қилди.

Хонанда 1958 йили Ўзбек Давлат Филармонияси ҳузуридаги хотин-қизлар хорида ишлади, 1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиётининг учинчи декадасида иштирок этди. Декададан кейин Зайнаб Полвонованинг кўп йиллик ижрочилик фаолияти фахрий ёрлиқлар ва «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

---

<sup>1</sup> «Ленин йўли» газетаси, 1960, 24 декабрь.

<sup>2</sup> Кекса созанда билан қилинган суҳбат материалдан.



✓ **БОЛТАБОЙ  
РАЖАБОВ**  
(1878—1960)

Болтабой ҳофиз Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида машҳур анъанавий «Катта ашула» жанрини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган атоқли санъаткорлардандир. У Марғилоннинг Шакар қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Отаси ва тоғаси бўш вақтларида биргаликда «Катта ашула»лар айтиб машқ қилишарди. Қиш пайтларида улар борган жойларда турли оҳанглардаги ашула-қўшиқлар, карнай-сурнайлар янграб турарди.

Болтабойнинг бобоси Матхолиқ ота ашулачи бўлиб, неварасини ҳам халқ сайиллари, тўй-томошалар, базмлар ва шувга ўхшаш ҳар хил йиғинларга ўзи билан олиб борарди. Матхолиқ ота Фарғона водийсининг турли шаҳар ва қишлоқларидаги атоқли ашулачи ва созандалар билан ҳамкорлик қиларди. Бора-бора бу касб Болтабойга ҳам мерос бўлиб қолди.

Бобоси вафотидан кейин Болтабой яна отаси қўлига қайтиб, ундан донра чалишни ўрганди, баъзида унга қўшилишиб ашула ва қўшиқлар айтиб юрди.

Болтабойнинг тоғаси Мақсуд ҳофиз ҳам маҳоратли ашулачилардан эди. Мақсуд ҳофиз ўз замондоши Макайли<sup>1</sup> ашулачидан қолишмасди. Мақсуднинг ижрочиликдаги маҳоратига ашулачи ва созандалар тан берардилар. Мақсуд ҳофиз жияни Болтабойнинг ашула айтишдаги завқи,

---

<sup>1</sup> Макайли қишлоғидан чиққан бу ашулачига академик Юнус Ражабий ҳам юк-сак баҳо беради.

зеҳнини кўриб ўзига шогирд қилиб олади. Шундан бошлаб Болтабой тоғаси ва укалари билан тўй-томошалар ва базмларда ҳамнафас хонанда сифатида иштирок этади.

Болтабой Ражабов саводсиз бўлганлиги туфайли ашула текстларини қайтариб такрорлаш асосида хотирлаб қоларди. Тоғасидан ўша йиллари кенг тарқалган, Машраб шеъри билан айтиладиган «Пошшони пир қилган биз халққа ҳамнатдан гапир», деган наътни ўрганарди.

Болтабой «Катта ашула»лар айтишга киришишдан олдин, кўп йиллар давомида кичик шаклдаги қўшиқ ва рубойларни айтиб юради. Бу даврда у «Катта ашула»чи устозлардан эшитганларини ўзича машқ қилиб, ўрганиб юрарди. Ражабов Марғилоннинг «Чор чинор» деган мавзuidaги ашулачилар баҳслашувига қатнашиб турадиган таниқли ашулачилардан Абу Баҳриддин, андижонлик Деҳқонбой, Ашурали, қўқонлик Ҳамроқул қори, Турғун Сариқ, Холқора, Абдурахмон қори, бачкирлик Муҳаммадали қори сингари устоз хонандаларни эшитишга муяссар бўлади. Болтабой кўпроқ Ҳамроқул қорининг овозини яхши кўрарди.

«Кунларнинг бирида, — деб эслаган эди Болтабой Ражабов, — Чор Чинорда ўнтача ашулачи ўзларини Ҳамроқул қоридан устун қўйиб, мақтаниб ўтирганларида узоқдан изовшда Ҳамроқул қорининг баланд авж билан ашула айтиб келаётганлигини эшитиб қолишди-да, дарҳол тарқаб кетишди».

1920—1930 йилларда Болтабой Ражабов Фарғона водийсида «Катта ашулачи» сифатида танилади. Уни Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон шаҳарлари ва атроф район-қишлоқларда севиб тинглашадиган бўлишди. «Катта Фарғона канали» қурилиши йилларида (1939) ҳофиз ўз ашулалари бизан янада шуҳрат қозонади. Уша йили Ражабовнинг кўп йиллик хизматлари учун Ўзбекистон халқ ҳофизи унвони берилди.

Ражабов кексайиб қолган пайтларда ҳам ижрочилик фаолиятини давом эттирди ва жуда кўп ҳофизларга устозлик қилди. Ўзбек халқининг сеvimли ҳофизлари Мамадбобо Сатторов, Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов сингарилар «Катта ашула» йўлларини Болтабободан ўргандилар. Бу тўғрида Болтабобо: «Маъмуржон «Катта ашула»ни дастлаб мен яшаган Шакар қишлоқда, қовун полизга келиб мендан ўрганарди» — деган эди.

Ражабовнинг репертуарида 150 дан ортиқ ашула ва қўшиқлар, «Катта ашула»лар бор эди.

Ражабовнинг овози тиниқ, таъсирчан тенор (драматик тенорга яқин) эди. У ижро этган ашула ва қўшиқлар ниҳоятда жозибали эди. Усулсиз ижро этиладиган «Катта ашула»лар Ражабов ижросида муайян шаклда, ёқимли оҳангда янгарди.

1956 йилнинг февралда Марғилон район, Ленин номи колхозда Болтабой Ражабов билан Мамадбобо Сатторов ижросида ўндан ортиқ «Катта ашула» магнит плёнкасига ёзиб олинди. Булар орасида «Хайрул — башар» (Жалолиддин шеъри), «Келибман», «Эй санам» (Машраб шеърлари), «Жудо қилма», «Шояд» (Ҳазиний шеърлари), «Са-

ҳар чаманда» (Амирий шеъри), «Оҳким» (Фурқат шеъри), «Бўстон» (Чархий шеъри), «Бу гулшан» «Ҳабибий шеъри) ва бошқа ашулар бор.

Болтабобо кексайиб қолганида ҳам ашулаларни юксак маҳорат билан ижро этарди. Бу ажойиб устоз, хуштабиат хонанданинг кўринишда ўртачадан пастроқ бўйи, оппоқ соқоли ўзига ярашиб, савлат тўкиб турарди.

Болтабой Ражабов 1960 йилнинг июнь ойида 82 ёшида Марғилонда вафот этди.

## ЛУТФИХОН САРИМСОҚОВА



Лутфихон Саримсоқова севимли санъаткор, ўзбек халқ ашула ва кўшиқларининг ажойиб ижрочиси, сахнамиз, экранимиз онахонидир. Халқимиз уни ҳақли равишда «Лутфихон ая» дейди.

Лутфихон Саримсоқова 1896 йили Фарғона водийсидаги Риштон (ҳозирги Куйбишев) районида туғилди. Икки ёшида опасидан етим қолди. Олти ёшгача холасининг қўлида юрди. Холаси вафот этгач, опаси Кўқонга олиб кетди. Катта рўзгор машаққатларида эзилаётган опаси сингисини туфайли эридан дашномлар эшитарди. Лутфихоннинг ёши ўн бирга етар-етмас, поччаси катта қалин олиб, уни турмушга чиқарди. Ниқоҳнинг оқибати муваффақиятсизликка учради: Лутфихон икки боласи билан ғамхонадан чиқиб кетди. Дугоналари Зебинисо билан Анвар (Анвар Жамолова Бухоро театрининг ҳозирги пешқадам актрисаларидан) уни хотин-қизлар клуби ҳузуридаги мактабга киришга даъват қилишадди (1924). Бу клуб ҳузуридаги мактабда драма, музика, рақс, тикувчилик тўғараклари иш олиб борарди.

Лутфихон мактабга киргач, маҳалла аёллари орасида ташвиқот ишлари олиб боради, уларни паранжига қарши курашга, озодликка undайди. Драма тўғараги машғулотларидан бирида Лутфихоннинг истейдоди Ҳамза Ҳакимзоданинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Ҳамза ёш актрисага «Этнографик ансамблга» киришни тавсия этади. Ҳамза кейинчалик ансамблнинг истейдодли кадрларини Кўқон театрига таклиф этади. Лутфихон Саримсоқова театрда ишлай бошлайди.

Саримсоқова театрда аввалига айрим кичик-кичик роллар ўйнайди. Лекин орадан кўп ўтмай содир бўлган бир воқеа унинг «Ҳалима»

музикали драмасидаги бош ролда чиқишига сабаб бўлади: бу ролда чиқувчи Мария Кузнецова бетоб бўлиб қолади-ю, Л. Саримсоқова тайёр-гарликсиз бўлса-да М. Кузнецова ўрнига саҳнага чиқади. Бу Л. Саримсоқованинг дастлабки мустақил чиқиши, ижодий фаолиятининг бошланиши эди. Шу-шу янги спектакллар тайёрлашда Л. Саримсоқовага нисбатан бошқача муносабат пайдо бўлади. У театрнинг пешқадам актрисаларни қаторига ўтади, кетма-кет масъулиятли роллар топширилади. 1928 йилда Қўқон театри гастроль сафарига чиқиб, Андижонга боради. Андижон шаҳрида ўтказилган гастроль томошаларидан кейин уни Андижон театрига таклиф қилишади. Бу театрда «Фарҳод ва Ширин», «Аршин мол-олон» пьесаларида Ширин ва Моҳиббону, Гулчехра ва Кумуш хола ролларида чиқади, ўзининг ашулачиликдаги маҳоратини намойиш қилади. Айниқса, «Икки коммунист» спектаклидаги Кумуш хола ролини аъло даражада ижро этади.

Ёш қаҳрамон аёллар образларида ўзини дурустгина намойиш қилган актриса шу йиллардан бошлаб кекса аёллар ролини ижро этишга ҳам қизиқади, бу эса ёш актрисалар ижодида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. «Икки коммунист»даги Кумуш хола роли Л. Саримсоқова яратган дастлабки кекса аёл образи эди.

Л. Саримсоқова шу йиллар ичда хушовоз хонанда сифатида ҳам танилиб бой репертуарга эга эди: «Қулинг», «Ўзганча», «Жамолхон», «Шунчалар», «Хотин-қизлар овози» кабилар шулар жумласидан эди.

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг «Хотин-қизлар овози» қўшиғини Лутфихонига атаб яратганди. Бу шеър ўзбек лирик қўшиғи «Олман отдам» куйига солиб айтилди. Қўшиқ ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти, курашини ифодалагани учун тез орада оммалашиб кетди.

Лутфихон аянинг драматик сопрано типидagi сеҳрли овози шипа-вандаларни ўзига мафтун қилиб олди. Инсон кайфиятини нозик ифода-лай билиш, ижродаги таъсирчанлик, равонлик, дилраболик — Л. Саримсоқова ижросининг ўзига хос фазилатларидандир.

Ўзбекистон ССР Халқ маорифи Комиссарлигининг 1931 йилда Е. Е. Романовская, Хафия Муҳамедовалардан иборат уюштирган фольклор экспедицияси Фарғона водийсида Л. Саримсоқовадан ўзбек халқ кўшиқларининг ажойиб намуналарини ёзиб олди. «Читтий гул», «Алла», «Шунчалар», «Ҳеч киши», «Яллавон», «Дўст яли-яли», «Босмачилар» каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

Лутфихоним Саримсоқова ва унинг умр йўлдоши, Ҳамза Ҳакимзо-данинг сафдоши, режиссёр М. Тожизода Йўлдош Охунбобоевнинг ташаббуси билан 1932 йили Марғилонда ташкил топган янги театрға ишга юборилади. Улар шу зайдла янги театрға асос соладилар. Уша пайтлар артист тўплаш қийин иш эди. Профессионал актёр кадрлар умуман йўқ эди. Шунга қарамай, театр кадрлар билан таъминланди. С. Сандова, Ф. Хўжаева, О. Довудбоев, Э. Қўзибоева, Ҳ. Азимова, Т. Исомбоев, Т. Мадамшова каби артистлар шу театрда вояга стишди.

Л. Саримсоқова Марғилон театрида 1935 йилгача ишлади, энг яхши саҳна усталари қатори Москвада бўладиган ўзбек санъати ўн кунлигига тейёрланиш учун 1936 йили Тошкентга чақирилди. Л. Саримсоқова декадага атаб қўйилган «Гулсара» музикали драмасидаги Ойсара обра-

эвни яратди. Актриса ижросидаги Ойсара оддий ўзбек аёлидир. У образининг миллий хусусиятларини маҳорат билан ифодалади. Неварасининг бешиги устида айтган аламли алласи гоят ишончли, таъсирли чиқарди.

Республика матбуоти «Гулсара» спектакли ҳақида ёзиб, бу музикали драма хотин-қизларнинг паранжи ташлаш, эскилик иллатларига қарши кураш ишига катта таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаган эди.

Л. Саримсоқованинг декада учун тайёрлаган иккинчи роли, «Фарҳод ва Шерин» музикали драмасидаги Есуман образидир. Актриса Фарҳодия алдаб ҳалок этган шум кампир образини ўткир ифода воситалари билан гавдалантиради.

1939 йилда Ўзбек филармонияси қошида дуторчи хотин-қизлар ансамбли ташкил этилди. Бу ансамблга Фарғона водийсининг энг яхши ашулчиларидан йигирма тўрт киши жалб этилди. Ансамблнинг хореография қисмига балетмейстер Гавҳар Раҳимова раҳбарлик қилди. Ансамблнинг репертуари жуда катта эди. Ансамбль Ўзбекистондаги барча катта қурилишларда концерт берди. Программага ўзбек халқ қўшиқлари билан бир қаторда, ўзбек бастакорларининг қўшиқлари ҳам киритилди. Л. Саримсоқованинг яқка айтадиган: «Ўзганча», «Қулинг», «Жамбилхон», «Биримда кўрдим», «Хаккалакам ўйнасам ман», «Ергинам», «Яшнар баҳорим», «Омон бўлайлик», «Ёрим кетди» қўшиқлари, айниқса, зўр муваффақият қозонди.

Лутфихоним Саримсоқова 1939 йилдан бери Муқимий помидогаги Ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрида ишлаб келмоқда. Бивнобарин, театр коллективи билан бирга, Ўзбекистоннинг йирик қурилишларида берилган концертларда иштирок этди: Каттақўрғон сув омборида, Тошкент каналида, Мирзачўлда ва республиканинг бошқа йирик завод ва фабрикаларида ўз санъатини намоён қилди.

Л. Саримсоқованинг жамоатчилик ишлари, айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида кенг қулоч ёйди. Ватан ҳимоячиларига бағишланган концертларда Л. Саримсоқова фаол қатнашди.

Л. Саримсоқова халқ ҳаётини, урф-одатларини чуқур билади. Шу туфайли ҳам у кинофильмларда, театр саҳналарида ажойиб образлар яратади.

Лутфихоним Саримсоқова ўзбек санъатидаги хизмати учун Ўзбекистон ССР халқ артисти (1937) деган юксак унвонга сазовор бўлган ва қатор орден ва медаллар билан мукофотланган, у бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган.

1957 йили Л. Саримсоқованинг саҳна фаолиятига 30 йил тўлиши нишонланганда ЎзССР Маданият министрлиги томонидан йўлланган табрикномада шундай дейилганди:

«Азиз, ая!

Ўзбек халқи Сизни «Ая» деб, ўз меҳрини ифода этади. Сиз халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдингиз. Биз Сизни ўзбек саҳнасининг онахони деб дадил айта оламиз».

Лутфихоним Саримсоқова театр ва кино санъатидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун 1970 йили СССР халқ артисти деган фахрли унвон билан тақдирланди.



## МАМАДБОБО САТТОРОВ

(1885—1969)

Ўзбекистон санъаткорлари Мамадбобо Сатторовни катта ашулачилар устози, етук халқ ҳофизларидан бири сифатида танирдилар.

Мамадбобо Сатторов марғилонлик Саттор ҳофиз оиласида туғилган. Табиат унга ўткир нафас, хуш овоз бағишлаганди. «Мамадбобони кечқурун онаси алла айтиб ухлатар, эрталаб отаси ялла айтиб уйғотарди» (Юсуф қизиқ таъбири).

Мамадбобо олти ёшида отадан етим қолади, ёшлигидан тенгқурлари билан базмларга бориб, ҳофизларнинг ашула ва қўшиқларини эшитиб юради. «Кунлардан бир кун зўр тўй базмига бориб қолдим, — деб ҳикоя қилган эди Сатторов, — қарасам, катта ҳовлида майдон ўртасида катта гулхан ёқилган. Қирқинчи осма лампалар ярқираб турибди. Доиралар гумбирляпти. Ҳофизларнинг қўшиқларини палослар-кўрпачалар устида ўтирган катталар ҳам, деворларга «миниби» олган болалар ҳам завқланиб тинглашяпти. Мен ҳам деворга миндим. Хонандаларнинг қўшиқларини эшитганимда юрагим орзиқиб, ҳавасим келди. Мен ҳам шулардай қўшиқ айтсам, деб ният қилдим. Жума кuni Мамажон қори — Юсуф қизиқ шеригининг самоварига чиқдим. Бу самовар — чойхонада хониш қилиш мусобақаси бўларди. Йигитлар қўлимга патнис беришди: «Сен ҳам қўшиқ айт», — дейишди. Иккита қўшиқни билардим. Ушанда ўн уч ёшда эдим. «Алимқул» деб аталган қўшиқни айтиб бердим. Овозим жаранглаб чиққанидан, кўнглим кўтарилди. Кейинчалик Болтабой Ражабов ва Мақсудхўжа ҳофизларга эргашиб бошқа ашулаларни ҳам айта бошладим».

Мамадбобо Сатторов ёшлик чоғларида бўлиб ўтган йиғинларда Худойберди Устоз билан Тўйчи Мирзалар ижросида ашулалар тинглаб, бу устозларнинг ижро услубларидан баҳраманд бўлган. Мамадбобо Сатторов машҳур қўшиқчи шоир Ҳазинийдан ҳам таълим олган. (Ҳазиний ҳам шэрилик, ҳам ҳофизлик қилар эди). Чоргоҳ, Ушшоқ, Муножот ашулаларининг патнисаки йўлларини Ҳазинийдан ўрганган.

Мамадбобо Сатторов ўн тўрт ёшидан Марғилон атрофларидаги йиғинларда ўз ашулалари билан қатнаша бошлаган. Шу йиллари у «Жамшид», «Хуноб» ва «Терма» қўшиқларини айтиб юрарди.<sup>1</sup>

Мамадбобо Сатторов 1900 йиллар бошидан Фарғона водийсида танила бошлайди. Мадумар ҳофиз, Ҳамроқул қори, Маъдалибек, Тўйчи ҳофиз сингарилар билан бирга кўرғазмаларда, сайилларда, ҳар турли йиғинларда қатнашади.

Мамадбобо Сатторов Тошкентга биринчи марта келганини шундай ҳикоя қилади:

«1912 йилнинг ёз фасли эди. Марғилондаги бир чойхонада ашула айтиб ўтирувдим. Бир мингбоши икки миршаб билан ўтиб қолди. Чойхонада ўтирган кишиларнинг ҳаммаси ўрниларидан туриб унга қўл қовуштирдилар. Мен ашуламни бузгим келмади ва ўрнимдан турмадим. Кейин мингбоши ўша ашулачини олиб кел!»,— деб бир миршабни юборибди. Йигитлар «Қоч!»— дейишди. Мен қочиб қутулдим. Горчаков станциясига чиқдим. Андижон—Тошкент поездига дарров билет олдим, эшик этиб поездга чиқиб олдим. Тошкентга келиб, вокзалга тушганимда, «Қаёққа борсам экан?»— деб гангиб турувдим, марғилонлик Раҳмат ака рўпара келиб қолди.

Мамадбобо, бу ерда нима қилиб юрибсан?— деб сўради Раҳмат ака.

Ҳозир поезддан тушдим. Нима қилишимни билмай турибман— дедим.

— Бу ёққа юр,— деди-да, Раҳмат ака мени конка аравага ўтқизиб, эски шаҳарга олиб кетди. Қўштут маҳалласида Рўзи ака деган самоварчи бор экан. Мени ўша киши билан таништирди-да, «Сизга ашулачи олиб келдим»,— деди.

Мен ҳар куни ўша самоварда ётиб ашула айтиб юрдим. Маҳалланинг одамларига ёқиб қолган эканман, ўша ерда роса бир йил истиқомат қилдим. Кейин жўраларим мени Чорсудаги Шоюсуф Ҳожининг такясига олиб келишди-да, Тошкент санъатчиларидан Мулла Тўйчи ҳофиз, Шораҳим ака, Шожалил ака, Мирсоат ака, Низомхон акалар билан таништиришди. 1913 йил охирида марғилонлик мингбошнинг амалдан тушганлигини эшитдим, Марғилонга қайтиб бордим...»

Мамадбобо ҳофиз жарангдор, ёқимли (тенор) овози билан Тошкентда баланд авжли қўшиқларни ва патнисаки ашулаларни айтарди. Тўйчи ҳофиз ўша пайтларда Мамадбобо Сатторовни ёш Зебо Парн деб атаганди. (Зебо Парн Муқимий замондоши, исфаралик ҳофиз.)

1913 йилнинг қиш чилласида бўлиб ўтган бир воқеа Мамадбобо Сат-

<sup>1</sup> Терма қўшиқлар Мамадбобо Сатторов ижросида санъатшунослик институти студиясида магнит лентага ёзиб олинган. ивв. № 448-а.

торов шуҳратининг янада ошувига сабаб бўлди: Қўқондаги бир йиғианда Мадумар ҳофиз, Ҳамроқул қори ва Мамадбобо Сатторовлар навбатманавбат ашула айтишарди. Мадумар ҳофиз «Сегоҳни айтганида наманганлик меҳмонлар орасидаги ўрта бўйлик, кўк мовут пўстинлик бир шинаванда ўрнидан туриб, ҳофизлар олдига келади-да, қўлини кўксига қўйиб, ҳамма ҳофизлар билан қўл бериб кўришади-ю, «Сегоҳ»ни айтган Мадумар ҳофизни қучоқлайди ва эғнидаги янги пўстинини ечиб, унга кийдиради. Навбат Мамадбобо Сатторовга етганда, У Қори Пиримнинг «Келибман даргоҳинга...», деб бошланадиган шеърини «Патнисаки «Чоргоҳ» йўлида ўқийди. Мадумар ҳофиз эса ўрнидан туриб ёш ҳофизнинг слкасига қоқади ва ҳалиги пўстинни Мамадбобо Сатторовга кийдиради.

1923 йили Москвада Биринчи қишлоқ хўжалик кўргазмаси ташкил этилганда Мамадбобо Сатторов, Тўйчи ҳофиз, Тамарахоним, Уктамхон яллагачи, Юсуфжон Қизиқ, Аҳмаджон Қўшнаи, Абдуқодир Найчи, Рустам Меҳтар, Ашурали Сурнай, Тўхтасин Жалилов каби атоқли санъаткорлар билан бирга Ўзбекистон павильонидаги концертда қатнашади.

1924 йили Қўқон шаҳридаги ўрда биносида Туркистон қишлоқ хўжалик кўргазмаси очилганда Мамадбобо Сатторов бошқа кўпгина санъаткорлар қатори ўз санъати билан у ерда иштирок этган. Кўргазманинг бадий қисмини бошқарган Ғулум Зафарий патнисаки мақом йўлларини программага кўпроқ киритган эди.

1925—1926 йиллар Мамадбобо Сатторов эжининг «Ўзбек этнографик ансамбли»га хос саҳифаларидан иборат бўлди.

Мазкур ансамблнинг машғулотларида Ҳамза Ҳакимзода ҳам қатнашиб турарди. У ансамбль қатнашчиларига саҳна қондаларини ўргатар, янги қўшиқ-куйлар машқ қилдирад эди. У, ўзининг «Сайдинг қўябер» қўшиғини ҳам худди шу кезлари ижрочи хонандаларга ўргатганди. Мамадбобо Сатторов бу қўшиқнинг дастлаб жонлироқ суръатда ижро этилганини гапирарди.

Ҳамза граждандар уруши йиллари Марғилонга келиб, агитбригада уюштиради. Мамадбобо Сатторов Ҳасан қори, Жўраҳон Султэнов каби шогирдлари билан агитбригада ишида актив қатнашади. Ҳамзанинг «Турдиқул кал», «Қалампир Ҳожи», «Поччам келди» сингари кичик ҳажвий пьесалари саҳнага қўйилганда, парда ораларида Мамадбобо Сатторов катта ашула айтиб турарди. Шу йиллар унинг репертуарида Муқддийнинг «Кўп эрди ҳасратим жоно», «Бир келиб кетсин», «Қулинг», «Айладинг», Фурқатнинг «Адашганман», Мискиннинг «Э, дилбари жоним» каби шеърлари билан айтиладиган халқ ашулалари бор эди.

Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Саттор Ярашев каби шогирдларига берган маслаҳатларида Мамадбобо ака доим: «Санъаткор учун ҳовлиқши ярамайди» деб қўярди. У ҳар бир шогирдининг ўзига хос хислатларини назарга олиб, айрим-айрим маслаҳатлар берарди. Йўлдош қори, Ҳасан қори, Мадаминжон, Эрмамад, Худойберди каби ҳофизларга доим текис нафас олиш, созга яқинроқ бўлиб, пардадан ва усулдан чиқмасдан куйлаш зарурлигини, юракдан, куй ва шеър текис руҳидан таъсирланиб айтиш ҳақида насиҳатлар қиларди.

Мамадбобо Сатторов 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати ўн кунлигида «Сайил ва колхоз тўйи» томошаларида иштирок этган. У Лоғон канали қурилишида, Қатта Фарғона, Жанубий Фарғона Шимолӣ Фарғона канали қурилишларида Оҳангарон кўмири кони очилишида ўз санъати билан хизмат қилган. Уша пайтларда шоир Ҳабибийнинг «Каналимга келинг» шеърини, Собир Абдулла, Камтар, Чустий каби шоирларнинг суви ва каналга атаб ёзган шеърларини халқ ашулаларига солиб айтган.

Мамадбобо Сатторов Улуғ Ватан уруши йилларида Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Тошкент область музыкали драма ва комедия театрида ишлайди. Мадраҳим Шерозий, Уста Рўзиматхон, Абдулла Файзуллаев, Юнус Ражабий, Муҳиддин Ҳожи Нажмиддинов, Отавали Нуриддинов сингари атоқли санъаткорлар қатори театр ёшларига устозлик қилади. Маълумки, уша йиллар театр қошида музыка студияси ташкил этилганди. Ленинград ва Москва консерваторияларининг профессорлари театр арбоблари ёшларга музыка, театр, хореография бўйича таълим берардилар. Театрнинг «Қўчқор Турдиев», «Қурбон Умаров», «Тоҳир ва Зухра», «Муқанна», «Фарҳод ва Ширин» спектакларидаги кўшиқ ва ашулаларнинг кўпчилигини Мамадбобо ака шоғирлари Ортиқхўжа Имомхўжаев, Саттор Ярашев ва бошқа хонандалар билан ҳамнафас бўлиб ижро этарди.

Мамадбобо Сатторов уруш йилларида ҳам бошқа кекса санъаткорлар қатори фронт орқасида ишчиларга, госпиталларда шифолашаётган ярадорларга ўз санъати билан хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳукумати устоз санъаткор Мамадбобо Сатторовнинг кўп йиллик хизматларини тақдирлаб 1939 йили унга Ўзбекистон халқ ҳофиси деган фахрли унвон берди.



## **ЖЎРАХОН СУЛТОНОВ**

**(1893—1965)**

Машхур ҳофиз Жўраҳон Султонов ўзбек халқининг турли ашула жанрлари билимдони ва кўпгина хонанда-созандаларнинг устози эди. Султонов Марғилоннинг «Подшо Искандар» маҳалласида Султонов Ошпаз Худоназир ўгли оиласида туғилган.

Марғилон қадимдан моҳир созанда ва хонандалар шаҳри бўлиб келган. Хунармандлар ишдан кейин бўш вақтларини чойхоналарда куй-кўшиқ тинглаш ва ижро этиш билан ўтказадилар. Музика кечаларида Жўраҳоннинг отаси ҳам иштирок этар, кучли, ёқимли овози бўлгани учун, дўстлари унга «Султонбой Карнай» лақаби қўйгандилар. Отаси иштирокида ўтадиган музика йиғинлари ёш Жўраҳон учун дастлабки музика таълими мактаби бўлди.

Жўраҳон Султонов марғилонлик Болтабой ҳофиз Ражабов билан машхур катта ашулачи-ҳофиз Мамадбобо Сатторовни ўзининг биринчи устозлари деб ҳисобларди.

Жўраҳон Султонов тез орада Эшмат Ҳайдаров, Эркақори Каримов, Беркинбой Файзиев, Шерқўзи Бойқўзиев ва Акбар Ҳайдаровлар каби маълум ва машхур ашулачи ҳофизлар орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Уша вақтлари «Шафоат», «Бир келиб кетсин», «Нома ёзмадинг» каби патнисаки ашулалар ҳам ижрочилар, ҳам тингловчилар орасида сеvimли ашулалардан ҳисобланарди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳиддин қори Еқубов, Юсуф қизиқ Шакаржонов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов сингари талантли санъаткорлар ва жамоат арбоблари билан танишиш ҳофизнинг ижодий камолатига катта таъсир кўрсатди. Жўраҳон Султонов қўшиқ санъаткор-

ларининг ашула йўлларини ўзлаштирди, ўз репертуарини бойитди, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов билан Маъдалибекдан ялла айтишни ўрганди.

1918—1919 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида санъат ходимлари союзлари («Санойи нафиса») ташкил топди. Шу пайтларда Жўраҳон Султонов биринчилар қатори бу союзга аъзо бўлди, бошқа созанда-ларни ҳам союзга тортди. Союз ҳузурида бир неча концерт бригадалари тузилди. Шу бригадалардан бирига Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Болтабой ота Ражабов, Мамадбобо Сатторов, Отахўжа Саидхўжаев, Уста Олим Комилов, Қўзиҳон Мадраҳимов ва бошқа созанда-хонандалар қатори Жўраҳон Султонов ҳам қўшилди.

1926 йили Ўзбекистон Давлат этнографик концерт ансамбли ташкил этилди. Бу ансамблга Муҳиддин қори Еқубов раҳбарлик қилди. Юсуфжон қизиқ, Уста Олим, Ҳайитохун, Тўхтасин Жалилов, Худойберган Мақсумов каби халқ санъати усталари қатори Жўраҳон Султонов ҳам бу янги ансамблга қўшилди.

Орадан бир йил ўтгач (1927), Ж. Султонов ансамбль билан бирга узоқ сафарга, Москва, Ленинград, Астрахань, Қозон, Куйбишев, Уфа, Боку шаҳарларига гастролга борди.

1928 йили Марғилон шаҳрида ўзбек музыкали драма театри ташкил этилиб, унга Л. Саримсоқова, М. Тожизода каби талаптли артистлар жалб қилинди. Жўраҳон Султонов ҳам шу театрда ишлаш бошлади. Театр артистлари берган концертларда иштирок этиш билан бирга, қўшиқчилик санъатини эгаллашда ёшларга (Маъмуржон Узоқов, Сасдат Қобулова, Зокиржон Эргашев) ёрдам берди.

Жўраҳон Султонов шу йили Ҳамза Ҳакимзода билан бир неча бор учрашди. Бу учрашувлар ҳофизнинг ижодига таъсир кўрсатди.

«Ҳамза бетоб бўлиб ётган пайтларида деб эсларди ҳофиз — Муҳиддин қори Еқубов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Ҳайитохун ва мен уни кўргани бориб турардик. Шундай купларнинг бирида Ҳакимзода бизни ўзининг «Қора соч» саҳна асарининг айрим парчалари билан таништирди ва Сайдинг қўябер сайёд...» қўшиғини ўргатди.

Жўраҳон Султонов 1932 йили Тошкентга кўчиб келиб бир оз вақт ўзбек музыкали театрида, кейин Ўзбекистон Радиокўмитетида ишлади.

1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ўн куплигининг «Сайил ва колхоз тўйи» программасида Жўраҳон Султонов машҳур ҳофизлар, созанда-лар, қизиқчи-аскиячилар қаторида иштирок этди. Бутуниттифоқ радиосининг концертларида ва Москва ишчиларига берилган катта концертларда қатнашди. Ж. Султонов шундан кейин Фарғонада ташкил этилган область колхоз-совхоз театрига раҳбарлик қилди.

Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори, Шимолий Фарғона канали, Лоғон канали, Косонсой сув омбори каби халқ қурилишларида берилган концертларда актив қатнашди.

Жўраҳон Султонов 1940 йили яна Тошкентга келиб Муқимий номидаги ўзбек музыкали драма ва комедия театрида ишлади. Театрнинг «Тоҳир ва Зухра» спектакларида Ҳофиз ролида, «Нурхон»да эса ашула муаллими ролида чиқди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Жўраҳон Султонов бастакор сифатида кўпгина мудофаа қўшиқлари яратди ва уларни ўзи ижро этди. Бу қўшиқлардан «Евиз яксон қилмасам», «Отга миндим» (Собир Абдулла шеърлари) кабилар ўша даврларда тузилган Ўзбек дивизиясига бағишланган.

Ҳабибийнинг шеърига басталанган «Минг қадам», Навоий газали билан айтиладиган «Мубталоман» (ёки «Найлайин») ашулаларидан кейин Жўраҳон Султонов Чустийнинг «Ўзбекистонимда» шеърига, Муқимийнинг «Бормикин», Навоийнинг «Улмасун» каби шеърларига мослаб бирмунча ашулалар басталади. Бу ашулалар Улуғ Ватан уруши йилларида ҳонанда ва ижрочилар орасида кенг ёйилиб, ҳозирда ҳам кўпчилик ижрочилар репертуарида тез-тез учраб туради.

Жўраҳон Султонов кенг диапазондаги кучли тенор овозга эга эди.

Жўраҳон Султонов тарих, адабиёт, маданий мерос масаласига қаттиқ қизиқар, ёшларни ҳам ўқиб-ўрганишга чорларди. «Ўтмишдаги ҳофизларнинг ижодни ўрганиш билан замонамиздаги ёш ҳофизларнинг ижрочилик маҳоратини анча ошириш мумкин»,— дер эди Султонов. Ҳофиз вокал санъатидаги интонация— талаффуз масаласига, ўзбек халқ қўшиқларининг зарб-усулларига, ижро этилаётган ашуланинг руҳига ва ниҳоят сўзларнинг мазмуни ва уларнинг аниқ, дон-дон айтилишига кўп эътибор қиларди. У ўзбек халқ созандалари, ҳофизлари, аскиячилари, қизиқчи устозларнинг ижодий ҳаётини яхши биларди.

Жўраҳон Султоновнинг репертуарида «Чор зарб», «Чаман ялла», «Дугоҳ Ҳусайн», «Ушшоқ», «Патнисаки Чоргоҳ», «Э дилбари жононим» каби классик ва халқ қўшиқлари қаторида «Боғ аро», «Бир келсин», «Отга миндим» каби катта ашулалар бор эди. Жўраҳон Султонов— «катта ашуланинг пири» дейишарди. Унда ҳақиқатан ҳам катта ашулачига хос ҳушовозлилик, импровизация қобилияти бор эди; кучли хотирага эга эди.

Жўраҳон Султонов 1950—1958 йиллар Ўзбек эстрада театрида, Ўзбекистон радиосида яккахон ашулачи бўлиб ишлади.

Ҳукуматимиз Жўраҳон Султоновнинг санъат соҳасидаги хизматларини юқори баҳолаб 1939 йили унга Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи деган фахрий дивон берди. Ж. Султонов Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг кўпгина фахрий ёрлиқлари билан, СССР мудофаа министрлигининг медаллари билан мукофотланган.

Жўраҳон Султонов 1965 йили Марғилонда вафот этди.



## БОБОХОН ВА АКМАЛХОН СЎФИХОНОВЛАР

Ака-ука Сўфихоновлар ўзбек халқ санъаткорларининг кекса авлодига мансубдирлар. Улар ҳофизлик фаолиятини Улуг Октябрь революциясидан илгари бошлаганлар, ҳозирда ҳам концертларда қатнашиб туришади. Улар ҳам ака-ука, ҳам ҳамнафас хонанда сифатида бири иккинчисини тўлдириб туради. Уларнинг ижрочилик фаолияти ҳам ягонадек.

Бобохон (1900 йилда туғилган) ва Акмалхон (1905 йилда туғилган) Сўфихоновларнинг авлодлари ҳам хонанда-созанда эдилар. Улар ҳофиз Сўфихон Сотиболдиев oilасида дунёга келишган. Уларнинг болалик ва ешлик чоғлари Қозогистон ССР Сайрам районидagi Қорамурт қишлоғида ўтди.

Ҳозирги Чимкент, Сайрам бир вақтлар ўзига хос музика анъаналари билан донг чиқарган. Бу ердан ажойиб созанда-хонандалар етишиб чиққан. Жумладан Сотиболди ҳофиз (Сўфихоновларнинг бобоси), Турсун Мамат ҳофизлар хонақоҳ қўшиқлари ижрочиси сифатида машҳур бўлганлар. Ислон ҳофиз, Султонхон Ҳакимов, Мақсудлўжа Юсуфовлар хушнавоз танбурчилар сифатида донг чиқарганлар. Сўфихон отанинг ўзи ҳам отаси Сотиболди ота каби, машҳур ҳофизлардан эди.

Сайрамга Ўзбекистоннинг ҳар томонидан созанда-хонандалар келиб туришарди. Бобохоннинг ўсмирлик йилларида Сайрамга машҳур Мулла Тўйчи ҳофиз келган. Бу ерда юздап ортиқ сайрамлик созанда-хонан-

далар йиғилиб, ўн-ўн уч кишидан иборат тўдаларга бўлиниб, басма басликка куй ва ашулалар ижро этишган.

Ҳозирги сайрамлик хонандаларнинг кўплари Сўфихон ҳофиздан таълим олганлар. Машҳур мақомчи Бобоқул Файзуллаев ҳам Сўфихон ҳофизнинг шогирди бўлган. У «Тошкент Ироғи»ни устозининг айнан ўзидек айтган. Хонанда Фаҳриддин Умаров ҳам уни ўз устози деб ҳисоблайди ва ундан бир печа куй, ашула ва қўшиқларни ўрганганини айтиб юради.

Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар болалик чоғларидапоқ таниқли созанда-хонандалар ижросида куй ва ашулалар тинглаш имкониятига эга бўлдилар. Сўфихоновлар дастлабки музика таълимини ўз оталаридан оладилар. Сўфихон ҳофиз фарзандларига ўзининг дурадгорлиқларини ҳам ўргатган эди.

Бобохон олдинроқ отасининг ёнида қўлига ликобча олиб, отаси билан бирга ҳамнафас бўлиб, ашулалар айтиб юради. Кейинчалик укас Акмалхонни ҳам ёнига олади, шу-шу улар ҳамнафасликда хонандалик қилиб келмоқдалар.

Сўфихоновлар дастлаб ўзлари тугилган қишлоқдаги тўйларда оилавий йиғишларда қатнашиб, атрофларига ҳаваскор созандаларни тўғлайдилар. Ака-ука Чимкент шаҳридаги бадний ҳаваскорлик тўғарақларига раҳбарлик қилишади. Ҳофизлик малакаларини ошириб, ўз репертуарларини бойитишади. Кейинчалик Тошкентга келишади. Бу ерда ёш хонандалар Мулла Тўйчи репертуари билан танишадилар. Унда маслаҳатлар, йўл-йўриқлар оладилар. Ўзбекистон радиоси қошидаги музика ансамблига киришади. Улар Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовдан «Баёт I, II, III, IV, «Гиря» I, II, «Шаҳноз-Гулёр» йўлларини, Имомжон Икромов ашулага солган Муножот», «Чўли Ироқ»ни ўрганишади. Ризқи Ражабий билан «Кулиб» (ўзи басталаган) ҳамда «Дутоҳ», «Тошкент Ироғи», «Кўшчинор», «Каримқулбеги» каби ашулаларни машқ қилишади.

Сўфихоновлар Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида созанда ва хонанда бўлиб ишлашган. Ака-ука хонандалар К. Яшиннинг «Ҳамза» асарида, Уйғун в. И. Султоннинг «Алишер Навоий» асарида Навоий билан Гули учрашадиган саҳнадаги «Талқини Баёт» лирик ашуласини парда орқасидан айтадилар. Айни пайтда Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар ҳарби госпиталларда шифоланаётган жаңгчилар ва армия сафига чақирилганлар учун берилган концертларда қатнашадилар. Улар Ўзбек радиоси халқ чолғу ансамблида Юнус Ражабий, Мақсулхўжа Юсупов, Имомжон Икромов, Ризқи Ражабий сингари санаторлар раҳбарлигида ўз репертуарларини бойитадилар.

Сўфихоновлар 1944 йили Ўзбекистон радиоси қошидаги ансамбли билан бирга Ўрта Осиё республикаларининг музика декадасида қатнашадилар. Улар «Айлагач» (Навоий газали, Х. Тўхтасинов музикаси) «Бир қамар сиймоли кўрдим» «Фурқат шеър, халқ куйи», «Овораман» (Навоий газали, Ризқи Ражабий музикаси), «Наво» (Навоий газали), «Шаҳноз-Гулёр» «Мўгулчаи Сегоҳ» ашулаларини ижро этишадилар.

Сўфихоновларнинг ўзбек музыкасидаги хизматлари учун ҳукумат 1944 йили уларга ЎзССР халқ ҳофизи фахрий унвонини берди ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

Сўфихоновларнинг репертуари бой бўлиб, унда мақом парчалари, йирик шаклдаги халқ ашулалари, катта ашулалар, яллалар, бастакорлар яратётган ашула ва қўшиқлар ҳамда ўзлари басталаган ашулалар бор.

Радио орқали бериладиган «Халқ ҳофизлари концертлари»да Сўфихоновлар ижросидаги ашула ва қўшиқлар тез-тез янграб туради.

Ака-ука асосан танбур-датор, ғижжак ва чолғу ансамбли жўрлигида ашула айтадилар. Улар соғларни ижро этиладиган асарнинг харақатига қараб танлайдилар. Масалан, пахтакорлар меҳнатини тарафнам этиладиган «Ўзбекистон муборак» (Туроб Тўла шеъри) қўшиғини датор билан ғижжак жўрлигида айтадилар. «Ушшоқ» (Нодира шеъри) каби классик ашулаларда доирада жўр бўладилар. Улар йирик шаклдаги асарларни оғир-равон айтадилар, овоз садолари бир хил чиқса-да, услубларида фарқ сезилиб туради.

Марҳум ҳофиз Шораҳим Шоумаровнинг айтишига қараганда, йирик шаклдаги ашулаларда «даромад», «ўрта авж», «чуқур авжлар» бор. Гарчи икковларининг ҳам овозлари тенор бўлса-да, чуқур авж Бобоҳон Сўфихоновнинг зиммасида бўлади. Акмалхон Сўфихоновнинг тенор овози ўрта регистрда ифодали янграйди. Сўфихоновлар халқ музыка асарларини кўз қорачиғидай авайлаб, мазмун ва шаклнинг бузмаслигига интиладилар.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги санъатшунослик институти Сўфихоновлар ижросида жуда кўп қўшиқ ва ашулалар, жумладан, «Умрим борича», «Гулноз узра», «Найлайин», «Ул кун жонон», «Бахтим қуёши», «Қаҳрамонларнинг бордир», «Мен қадам қўйдим» кабиларни мағзинт илҳомларга ёзиб олган. Сўфихоновлардан ёзиб олинган «Наво», «Талқини Баёт», «Чўли Ироқ», каби ашулалар нотага олиниб «Навоний сўзлари-га қўшиқлар»<sup>1</sup> тўпламида нашр этилган.

Сўфихоновларнинг издошлари кўп, ёшлар орасида уларнинг анчагина шоғирдлари бор. Улар халқ музыка бойликларини сақлаб келган табарруқ устозлар қаторидан ҳақли равишда ўрин эгаллайдилар.

<sup>1</sup> Ўздавнашр, Тошкент, 1949 йил.



✓ **МАЪМУРЖОН  
УЗОҚОВ**  
(1904—1963)

Маъмуржон Узоқов халқ кўшиқлари, шу жумладан, катта ашуларнинг ажойиб ижрочиси сифатида халқ орасида шухрат қозонган машҳур санъаткорлардан бирidir.

Маъмуржон Узоқов Маргилоннинг Машҳад маҳалласида шoҳи тўқувчи кoсиб Узоқжон Қосимов оиласида туғилган. Маъмуржонда музикага қизиқиш болалик чоғиданоқ уйғонган эди. Унинг ота-онаси музика инқибозларидан бўлиб онаси Зебинисо ола ўзинча хонини қилиш еки доира чалиб ашула айтишни яхши кўрарди, кўпгина ялла ва кўшиқларини биларди.

Еш Маъмуржон отасининг устахонасида шoғирдлар айтган кўшиқларини завқ билан тинглаб, секин-аста уларга кўшилишадиган бўлди.

Маъмуржон 12 ёшида бошланғич (эски) мактабни тамомлаган кезларида отаси вафот этади. Шунда у маргилонлик этикдўз устага шoғирд тушади. Кейинчалик ҳамкасб оишалари билан созанда-хонадалар, шoғирлар иштирок этадиган йиғинларга бoриб турадиган бўлади. Маргилон сайлига келган машҳур санъаткорларнинг машқларини эшитади. Айниқса, Мамадбобо Сатгоров, Болтабой Ражабов, Ҳамроқул қoри сингари ажойиб халқ ҳoфизларининг кўшиқлари Маъмуржонга қаттиқ таъсир қилади. Йиғинларнинг бирида М. Узоқовнинг дўстлари ўша вақтларда катта ашулачи деб танилган Худойберган ҳoфизнинг қулогига шивирлаб, Маъмуржоннинг ашулачиликка ҳаваси зўрлигини маълум қиладилар. Худойберган Мақсумов М. Узоқовнинг биринчи кўши-

гини эшитгани ҳамони уни ўзига ҳамнафас бўлишга таклиф қилади. Маъмуржон Узоқов иккиланмасдан ҳофизнинг таклифини қабул қилади. Кейинчалик у устоз билан республика шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқади, маҳаллий йигин-тантаналарда ва сайил-томошаларда бошқа ҳофизлар қатори ўз кўшиқлари билан қатнашади.

М. Узоқов репертуарини бойитишда таланти қўшиқчи Ҳасан қорининг хизмати катта бўлди. М. Узоқов бу санъаткор билан биргаликда ашула айтиб, ўз репертуарини «Чаман ялла», «Қурбон қайтарма», «Дугоҳ Ҳусайн», «Бухоро Ироғи» каби классик ашула ва халқ кўшиқлари билан бойитади. М. Узоқов Ҳасан қоридан дутор чалишни ҳам ўрганади. Қоида бўйича ялла айтадиган ҳофизлар ўзлари соз чалиб, ўзлари ашула айтадилар. Маъмуржон ака шинавандалар ҳузурига чиққан дастлабки пайтларидан бошлаб, ғоят таъсирли ижро этган оддий халқ кўшиқлари билан тингловчилар эътиборини қозонади. Айниқса, ҳофиз Жўраҳон Султонов билан йигирма саккиз йилдан мўлроқ давом этган ҳамнафас-ҳамкорлик Маъмуржон Узоқов учун зўр мактаб бўлди. Ж. Султонов ўз шогирдини Ўзбекистонда машҳур бўлган кекса созанда-хонанда устозлар ва уларнинг ҳаёти билан, катта ашуланинг мураккаб ижро услублари билан таништиради ва бу мураккаб жанр ижроси ҳақида қимматли маслаҳатлар беради.

Маъмуржон Узоқов «Кўп эрди ҳасратим, жоно» (Муқимий шеъри), «Умрилар ишқингда мен» (Мискин шеъри), «Сайдинг қўябер, сайёд» (Фурқат шеъри) каби ашулаларни ўттизинчи йилларда зўр муваффақият билан ижро этган эди.

М. Узоқов 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декада-сида маҳоратли созанда-хонандалар қатори иштирок этди. Унинг «Сайил ва колхоз тўйи» томошасида қатнашиб, айтган ёқимли кўшиқларини шинавандалар ҳануз эслайдилар. Маъмуржон Узоқов ўша пайтдаги берилган концертларда Эркақори Каримов, Жўраҳон Султонов каби атоқли ҳофизлар билан «Бир келиб кетсин» (Ҳамза шеъри), «Қолхозчилар даврони» (Акмал Пулат шеъри) катта ашулаларни ижро этиб халқ орасида машҳур бўлганди.

М. Узоқов декададан қайтгач, Маргилон шаҳридаги колхоз-совхоз театрида ишлайди. Шу билан бирга, Катта Фарғона канали, Фарҳод Гидроэлектростанцияси, Косонсой сув омбори каби йирик халқ иншоотлари қурилишларида ўзининг ажойиб ашулаларини айтиб хизмат қилади. Маъмуржон Узоқов 1939 йили Тошкентда ташкил этилган Муқимий номдаги республика музыкали драма ва комедия театрига таклиф қилинади; театرنинг «Тоҳир ва Зухра» спектаклида Жарчи ролин, кейинчалик эса Тоҳир ролин ижро этади.

1941 йилдан бошлаб Маъмуржон Узоқов ўзининг ҳофизлик фаолиятини Ўзбек давлат эстрадаси билан боғлаб олиб боради. Ҳалима Носирова, Жўраҳон Султонов, Карим Зокиров, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Дони Зокиров каби санъаткорлардан иборат бригаданинг концертларида иштирок этади. Уша йилнинг охирида ёзувчи Комил Яшин бошчилигидаги мазкур бригада билан Эронга боради ва икки ой давомида концертларда иштирок қилади. Улуғ Ватан уруши йилларида кўпгина халқ созанда-хонандалари сингари фронт орқасидаги Қизил

Армия қисмларида, ишчи ва колхозчилар орасида концертларда иштирок этади.

Эллингичи йилларнинг бошидан Ўзбекистон радиоси аңсамблига яккахон-ҳофиз сифатида ишга таклиф этилади. Маъмуржон Узоқов радиода республиканинг кўзга кўринган созанда-хонандалари билан ишлаб, ўзининг репертуарини янада бойитади. У энди ўз репертуарига Чокарий газалига айтиладиган «Мустаҳзод», Огаҳий шеъри билан айтиладиган «Феруз» ва бошқа хоразмча ашулаларни ҳам киритади.

М.Узоқов репертуарини бойитишда таланти созанда, таниқли бастакор Муҳаммаджон Мирзаев билан ўтган ижодий ҳамкорлиги (1956 — 1963) катта роль ўйнади. Маъмуржон аканинг концерт репертуарида бастакорнинг ўн бештадан ортиқ ашула, кўшиқ ва яллалари бор эди. Улар орасида музика шинавандаларига маълум бўлган «Ер истаб», «Қачон бўлгай» (Фурқат шеърлари), «Якка бу Фарғонада», «Суратинг» (Муқимий шеърлари), «Бир келиб кетсин (Ҳамза шеъри) ва бошқа ашулалар бор эди. Унинг овози ёқимли тембрдаги баланд теңер эди.

Маъмуржон Узоқовнинг репертуарида Фарғона водийсининг катта ашуда йўллари, баланд авжли халқ ашулалари ҳам бор эди.

М. Узоқов куйлаган ашулалар шинавандалар орасида зўр муваффақият қозонди, граммпластинкаларга ёзиб олинди. «Ер истаб», «Феруз», «Э, сабо», «Зор этдинг», «Истамас», «Камдан-кам», «Гиррифторман яна», «Ул кун жонон», «Якка бу Фарғонада», «Кўзларинг», «Кўп эрди ҳасратим, жонон», «Бу гулшан соз экан», «Кўзим шаҳлога тушди» буларга мисол бўлган мумкин.

Маъмуржон Узоқов репертуари учун характерли ашулалар қуйидагилардан иборат: Айладинг» («Фарғонача жонон»нинг бир тури, Муқимий шеъри). «Парво этиб кет», (С. Абдулла шеъри), «Бир келиб кетсин» (Ҳамза шеъри), «Елғиз» (Муқимий шеъри), «Ул кун жонон» (Муқимий шеъри), «Қалам қошинг», «Ер истаб», «Баёт V», «Қачон бўлгайким...» (Фурқат шеъри, М. Мирзаев музикаси), «Доғман» (Муқимий шеъри), «Баҳор» (Ф. Содиқов музикаси), «Насиҳат» (халқ куйи, Махтумқули шеъри), «Туриб ҳар эрта жонон» (халқ куйи, Фурқат шеъри). «Келдим» (халқ куйи, Муқимий шеъри), «Бахт» (халқ куйи, Камтар шеъри), «Жонон келур» (халқ куйи, Ҳамза шеъри), «Кўзларинг» (халқ куйи, Фурқат шеъри).

Маъмуржон Узоқов Фарғона ва Тошкентда машҳур ашула ва кўшиқларнинг маҳоратли ижрочиси ва билимдон сифатида танилган эди. Унинг хонанда сифатидаги ўзига хос хусусиятлари бўлажак ашуланичларга намуна эди. Кўпгина ёш хонандалар Маъмуржон Узоқовнинг кўшиқ айтиш услубидан баҳраманд бўлдилар.

М. Узоқов ашулачилик маҳорати билан Тожикистон, Қирғизистон, Қозогистон каби қўшни республикаларда ҳам донг таратганди. Мазкур республикалар маҳаллий матбуотларида кўшиқ шинавандалари: «Узоқов ижро этган ашулалар ўзига хослиги, ёқимлилиги, чинакам халқчилиги билан эсда қолади»,— деб яхши баҳо берган эдилар.

Чиндан ҳам, Маъмуржон Узоқов ўзбек халқ хонандаларининг энг яхши анъаналарини давом эттирган севимли ҳофизларимиздан бўлиб, музика маданиятимиз тарихида сезиларли из қолдирган санъаткордир.

Маъмуржон Узоқовнинг кўп йиллик ижрочилиқ фаолияти юксак қадрланди. Унга Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи деган фахрий унвон берилди (1939), Ўзбекистон ва қардош республикаларнинг кўпгина фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Маъмуржон Узоқов 1963 йили Марғилонда вафот этди.



## БЕРКИНБОЙ ФАЙЗИЕВ (1885—1945)

Беркинбой Файзиёв ўзбек халқ кўшиқ ва яллаларининг моҳир иж-  
рочиси ва танбурчи сифатида шуҳрат қозонган санъаткорлардан эди.

Беркинбой Бўстонлиқ районининг Хумсон қишлоғида, чўпон оиласи-  
да туғилган. Ота-онасидан ёш қолган Беркинбой чўпонлик қилади. У ёш-  
лигидан чўпон найи чалиб, ҳазил кўшиқлар айтиб, танбур чертиб ўзини  
овутар, отаси айтган кўшиқларни ўрганиб юарди.

Йигит ашула айтишга қаттиқ қизиқиб, уни ўрганишга киришади.  
Беркинбой кунларнинг бирида қалбидаги инъатларини, ашулачи бўлиш  
эрзуларини кўшини қишлоқлик танбурчи Шобарот Шосолиҳ ўғлига айта-  
ди, Шобарот ота Беркинбойга кўшиқ айттириб, унинг ёқимли овози бор  
эканидан хабарлор бўлади ва ўзига шогирд қилиб олади. Биргаликда  
машклар қилишади, тўй-томошаларга бориб ашула ва кўшиқлар айтиб  
юришади; йигитча қисқа вақт ичида ашулачи сифатида шуҳрат қозона-  
ди. Беркинбой бошқа шаҳарлик созанда ва хонандаларнинг ижроларини  
ҳам кунт билан эшитиб, ўрганади. Айниқса, мақом йўлларига қаттиқ  
қизиқлади. Ниҳоят, у Андижонга боради ва «Кўрғон таги» маҳалласи  
чойхонасида машҳур танбурчи Ҳайитохун билан танишади. Ҳайитохун  
унинг санъатга бўлган эҳтиросини кўриб, унга танбур йўлларини, кат-  
та ашулаларни ўргатади.

1924 йили Андижоннинг «Чархи фалак» маҳалласида Тўхтасин  
Жалилов раҳбарлигида халқ чолғу ансамбли ташкил қилинади. Шу  
маҳалланинг «Комсомол ёшлар чойхонаси»да жуда кўп таниқли созан-  
далар ўз санъатларини намойиш қилишарди. Бу даврага Беркинбой  
ҳам кўшилади.

Беркинбой Файзиев 1928 йили Андижонда янги очилган Охунбобоев номидаги музикали драма театрига танбурчи ва ашулачи бўлиб ишга қаради. У музика соҳасидаги маҳорати ва ёқимли овози билан шуҳрат қозонгандан кейин 1929 йили Муҳиддин қори Еқубов труппасига таклиф этилади. Бу труппанинг гастролларида, колхоз қурилиши йилларида қишлоқ аҳолисига атаб берилган концертларда актив қатнашади.

1937 йили Ўзбекистоннинг атоқли санъаткорлари қатори Москвада бўлган ўзбек санъати ўн кунлигида қатнашади. У билан Москвага бирга борган санъаткор дўстлари: «Концертимизнинг иккинчи бўлими Беркинбойнинг қўшиғи билан бошланиши керак эди. Ҳофиз номи тилга олиниши билан саҳнага чиқди ва танбур билан ашула бошлади. Залдагилар унинг баланд ва ширалик овозини яхши қарши олишди», — деб эслашади.

Беркинбой Файзиевнинг ажойиб ашула ва қўшиқлари атоқли устозлар Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳалима Носировалар қатори грампластинкаларга ёзилди.

Беркинбой Файзиев Москвадан қайтиб келиб Андижон шаҳрида Охунбобоев номи музикали драма театридаги фаолиятини давом эттиради. Ҳофиз дўстлари билан биргаликда колхозларда, маданий-истироҳат боғларида ўз санъатини намойиш қилади.

Файзиев 1940 йили Ўзбек Давлат Филармонияси концерт бригадаларида муваффақият қозонади. Улуғ Ватан уруши йилларида концерт бригадалари билан Минск, Гомель, Витебск шаҳарлари учун курашаётган жанговар қисмлар орасида ўзининг ажойиб ашулалари билан қатнашади.

Беркинбой Файзиевнинг баланд ва ёқимли тембрдаги овози эшитувчилари мафтун қиларди. У таибурнинг ҳар бир пардасига хос соф ва ёқимли куйлашга иштироқлари. Хонанданинг дўстлари ҳазиллашиб: «Беркинбойнинг овози Сулаймон тоғида янграса, Чилмаҳрам тоғида аксадо беради», — дейишарди.

Беркинбой Файзиевнинг репертуарида кейинги йиллар катта ашулалар билан бирга, «Ёр васли», «Нигоҳ айлай», «Улқун жон», «Андижон самоси», «Айладинг» каби ўнлаб яллалар бор эди.

Хонанданинг овози қўшиқ айтиш маҳорати, ранг-баранг репертуари фольклорчи олимлар В. А. Успенский, Е. Е. Романовская ва Эйхенвальдлар<sup>1</sup> диққатини ҳам жалб этганди. Е. Е. Романовская томонидан уюштирилган музика фольклор экспедицияси Беркинбой Файзиевдан анчамунча халқ ашула намуналарини ёзиб олган эди. Бу қўшиқлар ҳофиз овози кенг диапазонга эга бўлганидан, репертуари бойлигидан дарак беради.

Б. Файзиев 1945 йили Андижонда 60 ёшда вафот этди.

---

<sup>1</sup> Эйхенвальд ҳофиздан нотага ёзиб олган қирққа яқин халқ қўшиқлари қолган.

**АБДУЛЛА  
ФАЙЗУЛЛАЕВ**  
(1869—1944)



Абдулла Файзуллаев ўзбек халқ музикаси бойликларини яхши билган, бутун ҳаётини ўзбек музикасига бағишлаган кекса устозлардан бири эди.

У Наманганда туғилиб, ёшлиги Наманган бойларининг хизматида, уларнинг тўй, маъракаларида ўтди. У тароқчилик ҳам қилган, шунинг учун «Абдулла Тароқ»лақабини олган эди. Абдулла Файзуллаевнинг товуши ниҳоятда ширали, ёқимли, авжда беқинёс балаид эди.

А. Файзуллаев ашула ва қўшиқларни соғлар жўрлигисиз ҳам айта-ворарди. Шунга қарамай, у ижро этган ашула ва қўшиқларнинг мухлислари жуда кўп бўларди. Абдулла отанинг ҳикоя қилишича, наманганлик катта бир бой ўғлини сунпат тўй қилади. Бу ерга йирик созанда ва хонадалар келишади. Абдулла Тароқ ҳали унча машҳур бўлмаган пайтлар эди. Тўйда ўз жўралари билан қатнашади. Хонадалар чарчаб қолишса ҳам шинавадалар қўзғалмас (чунки тўй уч кунга чўзиларди), А. Файзуллаевга ҳам навбат тегеди. У бир неча қўшиқ ва ашулаларни бир-бирига улаб ижро этади ва мезбонларни мамнун этади. Шунда бой ҳам хурсанд бўлиб, уни тўйнинг охиригача олиб қолади, тўй устига тўйни улаб, ўзининг сингисини ҳофизга никоҳлаб беради.<sup>1</sup> Абдулла кейинчалик машҳур хонанда бўлиб танилади.

<sup>1</sup> Исоҳқ Ражабовнинг хонанда ҳақидаги эсдаликларидан. 1941—44 йилларда улар Тошкент область Янгийўл музикали драма театрида бирга ишлашган.

Абдулла Файзуллаевнинг машҳур устоз ҳофиз, хўжандлик Содирхон, тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, исфаралик Зебо Пари билан учрашувни унинг репертуарини мақом йўллари билан бойишида муҳим роль ўйнади. «Содирхон Ушшоғи», Тошкент — Фарғонада машҳур бошқа мақом йўллари унинг репертуаридан мустаҳкам ўрни эгаллади.

Абдулла Файзуллаев Улуғ Октябр революцияси ва граждандар урушидан кейин наманганлик Уста Рўзиматхон билан ҳаваскор ёшларни тарбиялади. У 1914—1926 йиллар орасида Намангандаги «Шарқ труппаси»да ҳофизлик қилди. 1926 йилдан 1941 йилгача Уш шаҳридаги ўзбек музыкали драма театрида хонанда бўлиб ишлади, Жўрабосов, Салоҳов, Шокиров каби созанда ва хонандаларга ашула йўлларини ўргатди. Собир Абдулла ашулани ҳақида эслаб қуйидагиларни айтганди:

«Куйловчи, чалувчилар кўпчилик, тингловчилар озчилик эди. Гоҳ Қодирхон аканинг айтган майда яллалари, гоҳ Турсунали Жўрабосовнинг дутор пардаларидан чиқаётган «Жигар пора»си, гоҳ чиройли куйлар ижросининг маликаси Тожихон Ҳасанованинг кўкларга етган юксак маҳоратли кўшиқлари жаранглайди. Гоҳ Шокировнинг хушоҳанг қўшнанидан чиқаётган сқимли куйни тинглаймиз. Орқасидан шеърхонлик бўлади.

Тоғ орқасидан ой кўтарилади. Атроф сув қуйгандек. Гўё Уш бутун вужудини қулоқ қилиб, куй, кўшиқ тинглаётгандек туюлар, ой ботиб, тонг ёришар, мўъжизали товуш эгаси «Абдулла Тароқ»нинг баланд овози тоғ чўққиларидан ошиб, самоларга туташарди»<sup>1</sup>

Абдулла Файзуллаев 1941 йили Тошкентга келади ва Ўзбек Давлат филармонияси билан Давлат опера ва балет театрида ўзбек музыкасидан консултант бўлиб ишлайди.

Абдулла ота Янгийўл театрида ишлаган даврида (1942—1944) кўпгина ёшларга ашула санъатини ўргатди, у доим: «Томоқдан эмас, қориндан айтиш керак, нафасни ёлғиз ўпка билан эмас, балки қорин билан ҳам олавериб керак, — дерди. Табиий нафас ва уни тарбиялаш ҳақида гапириб, шундай дерди: «Бола бошдан... деган гап бежиз эмас. Одамнинг хушовозли бўлиши болалик чоғидан сезилиб қолади. Ёш болалар кичик вақтларидан бошлаб ашула айтишлари мумкин. Ҳаттоки, гўдакнинг бақариб йиғлаши ҳам безарардир. Ўпкаси кенг бўлади. Ўзи соғлом, овози жарангдор бўлади. Одамда қайси аъзо кўп ишласа, ўша аъзо яхши тараққий этади».

Абдулла ота «Ушшоқ»ни ҳам «Абдурахмонбеги»ни ҳам «Дугоҳ Ҳусайн»ни ҳам ўзининг баланд ва ширали овози билан ўзига хос услудда айтарди.

Ота жуда кўп шеър ёд биларди. Бир ўтиришда шинавандалар «Дугоҳ»нинг бир қисмини икки-уч марта айттирсалар, ота ҳар сафар бошқа-бошқа шеър билан ўқир эди. Ҳар бир шеърнинг ўзига хос лаззати бор, дер эди у.

ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Абдуллажон Охунов отанинг «Дугоҳ Ҳусайн» билан «Баёт»ни айтишига мафтун бўлганлигини эслатди.

<sup>1</sup> Шоир Собир Абдулла: «Абдулла Тароқ ҳақида». Ҳамза номдаги Савъатшунослик институти кутубхонаси. «Соз сўхбатлар».

Абдулла ота 1943 йили Свердлов номли концерт залида ўтказилган Муқимий юбилейида қатнашади. Кечада у Муқимий газалларини «Курд», «Илгор», «Кўча боғи», «Эшвой», «Гиря» йўлларида ўқиган.

Абдулла Файзуллаевнинг Наманган, Уш ва Янгийўл шаҳарларидаги музикали драма театрларида шогирдлари беҳисоб. ЎзССР халқ артисти Турехон Жаъфарова, ЎзССР да хизмат кўрсатган артист Абдуғафур Абдураҳмонов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Мухаммаджон Дўстмуҳамедов (1898—1952), Жамолқори Ғиёсов (1906—1943), Қирғизистон ССР халқ артисти Тожиҳон Ҳасанова, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Саримсоқ Каримов (1906—1962) каби жуда кўп хонанда ва соҳабалар Абдулла отадан таълим олганлар.

Ота кексайган чоғида ҳам овоз кучини йўқотмаган эди. У 1941 йили Ўзбекистон радиоси орқали кўпгина ашулалар ижро этди. Бу қўшиқ-магнитофон лентасига ҳам ёзиб олинди. Ота, айниқса, «Содирхон шогин», «Қалаандар», «Гиря», «Эшвой», «Курд» каби ашулаларни мароқ билан айтарди. Унинг ижро маҳоратига машҳур хонадалар Домла Ҳасим Ибодов ва Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедовлар ҳам юксак баҳо берган эдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Абдулла ота «Содирхон Уш-шогини» бир сафар Жомийнинг «Ба як карашман Зулайхо...» деб бошланадиган газалига айтган бўлса, яна бир сафар Ҳофиз Шерзўйнинг «Абабидаги қора холи»га айтар эди. Отанинг шогирдлари унинг ашуларини чарчамай айтишини эслайдилар: «Ота кетма-кет ашула айтганда овози тобора силлиқроқ чиқар эди», — дейди Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Саримсоқ Каримов.

Абдулла Файзуллаевнинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Унга Қирғизистон ССР халқ артисти унвони берилди.

Абдулла Файзуллаев 1944 йили Уш шаҳрида 75 ёшида вафот этди.

## ЭЪТИБОРХОН ҚЎЗИБОЕВА



Эътиборхон Қўзибоева Фарғова водийсида кенг тарқалган халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида шўҳрат қозонган ашулачилардан биридир. У Фарғона хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб паранжи ташлаган ва ўз дугоналарини эски тузум асоратидан қутулишга рағбатлантирган жамоатчи сифатида ҳам маълум. Унинг ижрочилик фаолияти Фарғонанинг катта халқ қурилишлари билан боғлиқдир.

Эътиборхон Қўзибоева 1915 йили Наманган яқинидаги Ирвадон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ота-онасидан ёш қолган Эътиборхон опаси қўлида тарбияланади. Мапа шу даврда опаси Рисолатхондан кўшиқ ва рақслар ўрганади, у айниқса, мактабда ўқиб юрган чоғларида ўзи тенгли қизлар билан кўшилиб кўшиқлар айтарди, унинг жарангдор, баланд овози эшитганини ҳайратда қолдирарди, шўннинг учун ҳам уни «Булбул» дейишарди.

1928 йили Эътиборхон Фарғонада таянган қизиқчи Қўзибоевага турмушга чиқади. Қўзибоев ўша кезлари масхарабозлар труппасига қатнашарди, вақти келганда ҳажвий кўшиқлар ҳам айтарди. У Эътиборхон репертуарини ҳар хил кўшиқлар билан бойитади ва секин-аста уни ўзи билан труппа томошаларига олиб чиқа бошлайди. Эътиборхон томошабинлар олдига «Қайларга борай», «Яйра-яйра» сингари енгил, қувноқ халқ кўшиқларини айтар, рақсга тушарди.

Қўзибоева 1929 йили Андижон музикали драма театрида ишлайди. Бу театрда у драматик роллар ўйнайди, ўнлаб кўшиқлар билан ўз репертуарини бойитади. Кейинчалик У Самарқанд, Наманган, Тошкент театрларида ҳам ишлайди.

Қўзибоева 1938 йилдан бери Фарғона область музыкали драма театрида ишлайди. Моҳир ашулани ва актриса бу театр сахнасида қўйилган «Гулсара» музыкали драмасида Гулчеҳра ва Ойсара, «Аршин мол-олон» музыкали комедиясида Гулчеҳра ва Хола, «Нурхон» музыкали драмасида Нурхоннинг онаси — Кимё сингари бир қатор аёлларнинг мураккаб образларини яратди. Мана шу драмаларда ижро этилган кўпгина ашула, қўшиқ, ариялар ашуланининг концерт репертуаридан мустақкам ўрин эгаллайди.

Эътиборхоннинг овози ўрта регистр (биринчи октаванинг ре товушидан, иккинчи октаванинг соль товушигача) бўлган диапазондаги майин ва ёқимли овоздир. Қўзибоеванинг овози ўрта регистрда равон ва ёқимли жараанглайди.

Эътиборхон халқ ашулалари ва қўшиқларини ижро этишда юксак маҳоратга эга бўлган хонандалардандир. Қўзибоева ашула ва қўшиқ текстларини яхши талаффуз этади, музикавий жумлаларни равон ифодалайди. Бу эса, айтган ҳар бир қўшиқ ёки ашула мазмунининг тўлиқ очилишига имкон беради.

Эътиборхон репертуари асосан халқ қўшиқларидан иборат. Кўпгина халқ қўшиқлари унинг ижросида янги бўёқларда гоҳ ҳароратли, гоҳ жозибадор эшитилади, ўзига хос талқинга эга бўлади. Мана шу хилдаги қўшиқлар қаторида: «Мужгонларинг» (Навой газали), «Фигон» (Фурқат шеъри), «Ўзганча» (Муқимий шеъри), Ғанижон Тошматов басталаган «Найларам» ёки «Истадим», «Ўлмасин» (халқ сўзлари), «Сўранг» (С. Абдулла шеъри) ва бошқа қўшиқлар Қўзибоева ижросида мароқли янграйди.

Эътиборхон Қўзибоева шу кунларда ҳам қўшиқ ва ашулаларни завқ-шавқ билан куйлайди. Фарғона водийсининг қўшиқ шинавандалари уни яхши билди ва санъатини севади.

Эътиборхон Қўзибоевага 1960 йили кўп йиллик самарали хизмати учун Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист фахрий унволи берилди.

## ҲАДЯХОН ҲАМДАМОВА



Октябрь революцияси ғалабасининг дастлабки йилларидаёқ янги ҳаёт йўлига қадам қўйган, паранжи асоратига қарши курашган, ўзбек музыка санъатини тараққий қилдиришда жонбозлик кўрсатган санъаткорлардан бири хонанда Ҳадяхон Ҳамдамовадир.

У 1902 йили Қўқонда туғилган. Ҳадяхоннинг этикдўз отаси соз аҳлининг яқин дўсти бўлган, донмо уларнинг даврасида юрган. Онаси Зухраҳон опа, холаси Тожихон ҳам хотин-қизлар даврасида қўшиқ айтиб, дутор чаладиган аёллардан эди. Ҳадяхон ёшлигидан шўх яллалар, дутор наволарини эшитиб, ўзи ҳам қўлига дутор олади, онаси ва холасига тақлид қилиб, яллалар айтади, рақсга тушади.

1924 йили Ҳадяхон Қўқонда янги очилган шаҳар хотин-қизлар клуби ҳузуридаги «Қизил юлдуз», сўнгра, «Кўк кўйлак» тўгаракларида қатнашди. Бу клубда кўпгина ўзбек хотин-қизлари тарбияланиб, музыка ва сахна санъатини ўрганишган эди. Клубга Ҳамза Ҳакимзода ҳам тез-тез келиб, ёш санъаткорларни ўзининг қўшиқлари билан таништирар ва уларга қимматли маслаҳатлар бериб турарди.

Ҳадяхон клубдаги музыка тўгаракларида қатнашиш билан бир қаторда, хотин-қизлар озодлиги, паранжи ташлаш бўйича катта жамоат ишлари олиб борарди. Бу клубда у, кўпгина янги, замонавий қўшиқлар, яллалар ўрганади ва уларни халқ олдида ижро этади.

1926 йили Қорн Еқубов раҳбарлигидаги этнографик ансамбль Қўқонга келади ва маҳаллий театр санъаткорлари билан биргаликда концертлар ташкил қилади. Бу концертларда Ҳадяхон ҳам халқ қўшиқлари ва яллалар айтиб иштирок этади.

Ҳадяхоннинг моҳир ашулачи бўлиб етишувига унинг турмуш ўр-тоғи Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Шерқўзи Бойқўзиев катта хисса қўш-ган. Бойқўзиев Ҳадяхонга хотин-қизлар орасида кам айтнлувчи катта ашула жанрини ўргатади ва биргалашиб Фарғона халқ қурилишларида ижро этиб юришади.

Ҳадяхоннинг қўшиқ репертуари бой; улар хилма-хил яллалар, ла-парлар, хотин-қизлар орасида айтиладиган махсус манший, ҳажвий, лирик, маросим қўшиқлари ва катта ашулалардан иборатдир. Ҳадяхон фақат ижрочилик билан чегараланмасдан, «Эрта билан», «Ман бир ку-ни...» сингари яллалар ҳам басталаган.

СССР халқ артисткаси Тамарахоним Ҳадяхонни ўз устози деб би-лади ва ҳозир ҳам уни зўр эҳтиром билан тилга олиб: «Ҳадяхон Ҳамда-мова ўзбек халқининг севимли қўшиқлари ҳисобланадиган қўқонча ялла ва ланарларни менга ўргатган устозлардандир», — дейди.

Ҳадяхон Ҳамдамова 1939 йили Лутфихоним Саримсоқова раҳбар-лигидаги дуторчи хотин-қизлар ансамблида ишлаш учун Тошкентга так-лиф қилинади. Атоқли қўшиқчи Фарғона водийсининг йигирма тўрт на-фар ашулачи қизлари қатори ансамбль билан бирмунча гастроль кон-цертларида қатнашади. Қўшиқ, куй шинавандаларига ўзининг жозиба-дор қўшиқларини ҳадя этади.

Ҳадяхоннинг кейинги йиллардаги фаолияти Қўқон колхоз-совхоз театри билан боғлиқ. У, театрнинг бадий раҳбари бўлиб ишлади.

Ҳадяхон Ҳамдамованинг ўзбек қўшиқчилиқ соҳасидаги хизматлари кўнгини фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. У Ўзбек совет музыка маданияти эндигина рўёбга чиқаётган кундан бошлаб, ҳозиргача тиним-сиз ишлаб келаётган моҳир ижрочилардан биридир.

ХАЛҚ  
ЧОЛҒУЧИЛАРИ



## АБДУМУТАЛ АБДУЛЛАЕВ



Абдумутал Абдуллаев 1914 йили Тошкентда боғбон оиласида туғилди. Унинг отаси Гулмуҳаммад созанда бўлмаса ҳам, бўлажак танбурчининг насл-насабида Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов (тоғаси) ва Шораҳим Шоумаров (поччаси) сингари атоқли ҳофизлар бўлган. Улар билан яқин муносабатда бўлиши унинг созандалик касбини танлашига сабабчи бўлган. Абдумутал Абдуллаевнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

«Оиламиз катта — ўн кишидан иборат эди. Шунга қарамай, кўпинча созанда-хонанда тоғаю поччамиз билан бирга бўлардим. Уларни кўрмасам туролмасдим. Шулар туфайли мен музыкага ишқибоз бўлиб қолдим. Улардан йўл-йўриқ ўргандим. Биз уч ёш хонанда: Шокарим Шоумаров, Шоқосим Шожалилов ва мен учовимиз бўлиб, Мулла Тўйчи ҳофиз билан Шораҳим Шоумаровлар ижро этадиган «Чоргоҳ», «Дугоҳ Хусайн», «Шаҳноз-гулёр», «Кўча боғи» каби йўллари бемалол айтадиган бўлиб қолдик».

Абдумутал Абдуллаев музыкага бўлган ишқибозлиги туфайли 1923 йили Тошкент музыка техникумига ўқишга кириб, 1927 йилда Шарқ бўлимининг танбур синфини тамомлаб чиқди. Шораҳим Шоумаров ашула дарсидан, Абдусоат Ваҳобов дутордан таълим берардилар. Профессор В. Успенский, О. Поликарпова, И. Ҳамзин каби педагоглар эса музыка таълимоғидан дарс беришарди.

1927 йилда Ўзбекистон радиоси ташкил топгач, ёш созанда-хонандаларнинг концертлари тез-тез эшиттирилиб турилди. Дастлабки пайтларда Абдумутал Абдуллаев ашулачи сифатида (лирик тенор) «Мулкия», «Қаландар ишқи», «Онажоним» қўшиқларини айтиб юрди.

Абдуллаев ёлғиз хонандалик-созандалик касби билан қаноатланмай, плац-институтда ҳам ўқиди. Кейинчалик Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғу ансамблида ишлади ва ўрта мактабларда, Қишлоқ хўжалик институтининг ҳаваскорлар тўғарақларида раҳбарлик қилди. У Свердлов номидаги етти йиллик мактабнинг музика-театр тўғарағига раҳбарлик қилиб, «Босмачилар», «Табиб» пьесаларини қўйишда мактаб коллективига музика соҳасида ёрдамлашди ва созанда-хонанда шогирдларининг концертларини тайёрлади. 1939—1951 йиллар орасида Абдуллаев Ўзбек опера ва балет театридаги миллий ансамблнинг концертмейстери бўлиб ишлади. Театр ҳузуридаги Ҳалима Носирова ансамбли билан бирга, Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида бўлиб, «Ўзбекистон булбули»нинг турли халқлар орасида қозонган катта муваффақиятларининг жонли шохиди бўлди.

Абдумутал Абдуллаев 1951 йилдан бошлаб Тошкент радиоси ҳузуридаги халқ чолғу асбоблари оркестрида ишлайди. Дастлаб, Юнус Ражабий раҳбарлик қилган бу оркестр, ҳозирда композитор Дони Зокиров томонидан бошқарилмоқда.

Абдуллаевнинг айтишича, у санъаткорлик фаолиятининг дастлабки йилларида жўрнавоз созандалик йўлини танлаган. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳалима Носирова қатнашган ансамблларда ишлаши ва бошқа кўпгина ҳофизларга жўрнавоз бўлиши ҳам шу сабабдир. Ҳофизларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жўрнавоз созандага боғлиқ, дейди Абдуллаев, чунки соз эгаси ёлғиз жўрнавозлик қилиш билан кифояланмай қолмайди, балки у хонанданинг энг яқин йўлдошидир. Ашулчанинги нолишларини жой-жойига қўйиб, музика асарлари таркибидаги қисмларини тўғри айтиши созандага боғлиқ.

Созанда Тўйчи ҳофиз билан бирга ишлашган даврларини мароқ билан эслайди. Машҳур ҳофизнинг ажойиб фазилатларига таҳсинлар ўқийди. «Биз Улуғ Ватан уруши йилларида олс қишлоқларда концерт беришга отландик, — деб ҳикоя қилади Абдуллаев, — Жиззах районидаги бир чекка қишлоқни ахтариб юриб адашиб қолдик. Бунда Мулла Тўйчи номи асқатиб қолди: бу номни эшитган бир қўйчивон бизга йўл кўрсатиб қўйди ва: «Мен Мулла Тўйчининг овозини бир марта эшитганман. Авж қилишга қойил қолганман...» деди.

Абдумутал Абдуллаев Мақсудхўжа Юсупов, Ризқи Ражабий, Жўрабек Сайдалиев, Тургун Алнатов каби танбурчиларнинг излоши ва сафдошидир. Оркестр билан биргалликда ижро этадиган жуда кўп хилма-хил асарлар қаторида, ёлғиз танбурда ижро этиладиган «Чўли Ироқ», «Кўшчинор», «Тановар» (ўн хилдан зиёдроқ), «Чоргоҳ», «Сеғоҳ», «Қарнашов» каби асарлар унинг репертуар рўйхатини безайди.<sup>1</sup>

А. Абдуллаев ижроси ўзига хос; у равонликка, куй тузилмаларининг нозик жойларига алоҳида урғу беришга, асар мазмунини тингловчига еткиза билишга алоҳида аҳамият беради. Йиллар давомида ўз сози билан халққа хизмат қилиб келаётган созанда ўз хотирасида ўзбек музика

<sup>1</sup> Ҳамма номидаги Санъатшунослик институтида Абдумутал Абдуллаев ижросида магнит лентага «Чўли Ироқ», «Тановар» каби кўпгина куйлар ёзиб олинган.

меросиннинг ажойиб намуналарини сақлаб келмоқда. Унинг шогирдлари ва издошлари жуда кўп.

Абдумутал Абдуллаевнинг ўзбек музыкасини тарғиб этишдаги кўп йиллик ижрочилик фаолияти кўпгина ташаккурномалар, Республика Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони билан тақдирланган.



## ✓ ЁҚУБ ДОВИДОВ (1914—1964)

Ёқуб Довидовнинг авлод-аждодлари мақом йўлларини яхши билган созанда — танбурчилардан эди.

У Бухорода Довид танбурчи оиласида туғилган. Ёқубнинг бобоси (отасининг отаси) Ханм ҳам ўз даврида танилган мақомдон ҳофиз ва танбурчи эди; она авлодлари ҳам музикага яқин одамлар эди. Онасининг ўзи ҳам аёллар йигинларида қўшиқ айтиб юрарди.

Ёқуб Довидовнинг болалик йиллари машҳур созандалар орасида ўтди. Довидовлар уйида созанда ва хонандалар тез-тез бўлиб турнарди.

Ёқуб танбур чалишни дастлаб отасидан ўрганди. Отаси ўргатган ашулалар ичиди «Дугоҳи Андижон», «Қашқарчаи Дугоҳ», «Ушшоқи Самарқанд», «Ироқи Бухоро» каби йирик шаклдаги асарлар бор эди. Ёқуб мазкур асарларни дастлаб Домла Ҳалим Ибодов, Уста Тожиддин, Гуржа Юсуфий каби машҳур санъаткорлар ижросида эшитганди.

Ёқуб Довидов 1926 йили Бухородаги Шарқ музика мактабига ўқишга киради. У танбур чалишга ишқибоз бўлса ҳам, дастлаб ёнжак синфига қабул қилинади. Бу синф ўқувчиларига моҳир созанда Ҳайдарқул Қоровулбеги (1929 йилда вафот этган) дарс ўтарди.

Ёқуб Довидов отасидан мақом йўлларини ўрганиб олгач, Музика мактаби ўқитувчиларидан Маъруфжон Тошпўлатов ва Уста Шоди Азизовга шогирд тушади. Айниқса, Уста Шодидан мақомларнинг хилма-хил йўлларини ўрганади. Ёқуб ўткир хотирага эга бўлгани туфайли кўнглига ёққан куйни бир марта эшитиб олгач, ўзи ижро этаверарди. У ёшлигидан ҳофизларга танбурда жўр бўлиб юрарди.

Ёқуб Довидов 1929 йили музика мактабни тамомлади. 1930 йилда ота-онаси билан Тошкентга кўчиб келади. Радио орқали берилган концертларда қатнашади. Педагогика институтининг тил-адабиёт факультетига ўқишга киради ва «Байроғи меҳнат» газетасининг редакциясида адабий ходим бўлиб ишлайди, кейинроқ «Совет адабиёти ва санъати» журналинда турли лавозимларда ишлайди.

1945 йилда Ўзбекистон радиосида тожик музика редакцияси очилгач, Ёқуб Довидов созанда-хонандалик фаолиятини давом эттиради.

Ўзбек ва тожик музыкасини яхши биладиган санъаткор Шоназар Соҳибовга эргашиб, ундан янги куйлар, ижро усулларини ўзлаштиради. Шоназар Соҳибов ўз наватида самарқандлик машҳур устоз санъаткор Ҳожи Абдулазиз Абдирасуловдан кўп нарсани ўрганганди.

Ёқуб Довидов ўз репертуарини бойитиш ва уни талқин этишда Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Толмасов, М. Муллақандов сингари мақомдон хонандалар йўлидан фойдаланарди.

Ёқуб Довидов кўп йиллар давомида Ўзбекистон радиосининг тожик ансамблида, ундан кейин Ўзбекистон радиоси қошидаги мақомчилар ансамблида асосий созандалардан бири сифатида ишлади.

Ёқуб Довидов мақом ансамблида ишлар экан, мақомларнинг айрим қисмларини тиклаш ва аниқлашда Ю. Ражабийга кўмаклашди. У мақомларнинг чолғу йўлларига хос кўпгина қисмини, мақомларнинг ўқув йўлларидан Бузрук, Рост, Наво мақомларининг сарахбор шуъбаларини ҳам яхши биларди.

Ёқуб Довидов мақом йўллари билан бир қаторда, халқ куйлари ва ашула йўлларини ҳам яхши эгаллаган созандалардан эди. У узоқ йиллар давомида ашулачи сифатида ҳам танилганди. Ёқуб Довидов баритонга ўхшаш тенор овозга эга эди.

Ёқуб Довидов бошқа хонанда-созандаларга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар ҳам бериб, ашула йўлларини ўргатиб турарди. Чунинчи, «Таронаи Баёт»ни Акбар Ҳайдаровга, «Чапандозни Ироқ»ни, «Ушшоқни Хўқанд» йўлларини Орнф Алимахсумов, Таваккал Қодиров, Сирож Амминов, Қиммат Борухова, Исҳоқ Катаев, Берта Довидова сингари ашулачиларга ўргатганди.

Ёқуб Довидов репертуарининг катта қисминини мақомларнинг ашула қисмлари ташкил этарди. «Савт» ва «Мўғулча» «Таронаи Баёт», «Чапандозни Ироқ», «Ушшоқни Хўқанд», «Савти Чоргоҳ», «Талқинчан Савти Чоргоҳ», «Талқинчан Мўғулчан Дугоҳ», «Сарахбори Оромижон», «Оромижон», «Уфари Оромижон» шулар жўмласига киради.<sup>1</sup>

Ёқуб Довидов мақомларнинг зарби мураккаб ҳисобланувчи наср ва талқин қисмларини айниқса, зўр маҳорат билан ижро этарди. Бухоро созандалари каби Ёқуб Довидов ҳам ўзининг танбур машқида рез ва нолишлардан кўпроқ фойдаланарди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Мазкур асарлар Юнус Ражабий тўплаган ва ютага олган «Ўзбек халқ музикаси» тўпламига киритилган. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, V том.

<sup>2</sup> Нолиш — танбурга хос титратма товушлар. Рез — майда зарблар.

Ҳамза номли санъатшунослик институтининг студияси Еқуб Довидовдан «Талқини Баёт» ва «Ушшоқи Хўқанд» йўлларини магнит плёнкага ёзиб олган.<sup>1</sup>

Еқуб Довидов 1949 йили УзССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

У 1964 йилда вафот этди.

---

<sup>1</sup> «Ушшоқи Хўқанд» йўли гарчи Лева Бобохонов ижросида шухрат топган бўлса ҳам, Еқуб Довидов бу йўлни бухоролик машҳур устоз-қофиз Ота Жалол Носировдан ўрганган.

## УСТА РЎЗИМАТХОН ИСАБОВ

(1885—1964)



Рўзиматхон Исабев Намаганда темирчи онласида туғилган. Отаси Абдужалил темирчининг қўлида дамгарлик қиларди.

Фарғона водийсида музика асбоби бўлмаган хонанда кам учрарди. Темирчилик дўкони устунда ҳам ҳаминша битта дутор осиглиқ турарди. Тоғаси чой ташиб хизмат қиладиган чойхонада эса ҳар оқшом созандалар машқ қилиб ўтиришарди.

Рўзиматхон ёшлигини эслаб шундай дерди: «Онламит аҳволни оғирлигини кўрган тоғам мени ҳам ўзи ишлаётган чойхонага олиб кетди. Мен ҳам шу чойхонада чой ташиб юрдим. У ерда Рамазаноҳун билан Собирохунларнинг машқларини тинглардим. Рамазаноҳун гижжақда ҳам, чангда ҳам жуда яхши чаладиган зўр созанда эди. Ўзи соз ҳам ясайверарди. Чойхонада ўтган икки йил мен учун ажойиб мактаб бўлди: мен бу икки созанда чалган созларда икки йил машқ қилиб юрдим».

Рўзиматхон аста-секин дуторда машқ қилиб юради. Кейинчалик чойхонадан кетиб, отаси ишлаётган устахонада темирчилик (отга тақа қоқиш, кетмон, зулфин, шиқ-мошиқ ясаш ва ҳоказо) ҳунарини ўрганади.

Темирчилик дўконига Уста Абдужалилнинг созанда ошналари келиб дуторда куйлар чалиб туришарди. Рўзиматхоннинг қўли ишда, қулоғи созанда Жалолхоннинг танбурида бўларди. У, баъзан, холи пайт топганида ўзи ҳам дутор чалиб турар, Жалолхоннинг танбур машқларидан ҳам фойдаланарди. Устадан баъзи мақом йўлларини ўрганиб олганди. Бинобарин, Рўзиматхоннинг биринчи устози ана шу моҳир танбурчи Жалолхон Мирзараҳимов (1869—1911) ҳисобланади. У «Ажам тароналари» билан «Қаримқулбеги»ни чалганида тингловчиларни гўё сеҳрлаб қўйгандек бўларди. У хушовоз хонанда ҳам эди.

Уста Рўзиматхон устози Жалолхоннинг ўлимидан кейин унинг ва-сиятига амал қилиб ўзи ясаган кичкина чангини қўлтиқлаб 1911 йили Бухорога жўнайди. Йўл устидаги шаҳарларда қўниб, созандалар ва шинавандалар билан танишади, куй-қўшиқлар ўрганади. Бухорога бо-риб, Ота Жалол Носиров (1845—1928), Леви Бобоҳонов (1873—1926) ва Ота Ғиёс Ғаниев (1928 йилда вафот этган) лар билан учрашади. Уларнинг маслаҳатлари билан иш тутади. Ота Жалолдан «Сегоҳ» ва «Дугоҳ» мақом йўлларини ўрганади. У 1913 йили Бухородан қайтиб келганидан кейин Наманганнинг ёш ҳаваскорларига музика ўргата бошлайди. Пўлатжон, Жўрабой, Дадажон каби музикага ишқибоз, сергайрат йнгитларнинг қўлига ғижжак, дутор, танбур бериб, куй ва қўшиқ ўргатади.

Октябрь революциясидан кейин босмачилик ҳаракати кучайган пайтларда Уста Рўзиматхон Қизил гвардия қисмлари билан биргаликда меҳнатқилар орасида агитация ишлари олиб боради, Андижон ва На-манган шаҳарларидаги болалар уйларида ёш ҳаваскорлар тўғарақлари ташкил этиб, уларга музика ўргатади. Андижонда олтишдан ортиқ-роқ созанда-хонанда шогирдлар етиштиради.

Намангандаги шогирдларини «Шарқ» боғига тўплаб, доимий маш-ғулот ўтказиб, концертлар бериб туради. 1947 йилда мазкур болалар уйи музика мактабига айлантирилади, кейинчалик бу мактаб музика билим юртига қўшиб юборилади.

УзССР халқ артисти Комилжон Жабборов ва ғижжакчи Мўминжон Жабборов (1894—1925) Уста Рўзиматхоннинг Андижонда тарбиялаган шогирдларидандир. Наманганлик музика санъаткорларидан Бурхо-жон Юсуфов, Эргаш Рўзиев, Набижон Мухамедов, Сорахон Йўлдошева, Икромжон Тожибоев каби кўпгина санъаткорлар Намангандаги бирин-чи сонли болалар уйида тарбияланишган ва Уста Рўзиматхондан таъ-лим олишган.

Ғулум Зафарийнинг «Ҳалима» асари 1923 йили Наманган саҳнаси-да қўйилганда Уста Рўзиматхон спектаклга ўзбек халқ куйларидан музика боғлайди. Уста Рўзиматхон парда очилишидан олдин чанг, пар-да очилганидан кейин эса ғижжак чалиб турарди. Машҳур қўшнайчи Аҳмаджон Умурзоқов: «Уста Рўзиматхон камонни шигиллатиб тортади. Чанг чалганда териб юборади»,— дерди.

Уста Рўзиматхон Наманган театри саҳнасида қўйилган «Ерилтош» (Шукур Саъдулла асари) билан «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид либрет-тоси) каби музикали драмаларга ҳам халқ куйларидан намуналар та-нлаган.

1927 йилнинг ёзида Уста Рўзиматхон Қўқон ва Самарқанд бўйлаб сафарга чиқади. Қўқонда Юсуфжон Чангчи (1870—1933) ва Шодмон Ҳожини (1872—1937) каби атоқли созандалар билан учрашади. Юсуфжон Чангчининг кўп қисми «Насрулло»сини ўрганади.

Самарқандга борганида Бибиҳоним мадрасасининг ёнидаги чойхо-нага қўнади. Жаранглайдиган кичкина чанги билан куйлар чалганида Ҳожини Абдулазиз Уста Рўзиматхонни уйига таклиф қилади. Уста Рўзи-матхон бу машҳур ҳофизнинг уйида бир ҳафта меҳмон бўлади. Улар

шундан кейин дўст бўлиб қоладилар. Ҳожи Абдулазиз «Гулузорим» ашуласини айтиб беради ва бу дилбар ашуланинг «Яланг даврон» йўли билан ҳамоҳанг эканини айтади.

1931 йили Наманган музыкали драма театри ташкил топади. Уста Рўзиматхоннинг шогирдлари Бурхонжон Юсуф, Набижон Муҳамедов, Эргаш Рўзиев, Икромжон Тожибоев, Каримжон Мансуров каби ёш созандалар театр ансамблига қабул қилинадилар. Ҳозирги Навоий номи билан аталадиган бу театрнинг саҳнаси драматург Розиковнинг «Интилиш» спектакли билан очилади. 1932 йили Ваҳобжон Азимовнинг «Ҳужумхон» асари саҳнага қўйилади. Бу асарларни уста Рўзиматхон музикалаштиради.

1935 йили Наманганда Болалар театри ташкил этилади. Бу театрнинг музика гўдасига Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилади. Театрнинг концерт группаси 1936 йили Ушга бориб концерт беради. Концертда ижро этилган куй ва ашулалар Уш томошабинлари томонидан яхши кутиб олинади. Уш ўзбек музыкали драма театрининг атоқли санъаткорлари саҳнага чиқиб, болаларни чин кўнгилдан табриклайдилар.

Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театрининг таниқли артистларидан Абдуғофир Абдураҳмонов, Фароғат Раҳматова, Ҳадия Юсупова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жамол қори Гиёсов, Ҳожи-акбар Аҳмедов, Жаъфар Умаров каби атоқли санъаткорлар ҳам Уста Рўзиматхоннинг шогирдлари бўлишган.

Наманган касабалар совети томонидан ташкил қилинган Музика асбоблари устахонасига ҳам Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилиб келди. Бу устахонада тайёрланган созлар Урта Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам машҳур бўлган.

Уста Рўзиматхон республиканинг кўпгина халқ қурилишларида, 1939 йилда Лоғон ва Катта Фарғона Канали қурилишида, 1940 йилда эса Шимолий Фарғона канали қурилишида шогирдлари билан биргаликда хизмат қилган.

Ўзбекистон ҳукумати Уста Рўзиматхоннинг музика соҳасидаги самарали меҳнатини тақдирлаб, фахрий ёрлиқлар ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвон берган.



## МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

Муҳаммадҷон Мирзаев 1913 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилган. У ўспирин йиллари Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди. Шу комбинатнинг ҳамда Ўрта Осиё темир йўлчилари ҳаваскорлари тўғарақларида қатнашган пайтда куй ва созга меҳр қўяди. Ёш созандашнинг музикага бўлган ҳаваси ва завқ-шавқининг кучайишида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» каби музикали драмалар катта роль ўйнади. «Қушларнинг бирида,— деб эслайди Муҳаммадҷон Мирзаев,— «Фарҳод ва Ширин» спектаклига билетга келсам, Свердлов номли театр биносиди эндигина ташкил топаётган Ўзбек Давлат Филармониясига музикачилар қабул қилинаётган экан, шунди комиссия олдига кирдим. Комиссия аъзолари орасида Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Уста Олим Комилов, Аҳмадҷон Умурзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Мамадазиз Ниёзовлар бор эди. Комиссия ҳузуриди мени гижжакчи ва бастакор Ниёзовнинг «Бахт» деган куйини мандалинада чалиб бердим. Комиссия аъзоларига маъқул тушди ва мени ўзбек халқ оркестрига созаанда сифатида қабул қилишди».

Бу воқеа 1936 йилда, Москвада бўладиган Биринчи ўзбек санъати ва адабиёти ўн қулиги кўригига ҳозирлик кўрилатган пайтда содир бўлган эди.

Халқ чолғу оркестри Муҳаммадҷон Мирзаев учун дастлабки билим ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Ёш созанда шу оркестрда қашқар рубобини ўрганди, халқ музика мероси билан танишди. Тўхтасин Жалилов, Маматбобо Сатторов, Жўраҳон Султоновлар санъатидан баҳраманд бўлди.

Муҳаммаджон Мирзаев ўшандан бери Ўзбек Давлат Филармониясида узлуксиз ишлаб келмоқда. Аввал халқ асбоблари оркестрида, сўнги йилларда эса «Лазги», «Шодлик» ашула ва рақс ансамблларида музика раҳбари ва ижрочи сифатида қатнашиб келмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида жангчиларга берилган концертларда ўз санъати билан хизмат қилди. Шу билан бир қаторда, ўша кезларда Ўзбекистонда барпо этилаётган Фарҳод ГЭС қурилиши қошидаги халқ театрида музика раҳбари бўлиб ишлади. Бастакорнинг биринчи асарлари «Меҳнат аҳли» (А. Пўлат шеъри), «Жонон» кабилар худди шу йилларда яратилган эди.

Мирзаев кейинчалик Мукаррама Тургунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» рақс ансамбли билан ижодий ҳамкорлик натижасида анча-мунча рақс куйлари басталади. Улардан «Баҳор вальси», «Янги тановар», «Гулноз», «Дилбар», «Гулхумор», «Дилдор» куйларини эслатиб ўтиш kifоядир.

Бастакор 50-йилларда ўзбек халқ чолгу оркестрида ишлади. Созанда — гижжакчи С. Габрилянц ҳамкорлигида халқ куйларини оркестрга мослаштириш ишини бошлади.

1949—1953 йиллари Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолгу асбоблари факультетида ўқиди. У консерваторияда ўқиш йилларини эслаб шундай дейди: «Ғарб ва рус музикасини, ижро техникасини эгалладим, балний савиям ошди. Лекин қашқар русобидан воз кечмадим. Устозлардан куйга сайқал бериб, юракдан берилиб чалиш техникасини ўргандим».

Мирзаевнинг репертуари бой ва ранг-барангдир. Унда мураккаб чолгу асбоблари билан бир қаторда, эстрада куйлари, бастакорнинг ўзи басталаган ва қайта ишлаган музика асарлари салмоқли ўрин эгаллайди. Улар орасида халқ кўшиги «Яллама ёрим» ва «Кўрмадим» (Д. Зокиров романи) «Лирик куй» (Т. Жалилов музикаси) характерлидир. Бу асарлар қашқар рубобига мослаштирилиб, чиройли қочиримлар ва регистрлардан усталик билан фойдаланиши натижасида тингловчиларга зўр эстетик завқ бағишлайди.

Маълумки, бастакорнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ижрочини боғлиқ. Муҳаммаджон Мирзаевнинг бастакорлик ижодига хос хусусиятларидан бири у ўз асарларини ижрочининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратади. Бу жиҳатдан марҳум халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов ва СССР халқ артисти Ҳанифа Мавлонова учун яратган кўшиқлари диққатга сазовор. Мирзаевнинг улар ижросидаги «Ёр истаб», «Қачон бўлгай», «Якка бу Фарғонада», «Гулчеҳра ёр», «Парвона бўлдим», «Кўзим шаҳдога тўнди» каби лирик ашулалари кўшиқ шайдоларининг юрак-юрагига синиб кетган. «Тоғ маликаси», «Дил ўйнасин» куйларини бастакор рақосалардан Қизлархон Дўстмуҳамедова ва Дилафрўз Жаббороваларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда басталаган. «Тоғ маликаси» лирик рақс куйи бўлиб, катта ашула услубида басталанган. Бу рақсда ўзбек қизларига хос одоб, табассум, назокат ва дилбарлик ўзини орқали ифода этилади. Еш хонанда Дилором Қажонова ижро этган кўшиқлар кўпчилик шинавандаларга манзур бўлди. «Ширмоной», «Олтин садиқ», «Уч дугона» шулар жумласидадир.

Муҳаммаджон Мирзаев басталаган қўшиқ ва рақс куйлари нафислиги, оҳангдорлиги, мазмуни ва ўзининг ёрқин миллий руҳи билан ажралиб туради. У халқ куйларининг лад, усул ва қочиримларидан усталик билан фойдаланади, бошқа халқларнинг музыкасидан ўрилли, ижодий фойдаланади.

Мирзаев асарлари «Баҳор», «Лазги», «Шодлик» ва турли эстрада ансамбллари ижросида чет эллик қўшиқ шинавандаларига ҳам манзур бўлиб келмоқда. Чунончи: «Хурматли ўртоқ Мирзаев,— деб ёзади. Будапешт Санъат музейи директори Карол Гамбош.— Ўзбекистоннинг бой, таъсирчан ва мафтункор музыкаси учун катта раҳмат. Сизнинг музикангизни кўп мартаба эшитганман, ҳозир ҳам чарчаган пайтларимда ишга илҳом бағишламоқчи бўлсам, сизни ажойиб: «Янги тановар», «Дилбар», «Баҳор вальси» куйларингизни завқ билан тинглайман».<sup>1</sup>

Партия ва ҳукуматимиз ўзбек музыкасини ривожлантиришдаги хизматларини муносиб тақдирлаб Муҳаммаджон Мирзаевни Ўзбекистон ССР халқ артиси унвони (1967) ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан (1971) мукофотлади, 1970 йили Владимир Ильич Лениннинг 100 йиллик таваллуди муносабати билан Республика комсомоли мукофотини олишга сазовор бўлди.

---

<sup>1</sup> Будапешт, 27 ноябрь, 1971 йил. (К. Олимбоева таржимаси.)

## МУҲИДДИН ҲОЖИ НАЖМИДИНОВ

(1888—1964)



Фарғона ва Тошкент халқ созандалари Ҳожи акани Тошкент, Фарғона мақомларининг чолғу ва сурнай йўлларини яхши билган моҳир ижрочи деб биладилар.

Муҳиддин Ҳожи Нажмиiddinov Андижон шаҳрининг Бақақуриллоқ (ҳозирги «Жумҳурият») маҳалласида туғилган. Ота-боболари деҳқончилик билан бир қаторда, созанда-хонандалик ҳам қилишарди. Бобоси Шамсиддин дала ишларидан бўш вақтлари чойхоналарда дутор чалиб, Абдусаттор танбурчи билан ашула айтарди.

Муҳиддин Ҳожи қадимги қоидага биноан, беш ёшидан мактабга боради, шу кезларда у бобосидан дутор чалишни ўрганади. Шамсиддин Ҳофиз неварасини ўзи билан бирга олиб юради. Шу сабабли Муҳиддин Ҳожи Фарғона водийсида донг чиқарган Мирзо Қосим Ҳофиз, Дада Хўжа Ҳофиз, Мўмин Ғижжак, Тўхтасин Мақом, Мамадалихон, Болтабек ва машҳур Худойберди Устозлар иштирокида ўтган базмларни кўришга муяссар бўлганди.

Машҳур хонанда Тожи Мубтало «Мен мубтало қайга бўрай» қўшиғини кўпроқ айтгани учун соз аҳллари уни «Тожи Мубтало» дер эдилар. Тожи Мубтало «Наво», «Баёт», «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Сегоҳ» йўлларини жуда яхши айтарди. У Мадумар Ҳофиздай ўқирди... Мадумар Ҳофиз билан Тожи Мубтало кўпроқ «Уззол», «Тажнис», «Чўпон», «Илғор», «Наврўзи Ажам», «Ажами Шерозий», «Насруллоий» йўлларини ўқиганларини ва чалганларини кўп эшитардим»,— деб устозлари ҳақида эсларди Муҳиддин Ҳожи.

Муҳиддин Ҳожи бу устозлар иштирокида ўтадиган йиғинларнинг бир муҳим хусусиятини сира унутмасди: меҳнаткаш шинавандалар созанда-хонанда устозларни бениҳоя ҳурматлайдилаб, ҳеч ким «фалон

нарса айтилсин» ёки «чалинсин!» демайди. Шунга кўра, ижро этилган кўшиқ, ашула ва куйлар юракдан чиқади.

Муҳиддин Ҳожи ўн уч ёшгача танбур ва дутор чалишда ота-бобосига ва бошқа устозларига эргашиди. Ўз устозларидан «оқ фотиҳа» олганидан кейин халқ куйлари ва мақом йўлларини мустақил чала бошлади, дутор ва танбурда яккахонлик қилади, яккахон ҳофизларнинг жўровози бўлади. «Курд», «Чўли курд», «Сайқал», «Туя бўзлов» куйлариши чалиб, тингловчиларнинг олқишларига сазовор бўлади. Қўқонлик Шодмон Ҳожи Қосимовнинг (Ҳамзанинг музыка устози) таҳсинига сазовор бўлади.

«Ўзбек чолғу музыкаси» тўпламида<sup>1</sup> дуторда икки овоз элементи борлиги қайд этилади. Лекин бу икки овоз элементидан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Муҳиддин Ҳожи Нажмиддиновнинг машқида эса дутордаги бу жиҳат аниқ намоён бўлади. Ҳожи аканинг дутор машқида иккинчи (бам) тор очиқ қолдирилмас ва ҳамиша бир хил пардада садоланиб турмасди. Ҳожи ака дуторнинг иккинчи овоз ҳосил этувчи торида куй элементларини саралаб бериш учун бош бармоғини актив ҳаракатлантирарди. Ҳожи ака танбур чалганида нохун зарбларининг аниқлиги билан ажралиб турарди. Ўзбек Этнографик ансамблида, республика ва область театрларининг созандалари ансамблида ишлаганида ҳам унинг танбурдаги бийрон зарблари ҳамманинг диққатини ўзига тортарди.

Ҳамза агитбрыгада билан Андижонга келганда Муҳиддин Нажмидинов билан танишади ва Андижонда уюштирган «Шарқ кечаси»да актив иштирок этади.

Ҳамза 1924 йили Андижон ёшлари учун миллий музыка тўғараги ташкил этади ва бу тўгаракка раҳбарлик қилишни Муҳиддин Ҳожининг зиммасига юклайди.

Муҳиддин Нажмиддинов кейинчалик Охунбобоев номидаги Андижон область музыкали драма театрининг созандалар ансамблида ишлади ва «Ичкарида», «Холисхон», «Икки коммунист» пьесаларини музикалаштиришда Тўхтасин Жалиловга ҳамкорлик қилди.

1928 йилдан бошлаб Муҳиддин Ҳожи Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрида ишлайди. У театрининг Комилжон Жабборов (чанг), Собиржон Сиддиқов (ғижжак), Юсуфжон Иброҳимов (най), Раҳмонжон Отабоев (доира) каби созандалари билан 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган театр олимпиадасида қатнашади. Созанда 1930—1932 йилларда Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд область музыкали драма театрида, кейин Қўқон темирйўлчилари театрида ишлайди, 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти ўн кунлигида қатнашади, халқ қурилишларида берилган концертларда актив иштирок қилади.

Ўзбек халқ музыка дурдоналарини ўз шогирдларига қунт билан ўргатганлиги, уларни етуқ созанда бўлиб етишишида жонбозлик кўрсатганлиги учун Комилжон Жабборов, Мирзажон Тиллаев, Собиржон Сиддиқов, Лутфиллаҳон Хўжаев, Носиҳ Солихов, Муҳаммад Аҳмадий сингари созандалар Ҳожи акани устозлари деб билишади.

<sup>1</sup> Абдусоат Ваҳобовдан Е. Е. Романовская ёзиб олган. Ўздавиашпр. Т., 1948, 7-бет.

## МАМАДАЗИЗ НИЁЗОВ

(1907 — 1971)



Мамадазиз Ниёзов Андижонда туғилган. Отаси Ниёзмат ака Фаргонанинг Қорасув (ҳозирги Ильич) районида қосиблик билан кун кечирарди. Мамадазиз уч ёшида отасидан етим қолади. Дўппи тикиб оилани боқувчи онаси Мамадазизни ҳунарманд тоғалари тарбиясига беради. Мамадазиз дастлаб пичоқчи тоғасининг темирчилик дўқонига ишга боради. Юнус-Охун Мамадазизни дастлаб дам босишга ўргатади. Кичик тоғаси Усмон новвойдан новвойликни ўрганади. Унинг музыкага бўлган қизиқиши камбағаллар чойхонасидан бошланади. Мамадазиз грампластинкаларга ёзиб олинган «Содирхон Ушшоғни», Тўйчи Ҳофиз ижро этган «Ҳаётан — набий», Ҳамроқул Қори айтган «Муҳтож» (Ҳазиний шеъри) ашулаларини, Мадумар Ҳофиз билан Едгэрхўжа ва Абдуқаҳҳор ҳофизлар айтган «Сегоҳ»ни шу чойхонада эшитган.

20-йиллар бошида Мамадазиз болалар уйида тарбияланади. Бу ерда умумий таълим олиш билан бирга, музыка тўғарагига ҳам қатнашади. Кейин Андижон Рабфакида ўқийди ва Рабфак музыка ҳаваскорлари тўғарагида дутор чалишни ўрганади. У комсомол сафига ўтиб, агитбригадаларда қатнашади. Қорасув районидаги агитбригада «Пахта учун кураш» номли труппага айланади. Труппа Қомил Яшиннинг «Тенгтенги билан», «Кураш боласи» каби бир-икки пардали пьесаларини сахнага қўяди ва концертлар беради. Мамадазиз Ниёзов бу концертларда сози ва ёқимли овози билан қатнашиб юради.

Шу йиллар Охунбоев номидаги Андижон ўзбек музыкали драма театри ташкил этилади.

1925 йилнинг ёзида театр артистлари Қорасувга келиб, концерт берганларида район раҳбарлари Мамадазиз Ниёзовни театрнинг бадий раҳбари Тўхтасин Жалилов билан таништирадilar. Тўхтасин Жалилов уни ўзига шоғирд қилиб олади. Ниёзов театрга ишга киради. У Тўхтасин Жалилов, Муҳиддин Нажмиддинов, Собиржон Сиддиқов, Эргаш Раҳимов, Орифжон Тошматов сингари хонанда-созандалардан куй ва қўшиқлар ўрганади. Дастлаб у театрда дўл ноғора чалиб юради, кейин дуторчилик ва ғижжакчилик қилади. Театрнинг адабий эмакдоши К. Яшин, М. Муҳамедов билан хотин-қизлар озодлиги темасида «8 Март» пьесасини ёзади. Пьеса область ва кўпгина район театрларида қўйилади. М. Ниёзов 1933 йилдан Уш театрнинг музика раҳбари бўлиб ишлайди.

Мана шу йиллардан бошлаб «Бахт қўшиғи», «Соралар» каби қўшиқлар ярата бошлайди. «Соралар» 1935 йили Назира Иноғомова ижросида грампластинкага ёзиб олинган ва қўшиқ ишқибозлари томонида яхши кутиб олинганди. Мамадазиз Ниёзов шундан кейин Тошкентга келиб, Музика театрида (ҳозирги Навоий номида Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театри) ишлайди. Театрда ғижжакчилик қилиш билан бир қаторда, бирмунча қўшиқлар яратади. Шоир Соқийнинг «Ўзбекистоним» шеърига музика басталайди, Собир Абдулланнинг «Янги дунё» мадҳиясига, Бобораҳим Мирзаевнинг «Ёндир», «Лавалар», «Давримиз» каби жанговар шеърларига қўшиқлар басталайди. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ўн кулигида Мукаррама Турғунбоева «Лавалар» қўшиғини ижро этади. «Мадҳия» қўшиғи ҳам музика театри, Ўзбекистон Радиокомитети ва Ўзбекистон Давлат Филармониясининг бирлашган хори томонидан ижро этилади. Ниёзовнинг ўзи «Сайил ва колхоз тўйи» томошасида новвой ролида чиқади.

1938 йили Андижон областида қолхоз-совхоз театри ташкил этилиб, унга Мамадазиз Ниёзов музика раҳбари қилиб тайинланади. Театр Катта Фарғона канали ва Каттақўрғон ҳамда Қосонсой сув омборлари қурувчиларига хизмат қилади. Ниёзовнинг бу каби қурилишлардаги хизматлари «Меҳнатда ўрнатилган учун» медали билан тақдирланади. Бу даврда у «Жоним пахта» (М. Раҳмон шеъри) ва «Янги дунё» (Ҳабибий шеъри) каби замонавий қўшиқлар басталайди.

Театр концертлар бериш билан бирга, Зиннат Фатҳуллиннинг «Фунчалар» музикали драмасини, Умаржон Исмоиловнинг «Ҳоди — Шоди» музикали комедиясини сахнага қўяди, музикасини эса Мамадазиз Ниёзов басталайди.

Мамадазиз Ниёзовнинг шоир Соқий шеърига басталаган «Яхши бор» қўшиғи Қизил Армия сафига чақирилган ёшларни кузатишга бағишланган бўлиб, жанговар лирик характери билан тингловчилар орасида кенг шухрат қозонди. У шундан кейин «Жон Ўзбекистон» (Тамкин шеъри), «На гўзалсан», «Ер келар (Миртемир шеърлари), «Мубтало бўлдим сенга» ва «Кўнглим ўртансин агар» (Навоий ғазаллари) қўшиқларини яратди.

1939 йили Мамадазиз Ниёзов Москва консерваторияси ҳузурида ташкил этилган курсни битириб келгач, Таштрамдаги музика ҳаваскор-

ларига раҳбарлик қилади, кейин Тамарахоним ансамблида ғижжакчи бўлиб ишлайди. Ансамбль билан Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон, Болтиқбўйи республикалари ва Польша республикаси бўйлаб гастроль саёҳатида бўлади. Бу даврда Юсуфжон Ҳамдамнинг «Олга бос» шеърига қўшиқ басталайди; қўшиқ Украина тилига таржима қилиниб «Ҳай, живи» номида куйланади.

М. Ниёзов Улуғ Ватан уруши йилларида дуторчи қизлар ансамблида музика раҳбари бўлиб хизмат қилади. Бу даврда у «Хол бўлсам» (Ҳ. Олимжон шеъри), «Совет фарзанди», «Фронтдан хат», «Сен қаерда» каби куйлар, қўшиқлар яратади. Фронтнинг олдинги сафларида берилган концертларда қатнашиб СССР Мудофаа министрлигининг мукофотини олади.

Бастакор икки йиллик фронт сафаридан қайтиб, Фарҳод қурилишида бадий ҳаваскорлар ансамбли ташкил қилади. Бу ансамбли намунали уюштиргани учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланади.

1943 йилдан бошлаб Душанба шаҳридаги Тожикистон рубобчи қизлар ансамблига ва Тожикистон колхоз-совхоз театри созандаларига раҳбарлик қилади. Ниёзовнинг самарали хизмати Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланади.

Ниёзов 1944 йили Шимолий Тошкент каналида кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иккинчи Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

1945—1947 йиллар мобайнида М. Ниёзов Ўзбекистон радио эшиттириш комитетининг ўзбек халқ чолғу ансамблида ғижжакчи бўлиб ишлайди. Бу даврда у «Пахтакор қиз», «Янги дунё», «Ўзбекистонга келинг» каби ватанпарварлик қўшиқларини яратади. Драматург — шоир Туйгуннинг «Муҳаббат» асарига музика басталайди.

1947—1958 йиллар ичида театрларда, турли ансамблларда хизмат қилади. «Палак», «Қийиқ», «Кўза», «Зар дўппи» каби ўйноқи, жозибали қўшиқлар яратади.

Мамадазиз Ниёзовнинг халққа қилган хизматлари юксак баҳоланди, унга Республикада хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.



## ОТАВАЛИ НУРИДДИНОВ

Кекса авлодга мансуб бўлган танбурчи Отавали Нуриддинов ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида танилган.

Отавали Нуриддинов 1900 йили Андижон шаҳрида Нуриддинохун танбурчи оиласида туғилган. У асосан кавушдўзлик қиларди. Отавалининг айтишича, унинг бутун оила аъзолари музика шайдолари эди: ака-укалари ҳам, опа-сингиллари ҳам қўшиқ айтишар, музика чалишар эди.

Отавалининг болалик чоғлари моддий муҳтожликда ўтди. Отасининг касибчиликдан топгани оилани боқишга етмагани учун онаси қуроқчилик қилар, оиллага ёрдам берарди. Онаси Зухра хола иш қилиб ўтириб, қўшиқ айтишни яхши кўрарди, дутор ҳам чаларди. Отавалига дутор чалишни ўргатган ҳам онаси эди. Отавали болалигидан зийрат ўсди, ун ёшида ўқиш-ёзишни ўрганиб олди.

Отавали Нуриддинов йигитлик чоғларида қўшиқ айтишга кўпроқ қизиқарди. Дўсти Корсон билан машҳур ҳофизларга тақлид қилиб катта ашулалар айтишарди. Отавали кейинчалик Мамадбобо Сатторов ва Беркинбой Файзиевларга шогирд тушди.

20-йилларда Андижонда совет мактаблари очилиб, уларда музика тўғараклари ташкил топади. «Бизга,— дейди Отавали Нуриддинов,— ҳофиз Мамажон Қори раҳбарлик қиларди».

1925 йилда Андижонда «Санои нафиса» («Санъат ходимлари союзи») тузилиши билан Нуриддинов бу союзнинг аъзоси бўлади. Шаҳарда союз тузилгандан кейин созандалар фаолияти кўпроқ шу союз доирасида ўтади. Қишлоқларда ўтказиладиган мажлислардан кейин концерт бериш учун созанда-хонандалар келарди.

1927 — 1928 йилларда Отавали Нуриддинов «Саной нафиса» союзи орқали ишсиз юрган созанда-хонандаларни, ўйинчиларни, қизикчи-аскиничиларни тўплайди-да, «От ўйин» («Цирк») ташкил этади. Бунда чавандозлар, масхарабозлар, ҳажвчи-лапарчилар ҳам иштирок этардилар. Буларнинг орасида аёллар ҳам бор эди. Кўзихон опа айниқса, фаол катнашарди. Унинг бутун онла аъзолари чавандозлар сифатида танилган эди. Бу «От ўйин»да Нуриддинов директор ва конференсье вазифаларни адо этарди, айрим томошаларда лапарлар айтарди.

Кейинчалик Отавали ака танбурчи Рашидхон Раҳмонов, дуторчи-ашулачи Муҳиддинжон Иброҳимов, ҳофизлар — Норқўзи Иброҳимов, Мамажон Ҳожи (Қошиқ) ва бошқа андижонлик машҳур созанда-хонандалар билан ҳамкорликда ишлади. Булар Нуриддинов репертуарининг бойишига, танбур машқини такомиллаштиришга ёрдам бердилар.

Отавали 1926 йили Охунбобоев номидаги музикали драма театрида созанда бўлиб ишлайди, ширадор овози борлиги учун роллар ҳам ўйнайди. Яшиннинг «Икки коммунист», «Уртоқлар» асарларида, Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» спектакларида қўшиқчи ҳофиз ролларида чиқади.

Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ўн кунлигида (1937) Нуриддинов уйғур группа билан иштирок этади. Бу группа Т. Жалилов раҳбарлик қилган «Катта ансамбль» составига қўшилган эди. Уйғур труппаси ўн кунликда «Катта омон», «Кичик омон», «Ҳилпиллайди сочларинг», «Отиш» каби қўшиқ-рақсларни ижро этган. «Сайил» томошаларида уйғур труппаси «Беш қарсақ» рақсини намойиш қилган.

Ўн кунликдан кейин Отавали Нуриддинов филармония ансамбли билан Белоруссия шаҳарлари бўйлаб катта гастроль саёҳатида бўлди. У Катта Фарғона канали қурилишларида берилган концертларда қатнашади. 1940 йили Отавали Нуриддинов ансамблининг Боку, Москва каби шаҳарлар бўйлаб берган гастроль концертларида иштирок этди. Отавали Нуриддинов 1941 — 1960 йилларда Тошкент область Янгийўл музикали театрида ишлайди.

Улуғ Ватан уруши йилларида бу театрда «Қўчқор Турдиев» (Собиц Абдулла ва Чустий асари, Ю. Ражабий музикаси) музикали драмаси қўйилди. Спектаклдаги «Қасам» хорини О. Нуриддинов басталади.

Янгийўл театри саҳнасида 1945 йилдан кейин қўйилган кўпгина спектакллarga Нуриддинов музика басталаган, «Холисхон», «Совчилар», «Меҳнат севинчи», «Бешилар» шулар жумласидандир.

Спектакллар билан бир қаторда, яқин атрофдаги колхоз ва совхозларда концерт бериш ҳам театр зиммасида эди. Шунга кўра театрининг пешқадам созандалари янги куйлар ва қўшиқлар ижод этиб турардилар. О. Нуриддинов бу ерда «Чиройлик» (Қамтар шеъри), «Мен бахтлиман», «Яхшилик» (А. Пулат шеърлари), «Боғу бўстондир букун», «Мирзачўл», «Гўзал» (Қамтар шеърлари), «Алла, жон болам» (Н. Юсупова шеъри), «Гулистоним» (Партавий шеъри), «Меҳрибондир», «Э, кўзи шаҳло», «Ҳабибий шеърлари», «Насихат» (Махтумқули шеъри), «Дилраболар», «Интизор (Муқимий шеърлари), «Не ажаб» (Навой газали), «Едимга тушди» каби қўшиқ ва ашулалар басталади.

О. Нуриддинов бу куй ва қўшиқларни халқ музика асарлари асосида басталаган ва улар Ю. Ражабий тўплаб нотага олган «Ўзбек халқ музикаси»нинг I ва II томларига киритилган.

«Не ажаб» куй ва шеърини мазмуни жиҳатидан лирик қўшиқ бўлиб Фаргона яллалари руҳида басталанган, унинг композитор Д. Зокиров томонидан оркестрга мосланган варианты Ўзбекистон радиосининг халқ созандалари оркестри репертуаридан ўрин олган. «Қасам» ва «Не ажаб» қўшиқлари — традиция билан замонавийлиқнинг ўзаро боғлавишига яхши мисол бўлиши мумкин.

Уруш йиллари композитор М. О. Штейнберг Бешинчи симфония-рапсодия, композиторлар Б. А. Арапов ва А. Ф. Кэзловскийлар эса «Жалолиддин ораторияси»ни ёзишади. Бунда О. Нуриддинов С. Қалон, К. Жабборов каби созандалар билан бирга, бу рус композиторларининг асарларига мувофиқ ўзбек халқ куйларини танлашда иштирок этади.

Отавали Нуриддинов Мирмуҳсиннинг «Созанда» ҳикояси асосида ишланган телеспектаклда (1961) Сирожиддин Танбурчи ролида иштирок этган.

В. Низомов, Ж. Муҳиддинов, Т. Жўраев, Е. Усаров, М. Мусаевалар Нуриддиновнинг шогирдларидир.

Отавали Нуриддинов шу кунларда пенсияда бўлишига қарамай, Янгийўл шаҳри музика ҳаётига ўз ҳиссасини қўшмоқда. У Халқобод районидаги совхозлардан бирида ташкил топган музика тўғарагига раҳбарлик қилмоқда.

Отавали Нуриддинов жамоатчи сифатида ҳам танилган. У 1948 йили Янгийўл шаҳар советининг депутаты қилиб сайланган, 1962 йилдан бери Янгийўл инқилобий меҳнат шон-шавкати клубининг агитаторидир. Санъаткор кўп йиллик хизматлари учун фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар ва «Меҳнатда ўрнатқани учун» медаллари билан (1940) мукофотланган, 1941 йили ЎзССРда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган.

## МИРЗАЖОН ОРИПОВ



Мирзажон Орипов меҳтарлик санъати намояндalarидан ҳисобланади. У Фарғона водийси халқ музикасининг бой хазинасини сақлаб, бизгача етказиб келган меҳтар устозлардандир.

Мирзажон Орипов Фарғонага яқин Ермозор қишлоғида туғилди. Меҳтарнинг ёшлик йиллари қашшоқликда ўтди. Мирзажон дунёга келмасданоқ отаси вафот этади. У ўн олти ёшигача, онаси билан бирга бировлар эшигида ҳар хил юмушларни бажариб кун кечиради.

1895 йили онаси Мирзажонни кўзи ожиз тоғаси — Ҳусанбой ноғачининг қўлига топширади. Шундан кейин кўс ноғорани ўрганишга киришади. Бошқа касб эгаси бўлишдан кўра, созандалик санъатини ўрганишни кўпроқ ҳавас қилган Мирзажон эрта-кеч ожиз тоғасининг қўлидан етаклаб юрарди, унинг зиқнализига, ҳар хил ножўя дўқ-пўписаларига бардош беради. Мирзажон отанинг айтишига қараганда, Ҳусанбой ожиз бўлишига қарамай, ўша даврнинг моҳир меҳтарларидан эди. У най, қўшнай, сурнай ва доирада юксак маҳорат билан чаларди.

Ҳусан меҳтар замонасининг пешқадам созандалари ижро усуллари яхши ўзлаштирган эди.

Мирзажон тоғаси билан юрганда Абдухолик карнайчи, Турди карнайчи, Отажон сурнайчи, Бозорбой дўлчидан иборат Қўқон чолғучилари тўдасининг ижро этган куйларини тинглаб, уларни ўзлаштира борарди.

Ҳусан меҳтар жияни Мирзажонни дастлаб кўс ноғора чалишга ўргатади. У тоғасининг сурнайга жўр бўлиб кўс ноғоранинг усулларини мукамал ўрганади.

Мирзажон тоғасидан йирик шаклдаги машҳур чолгу йўлларидан «Шодиёна»нинг барча усулларини ўрганади.

«Гул ўйин» ёки «Шодиёна» каби кўп қисмли мураккаб усуллар яхлит ҳолда бирин-кетин чалинади.

Мирзажон Орипов ноғорановозлик санъатининг мураккаб томонларини, чалиш хусусиятларини, тез-тез алмашиб турадиган ўнлаб ранг-баранг усулларни қунт билан ўрганди.

Шундай қилиб Мирзажон меҳтар даражасига етади. Кейинчалик тоғаси билан Маргилон ва унинг атрофидаги сайил, тўй-томошаларда қатнаша бошлади.

1932 йили уни Фарғона область музыкали драма театрига таклиф этишади. Театрда М. Орипов томошалар бошланишидан олдин ноғорада, спектаклларда эса созанда сифатида қўшнайда чалади.

1937 йилда Мирзажон ота Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ўн кунлигида қатнашади. У Аҳмаджон Умурзоқов, Уста Олим Комилов сингари атоқли созандалар билан бирга «Сайил ва колхоз тўйи» инсценировкаларида кўс ноғорада чалади. Декада кунларида пойтахт бозорларида, сайилгоҳларда ноғора чалиб, ўз санъатини намойиш қилади.

Орипов 1938 йилдан 1946 йилгача Фарғона театрида узлуксиз ишлайди. 1946 йилдан 1956 йилгача Фарғона боғида ноғора, доира чалади.

Меҳтарнинг айтишига қараганда, «Шодиёна» ўн бешдан ортиқ, «Гул ўйин» ҳам ўн бешга яқин турли усулни ўз ичига олади. Мирзажон ота ўзбек халқ музыкасида мавжуд усуллар билимдонидир. У қўшнайнини ҳам зўр маҳорат билан ижро этади.

1963 йилнинг ёзида Фарғона области бўйича ўтказилган музыка ва театр фольклори экспедицияси Мирзажон отадан кўс ноғорада, магнитплёнкага «Гул ўйин» билан «Шодиёна»нинг ўттизга яқин усулларини ёзиб олди.

Кекса меҳтарнинг ёши саксондан ошиб қолганига қарамай, бу усулларни ҳали ҳам моҳирлик билан чалади.

Мирзажон ота Ориповнинг номи ўзбек халқ музыкасида усулчи устоз ва моҳир қўшнайнчи, ноғорачи сифатида пешқадам ўзбек созандалари қаторида туради.

## РАҲМОНЖОН ОТАБОЕВ



Раҳмонжон Отабоев таниқли усулчилардан биридир. Унинг доира-чи шоғирдлари жуда кўп. Кўпчилик уни Раҳмон Ҳофиз<sup>1</sup> деб атайти. Отабоев 1910 йили Андижонда доирачи Отабой Ҳофиз оиласида туғилган. Ун уч ёшида отасидан етим қолиб, андижонлик созандалар: Мўминжон Жабборов, Тўхтасин Жалилов ва Ориф Гармонга шоғирд тушади.

1923 йили Андижон округ Ижроия Комитети шаҳарнинг Шаҳлогу-зарда музика ҳаваскорлари тўгараги уюштиради. Тўгаракка Раҳмон Отабоев ҳам қатнашади. Тўгаракка дастлаб Мўминжон Жабборов билан Муҳиддин Нажмиддиновлар, кейинроқ Тўхтасин Жалилов раҳбарлик қилади. Тўхтасин Жалилов ёшларга ўзбек, қирғиз, уйғур халқ куйлари билан бир қаторда, қизил аскарлар орасида кенг ёйилган инқилобий кўшиқлар, озарбайжон, татар, арман, қозоқ куйларидан тортиб ўзбек классик куйларигача ўргатади. 1924 йилга келиб тўгарак кенгайти, унга марғилонлик, қўқонлик созандалар ҳам қатнаша бошлайди. Тўгаракчилар 1924 йили Қўқонга боришади ва Ҳамза билан танишишади. Ҳамза ёшларга ўзининг «Отинбижон», «Сайдинг қўябер сайёд», «Ҳой, ҳой отамиз!» «Ишчилар уйғон!» каби кўшиқларини ўргатади.

Ҳамза кейинчалик Андижонга келганда бу музика тўгараги қошида ҳаваскор ёшларнинг драма тўгарагини ҳам ташкил этади. Бу бирлашган музика — драма тўгараги кейинчалик «Ёшлар труппаси» номини

<sup>1</sup> Авваллари доирачилар раҳс яллсини ҳам айтиб турарди.

олади, К. Яшин ва М. Муҳамедовнинг «8 Март», «Тенг-тенги билан» ва Ғ. Зафарийнинг «Эрк болалари» каби бир-икки пардали асарларини сахнага қўяди. «Ешлар труппасининг томошалари кейинроқ ҳарбий клубга қўчирилади Раҳмонжон музика ансамбли чаладиган «Рок» «Се-гоҳ», «Дугоҳ», «Ажам», «Насрулло», «Мискин», «Қаримқулбеги», «Чор-гоҳ» сингари классики куйлар ижросига доирада жўр бўлади.

Андижон ёшлари музика тўғараги Биринчи Ўзбекистон Шўролар қурултойи кунларида берилган концертларда (1925 йил декабрь) Бу-хоро созандалари билан бирга қатнашади.

Андижон уезд — шаҳар партия комитетининг 1926 йил, 20 январь тақдирномасида Отабоевнинг 1923 — 1926 йиллар орасида «Ешлар труппаси»да актив қатнашганлиги алоҳида уқтирилади.

Раҳмонжон Отабоев кейинчалик ўзбек этнографик труппасида доирачилик қилади. 1929 йилдан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг созандалари ансамблида ишлайди. Театр билан Қозон, Боку, Москва, Ленинград шаҳарларига гастролга боради. Созанда Бокуда Булбул Мамедов, Қурбон Торчи, Шавкат Мамедовалар билан бўлган мароқли учрашувлари, «Чоргоҳ»нинг ўзбекча ва озарбайжонча машқларида ўзининг доираси билан усул бергани ва Узейр Ҳожибеконининг офаринларига сазовор бўлганини ҳали-ҳали эслаб юради.

1931 йилдан Охунбобоев номидаги Андижон область музыкали драма театрида ишлай бошлайди. «Ҳалима», «Икки бойга бир қарол», «Маликан Турондот» каби асарларда ва концерт номерларда иштирок этади. 1932 йили театр билан Москва — Ленинград гастролга боради. Р. Отабоев ўттинчи йиллар охирида катта халқ қурилишларида ўз санъати билан хизмат қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида у ўзбек санъаткорлари қатори фронт сафарларида бўлади. Полтава ёнидаги Дубровск ўрмонида берилган концерт таассуротлари, армия қўмондони Р. Я. Малиновскийнинг ўзбек санъаткорларини қабул қилиб, билдирган миннатдорчиликларини фахр билан эслаб юради.

1935 йили кўпгина ўзбек куйлари грампластинкаларга ёзиб олинди. Бу пластинкаларнинг кўпларида (етмишдан ортиқ) Отабоевнинг номи бор. 1939 йили В. А. Успенский санъатшунослик институти лабораториясида кекса санъат арбоби Шораҳим Шоумаровдан юзга яқин куй ёзиб олганда Отабоев доира усуллари билан қатнашган.

Отабоев механизатор Турсуной Охуновага бағишлаб «Терим рақси»ни сахналаштирган. Бу рақсини ҳозирда Отабоевнинг кўпгина шо-гирдлари ижро этмоқдалар. Отабоев рақс йўллари ҳақида гап кетадиган бўлса «Катта ўйин» ҳақида гапириб бу ўйиннинг кенг (катта) майдонга мўлжалланганлигини, «Занг» рақсининг эса «Рок» куйи асосида яратилганлигини ва раққосалар қўл-оёқларига майда қўнғироқлар тақиб ўйнаганлари туфайли «Занг» номи берилганини айтади.

«Гул» ўйини ҳақида гапириб Отабоев қуйидаги воқеаларни эс-лайди.

— Ҳар йили баҳор пайти Андижон яқинидаги Мирпўстин деган оромбахш жойда сайил бўларди. Бизда буни «Наврўз» ҳам дейдилар. Бу сайилда тол баргак таққан қизлар, абжир шўх йигитлар бир-бир-

ларини ўртага тортиб ўйин тушадилар, қўшиқ айтадилар. Шунда доп-  
ралар, ноғораларда ранг-баранг усуллар ижро этилади. Бинафша, лола  
очилган пайтидаги бу ўйин дастлабки баҳор гулларининг номи билан  
боғланиб «Гул ўйин» дейилса керак.

Отабоев кейинги йиллар Андижон шаҳридаги бадий ҳаваскор-  
лар тўғараги қатнашчиларига «Қатта ўйин», «Гул ўйин»ларнинг бир  
неча вариантларини ўргатди. С. Юдаковнинг «Ёшлар қўшиғи», Ф. Со-  
диқовнинг «Жаҳон бўйлаб...» каби қўшиқ ва ашулаларидан иборат  
концерт программалари тайёрлади. Ғофир Азимов, Болтабой Маҳму-  
дов, Назиржон Олимов, Болтабой Абдумажидов каби созандалар Раҳ-  
монжон Отабоевни ўзларининг устозлари деб биладилар.



## РИЗҚИ РАЖАБИЙ

Ризқи Ражабий ўзбек халқ профессионал созадларининг кекса авлодига мансуб намоёндаларидан биридир. У музика шинавандалари орасида моҳир танбурчи, ёш созандаларнинг меҳрибон устози, кўпгина ашула ва куйларнинг бастакори сифатида танилган.

Ризқи Ражабий 1887 йили Тошкентда богбон оиласида туғилган.<sup>1</sup> Отаси музикачи бўлмаса-да, ўз фарзандларининг музикага бўлган ишқибозлигини қўллаб-қувватларди.

Ёш Ризқи укаси Юнус билан тўйларда, ҳар турли маросимларда уйма-уй юрадиган сурнайчиларга, доирачиларга эргашиб, уларни томоша қилардилар.

Уша кезлари Ризқининг ўзи дўмбира ясаб олгани ва отаси сотиб келган деб берган шафтолини қамиш найга алмаштириб, укаси Юнусга олиб келгани унинг болалик чоғиданоқ музикага қаттиқ ҳавас қўйганини билдиради.

Ризқи Ражабийни ўсмирлик чоғида Ориф Заргарга шогирдликка беришади. У заргарнинг қўлида етти йил шогирдлик қилади. Ориф заргарнинг уйига ашулачилар, созандалар келиб музика ҳақида баҳслашишар, куйлар чалишар, шеърлар ўқишар, ашулалар айтишарди. Булар ҳаммаси Р. Ражабийнинг музикага бўлган ҳавасини янада оширди.

Кейинчалик ака-ука созандалар тўпланадиган чойхоналарга ҳам бориб турадиган бўлишди. Созандалар ичида Саидахмад аскиячи,

<sup>1</sup> Унинг отаси қассобчилик ҳам қиларди.

Раҳматилла танбурчи, Аҳрор танбурчи, Солихон ҳожи гижжакчи, ҳофизлардан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаровлар ҳам бор эди. Улар ўша вақтда ўзбек халқ қўшиқлари «Шароб» I ва II, «Ҳажрингда, эй ёр», «Кўча боғи» ашулаларини, «Ажам» ва «Насруллоҳий», «Сарбозча» каби куйларни ижро этишарди.

Ризқи Ражабий дутор ва танбур чалишни яхши ўрганиб олишида созанда Султонхон Ҳакимовнинг хизмати катта бўлди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Р. Ражабий бир оз вақт бухгалтерия (ҳисобчилик) курсларида ўқийди. 1918 йилда «Эски шаҳар музика техникуми» деб аталган халқ консерваториясининг танбур классига ўқийди. 1922 йили биринчи бор саҳнага қўйилган Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасида Ю. Ражабий ва И. Икромовлар билан музикачи сифатида қатнашади.

Р. Ражабий техникумни тугатгандан кейин (1923)<sup>1</sup> Юнус Ражабий (найчи) ва Имомжон Икромов (ғижжакчи) билан бирга Самарқандга ишга юборилади. Улар Самарқанднинг музика техникумида халқ чолғу асбоблари бўйича ўқитувчилик билан бирга, шаҳар театрининг миллий чолғу ансамблида ҳам ишлайдилар. Театр ўша даврда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима», «Аршин мол-олон», «Эр ва хотин» ва бошқа спектакллари саҳнага қўйганди.

Самарқандлик машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулев билан бўлган учрашувлар тошкентлик созандаларда, шу жумладан Р. Ражабийнинг созандалик фаолиятида чуқур из қолдирди.

Р. Ражабий, Имомжон Икромов ва Юнус Ражабий Ҳожи Абдулазиз Абдурасулевдан «Бузрук», «Ироқ», «Рост», «Бозургоний», «Самарқанд ушшоғи», «Гулузорим», «Бебокча» каби йирик шаклдаги куй ва ашулаларни, шунингдек, «Наво» мақомининг чолғу қисмини ўрганидилар. Ҳожи Абдулазиз юқорида айтилган ашулаларни ўзига хос услубда ижро этарди.

Р. Ражабий устози ҳақида мана бундай эслайди: «Репертуаримиздаги музика асарларини тартибга солишда Ҳожи Абдулазиз домла катта ёрдам берди. Ижро этган куйимизни диққат билан тинглагандан кейин, хатоларимизни тузатиб, усул ва авжларни қандай ишлатишни гушунтирар, ўз ёрдамини сира аямас эди».

Р. Ражабий ҳозир кексайиб қолган чоғида ҳам, ўз устозини чуқур ҳурмат билан тилга олади ва шундай ижрочилик маҳоратига эга бўлганимиз учун, аввало Ҳожи бувадан миннатдормиз, дейди.

Созанда 1927 йили Тошкентга қайтиб 1943 йилга қадар Ўзбекистон радиоси қошида ташкил топган миллий музика ансамблида ишлайди.

Р. Ражабий 1935—1936 йилларда Тошкент музика техникумида ҳамзин классига музика саводини ўрганади. Шу билан бирга, музика техникумининг танбур классига дарс беради, бадий ҳаваскорлик тўғрисида раҳбарлик қилади. Шу йиллар ичиде у танбурчи Асад Лутфуллаев, ғижжакчи Исмомил Қаландаров, Аброр Додахўжаев, Акбар Ҳайдаров, Саъдулла Абдуллаев, Карим Зокиров, Маҳмуд Юнусов, Хол-

<sup>1</sup> ЎзССР халқ маорифи комиссиясининг шаҳодатномасида қуйидагилар ёзилган: «Р. Ражабий эски шаҳар музика техникуми Узглавпрофбром томонидан белгиланган бўйича «Чолғу асбобда ўрганиш» классини тамомлади».

хўжа Тўхтасинов, Зокиржон Содиқов, Ориф Қосимов, Илҳом Тўраев каби шоғирлар тайёрлайди.

Ризқи Ражабий Ватан уруши йилларида (1943—1945) Ўзбекистон Давлат Филармониясининг ўзбек ансамблида ишлайди.<sup>1</sup>

«Кўча боғи» I, II, «Илғор» ва «Сувога», «Мушкилотги Мўғилчаи Сеғоҳ», «Муножот» I, II, III, «Гиря» I, II, «Гардуни Сеғоҳ», «Баҳор», «Фигон», «Туркча» I, II, «Уфар» I, II, ва «Усомония», «Эшвой курд» (2-варианти), «Рок» I, II, III.

Ҳамза номли санъатшунослик институти 1962 йили Р. Ражабий ижросида магнит плёнкасига кўпгина куйлар ёзиб олган. Шу билан бирга, беш йил давомида (1965—1970) Ризқи Ражабий Ориф Қосимов, Маҳмуд Юнусов ва Исҳоқ Ражабовларнинг дутор жўрлигида грампластинкага ёзиш учун юзга яқин куйлар чалиб бериб, музика бойлигимизни сақлаб қолишда катта хизмат қилди. Улар орасида катта ҳажмдаги классик музика намуналари бор. Булар созанданинг репертуари қанчалик бойлигини кўрсатиб туради. Улар ичида кўп қисмли йирик чолғу куйлари асосий ўринни эгаллайди.

Р. Ражабий репертуарида асосий ўринни кўп қисмли йирик чолғу куйлари эгаллайди:

«Мискин (5 қисми), «Чўли курд», «Насруллоҳи», «Чапандози насруллоҳи», «Насрулло» тароналари ва уфари, «Каримқулбеги» I, II, «Чўли Ироқ», «Жигарпора», «Қаландар чапандози», «Қаландар», «Савти Қаландар», «Наврўзи Ажам», «Ажам ва «Ажам тароналари», «Тановар», «Шароб» I, II, «Дугоҳ тароналари» I, II, III, «Насри Сеғоҳ» I, II, «Соқийномаи Мўғилчаи Сеғоҳ», «Уфари Сеғоҳ», «Чапандози Баёт», «Арзимий айтия» I, II, III, «Таснифи Дугоҳ», «Самон дугоҳ» ва уфари, «Шаҳноз-гулёр» (5 қисми), Мухаммаси Баёт», «Баёт» I, II, III.

Р. Ражабий «Шаҳноз-гулёр», «Баёт» каби йирик куйларни ижро этганда машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг ашула вариантларига амал қилади (Р. Ражабий ва Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов 1930 йилдан 1942 йилгача Радиокomiteтда бирга ишлашган).

Ризқи Ражабий ҳозирда ҳам телевидение ва радио концертларида иштирок этиб туради. Кўпгина машҳур созандалар каби Р. Ражабий ҳам ўзи куй, қўшиқ ва хорлар яратган. У кўпгина ашула ва куйларнинг муаллифидир. «Чапандоз (Муқимий шеъри), «Яшнасин» (Муқимий ва Фурқат шеърлари билан ҳам айтилган), «Еруғлиқ» (Муқимий шеъри), «Овораман» (Навой шеъри), «Тантана», (Ҳошимов шеъри, марш услубидаги хор), «Юриш марши» (миллий ансамбль учун), «Офтобим» (Н. Тошпўлат шеъри), «Кулиб» (Чустий шеъри), «Чақир», «Олга» (марш), «Уҳласин» (Чустий шеъри) ва бошқалар.

Ризқи Ражабий ижросидаги ҳар бир куй ўзига хос, киши қалбига яқин, нозик янграйди. Созанда ноҳуни якка, қўшалоқ, пирранг ва рез қилиб майин чертади, пардани босиб, тебратиб чалади, зарб ва нолишларни оҳангнинг мазмунига қараб беради.

Ризқи Ражабийнинг кўп йиллик ижрочилик фаолияти партия ва ҳуқуматимиз томонидан фахрий ёрлиқлар билан тасдиқланди. Унга 1940 йили Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

<sup>1</sup> Улуғ Ватан уруши йилларида радио ансамбли филармонияга қўшилган эди.

## ОДИЛБЕК РУСТАМОВ



Меҳтарлар авлодининг ҳозирда кўзга кўринган вакилларидан бири Одилбек Рустамовдир.

1895 йили Андижонда тугилган. Унинг ота-боболари ҳам меҳтар ўтган. Отаси Рустам Меҳтар (1860—1933) Юсуфали Меҳтар билан рамазон кечалари ўтказиладиган «Бозори шаб» сайилларида Андижон Жоме масжиди томида машқ қилишганда сурнай садолари бутун Андижонга эшитиларди. Баъзан Ҳожибой ноғорачи, баъзан Топилди ноғорачи кўш ноғорада Рустам Меҳтарга жўр бўлишарди.

Отаси Рустам Меҳтар сурнайда, Топилди ноғорачи рез ноғорада чалганда ўн ёшлик Одилбек ҳам дўл ноғора чалиб, отасининг ансамблига кўшилди. У дастлаб оддий зарблар чалиб, кейинчалик рез ноғорада ва кўш ноғорада «Сарбоз» каби усулларни чаладиган бўлади.

Одилбек ўн олти ёшда қўлига сурнай олади. Дам қайтарини услубини ўзлаштириб, отаси билан жўрликда чалади. Отасининг ўз устаси Ҳожимат Меҳтар билан қилган суҳбатларида қатнашиб, «Меҳтарлар рисоласи»нинг мазмунини билан танишади. Рисолага биноан маълум шаҳарлардаги сурнайчи, ноғорачи карнайчи ва донрачилардан иборат ансамбллар муайян шаҳар даҳаларида хизмат қилиш лозимлигини ҳақида гап борарди. Устозни ҳурмат қилиш, ўзини ораста, покиза тутуши ҳақида насихат қилинади. Рустамов бу рисоладаги гапларга риоя қилишга аҳд қилади ва ўз аҳдига содиқ қолади.

Одилбек Рустамов «Сурнай бузруги» сингари мураккаб йўллارни ўргана бошлайди, қайси кўнинг қандай вақтларда ижро этилишини билдириб олади. Масалан, «Найзонгул» йўлга чиқишда ва қайтишда чалинса,

«Кўча боғи» сайил бошланishi олдидан чалинади. Сайилгоҳларда жой тайёрланиб, палослар ёзилаётганда «Кўча боғи» чалинса одамлар тўп-лаша бошларди. Сайил «Шодиёна» садолари остида бошланади. «Чала Ушшоқ», «Вой жоним» кетнад чалинадиган «Уфари Ироқ» йўллари ҳам сайил таптаналарига ҳусн қўшарди. «Сувора» «Чапандоз», «Сар-бозча» куйлари ҳарбий юриш пайтларини ифодалайди. «Қўрчоқ уфолари» билан «Дучава»лар кўпинча тўйларда чалинарди.

Одилбек Рустамов «Сурнай навоси»дан олдин чалинадиган олтига куйдан кейин «Баёт яккахонлиги», «Харобат», Садр», «Уфар», «Дуча-ва», «Чарх», «Ҳаққоний» йўллари сурнайда ногора усуллари билан бирга ўрганиб олганидан кейин «Уфар»лар билан «Гул ўйин» каби йўл-ларнинг рақс ҳаракатларини отасининг машғулотлари пайтида ўзлаш-тиради.

Сурнайчиликда «замзама»нинг аҳамияти катта.<sup>1</sup> Меҳтарлар куйин ўргатаётганларида аввал ўзлари, кейин шоғирд замзама қилади. Шо-ғирд куйин мукамал ўзлаштиргандан кейин ўзи чалаверади. Устозлар баъзи ашула йўллари сурнайда чалинадиган бўлса, ашула айтиб ҳам ўргата берадилар. Шоғирдларга «Найзонгул», «Усмоनिया», «Адойи», «Мискин», «Мушкилот» йўллари, булардан кейин «Чарх» куйлари би-лан «Бепарво фалак» ўргатилади.

Сурнайчи шоғирд замзамадан бевосита сурнай чалишга ўтганда, унинг «най пачоқ», «нилчўп» ва «пешдам» каби товуш ҳосил қилинади-ган қисмларини ўрнатиб бўлгач, мезроб қилади, яъни созлайди. Мез-роб қилганда кўпинча маълум товушқаторлар чалиниб, сурнайнинг юқо-ри пардаларидан паства томон ҳаракат қилинади. О. Рустамов мезроб қилишни ёшлигидаёқ ўрганиб олган эди.

Одилбек Рустамов 1910 йилдан 1927 йилгача отасига гоҳ ногорада, гоҳ сурнайда жўр бўлади. 1927 йилдан бошлаб Охунбобоев номли Андижон область музикали драма театрида, 1939 — 1945 йиллар давоми-да эса Андижон шаҳар маданият ва истироҳат боғида сурнайчи бўлиб ишлайди, каналлар ва сув омборлари қурилишида хизмат қилади. 1945 йил ва ундан кейин областнинг Пахтаобод районидаги Куйбишев ва Охунбобоев номли колхозларда, Андижон атрофидаги колхоз далалари-да берилган концертларда қатнашади. Одилбек ака колхозчилар ҳузури-да «Яланг даврон», «Гиря», «Афғонча», «Мастона», «Арабий», «Чарх» ва унинг «Дучава»си, «Абдурахмонбеги» ва «Каримқулбеги», «Адойи», «Йигитлар Ушшоғи» куйларини чалади.

У ижро этган куйларидан элликтаси 1936 йилда Ўзбекистон радио-сида магнитофон ленталарига ёзиб олинган эди. 1961 йилда Юнус Ра-жабий ундан йигирмадан ортиқ куйни нотага ёзиб олган. 1963 йилда Ҳамза номли Санъатшунослик институтида Одилбек Рустамов ижроси-да уч хил «Сарбоз», «Гул ўйин», «Қўрчоқ уфарлари» (Дучавалари билан), «Сурнай Баёти» («Садри», «Уфари», «Харобат»лари билан), «Мискин» («Садри», «Вой жоним»лари билан) ёзиб олинган эди.

<sup>1</sup> «Замзама» арабчада гингиллаб овоз чиқариш, хиргойи қилиш, куйларни қочир-иш ва солишлар билан ижро этиш маъноларини билдиради. Бу ерда шоғирдга сур-найни позик чалишни ўргатиш кўзда тутилади. (И. Р.).

Одилбек Рустамов Москвада ўтказилган биринчи ва иккинчи ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаларида қатнашган. Медаллар ва Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

У ўзбек халқ музыка анъаналарини сақлаб келаётган, халқ музыка меросини ёш авлодга меҳр-муҳаббат билан ўтказаётган устозлардан биридир.



## ЖЎРАБЕК САЙДАЛИЕВ

Жўрабек Сайдалиев таниқли ўзбек халқ созандалиридан биридир. У 1905 йили Тошкентда тугилган. Отаси Сайдали Юсуфбеков ўзбек ва форс классик адабиётидан хабардор, ўқимишли одам эди. Узи яхши кўрган асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилар, таибур ва дуторни ҳам яхшигина чаларди. Лекин унинг асосий касби кавушдўзлик, маҳсидўзлик эди. Бўш вақтлари дутор, таибур чалиб ўтирарди. Жўрабек музикани дастлаб отаси ижросида эшитида ва сениб қолади. Ун бир ёшда отаси унинг қўлига дуторни тутқазиб, халқ куйларидан «Қаландарий»ни чалиб кўрсатади ва «Роҳат» машини ўргатади.

Сайдалиев ёшлик чоғларида тошкентлик Саидахмад Аския, Валихон, Шораҳматбек сингари созандалар ижросини кўп кўрган ва эшитганди. У вақтларда созандаларнинг йигиладиган жойи асосан чойхоналар эди. Кўпчилик оқшомлари чойхоналарга йнғиларди. Жўрабек ҳам яхши машқларни чойхоналарда эшитганди. Яминбек таибурчи (машҳур таибурчи Султонхон Ҳакимовнинг шогирди), Уста Абдумалик дуторчи, Усмон Шокиров (таибурчи) каби созандалар шулар жумласидандир. Соз чалишга қаттиқ қизиққан Жўрабек чойхонанинг бир бурчагида куйларга жим қуроқ солиб ўтирар, уйига келиб дуторда бутун эшитганларини қайтадан чалиб кўрарди. Унинг соз машгулоти шу тақлидда давом этарди.

Ҳамза номли театрнинг кўпгина созанда ва актёрлари Жўрабекнинг музика қобилиятини яхши билишарди, улар 1931 йили Жўрабекнинг театрнинг филиали ҳисобланган Ишчи ёшлар театрига таклиф қилади-

лар. Театрнинг музика раҳбари Гудом Мирзаев Жўрабек маҳоратига алоҳида эътибор билан қарайди.

Уша йиллари театр Уйгур режиссёрлигида «Фарҳод ва Ширин»; «Ҳалима» асарлари устида ишлаётганди. Сайдалиевнинг эслашича, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабий спектаклга музикалар басталашарди.

1936 йили Жўрабек Сайдалиев Сурхондарё область музикали драма театрига ишга юборилади. Бу театрда у «Фарҳод ва Ширин», «Ҳалима», «Гулсара», «Тоғ қизи», «Гунчалар» каби асарларни музикалаштиришга раҳбарлик қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Сайдалиев Ўзбекистон Давлат Филармонияси ҳузуридаги халқ чолғу ансамблида ишлайди, шундан кейин 1949 йилгача Навоий номидаги ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театрида танбурчи бўлиб ишлайди. 1949 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида ишлади. Бу ерда у композитор Фафур Қодиров раҳбарлигида нота саводини ўрганади. «Нотани билиш,— дейди Сайдалиев,— янги асарларни тез ва осон ўрганишга ёрдам беради. Биз созандалар илгари битта қўшиқни эшитиб ўрганиш учун анча вақт сарфлар эдик. Энди бўлса бир-икки марта репетиция қилсак, ҳар биримиз ўз партиямизни билиб оламиз».

Жўрабек Сайдалиевнинг репертуарида юқорида айтилган спектаклларнинг музикаси билан бирга, композитор ва бастакорларнинг ижро этадиган оркестр асарлари, халқ куйлари ва ўзининг яқка танбурга хос куйлари бор. «Чоргоҳ машқи», «Сурнай навоси», «Пайров асар», «Дил куйи», «Эшвой», «Баёт» I, II, III, IV, V, «Дугоҳ Ҳусайн»; «Гулёр-Шаҳноз», «Чўли Ироқ», «Мухаммаси Ушшоқ», «Чоргоҳ» I II III IV V, «Ироқ» (чолғу йўли), «Илғор», «Эшвойи курд», «Кўча боғи», «Рақ марши» (ўзи басталаган) кабилар шулар жумласидан.

Жўрабек Сайдалиев 1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадасида қатнашган.

Сайдалиев ўзбек халқ созандаларига хос энг яхши анъаналарни давом эттирувчилардан биридир. Унинг ижрочилик санъатига хос хислатлари ҳақида композитор Допп Зокиров мана бундай дейди: «Ўзбек халқ созандалари орасида у яхши танбурчилардан бири ҳисобланади. Жўрабек ака нозик қочиримлар ва таъсирли нолалар билан чалиб, ўзининг машқига алоҳида гўзаллик беради».

Жўрабек Сайдалиевнинг музика санъати соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун унга 1952 йили Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони берилди, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Жўрабек Сайдалиев ўзбек халқ куйларини пухта билиши ва яхши ижроси билан ўзбек халқ профессионал музика санъати намояндalарини алоҳида ўрини эгаллайди.



**СОБИРЖОН  
СИДДИҚОВ**  
(1900—1961)

Собиржон Сиддиқов Андижонда этикдўз-косиб оиласида дунёга келган. Отаси торғина устахонасида этик тикиб ўтириб, ашула айтар, дутор чалиб куйларни хиргойи қиларди. Кичкина Собиржон бўлса отасининг ёнида унинг қўшиқларига қулоқ солиб ип пишитиб ўтирарди, баъзан жимит қўллари билан отасининг дуторини оларди-да, отаси чалган куйларини қайтаришга ҳаракат қиларди. Отаси ҳам ёлғиз ўғлини ранжитмасди: унга кичкина дутор олиб бериб куй чалишни ўргатди. Собиржон ўн ёшга етганида отаси вафот этади. Икки йилдан кейин онаси бошқа эрга тегади ва Собиржоннинг музыкага ишқибозлигини назарга олиб, Еқубжон чангчига шогирдликка беради.

Қадимда ҳунар ўрганиш қанчалик қийин бўлганлиги маълум. Уғлини бирор ҳунарга ўргатмоқчи бўлган ота-она уни устага топшираётиб: «Эти сизники, суюя бизники» деб бутун оғирликни ўз устига оларди. Шогирд бўлса устага қул каби хизмат қиларди, қисқаси, «сув келса, шимиради, тош келса, кемиради».

Собиржон устози Еқубжон чангчидан бир неча йил давомида «Тўрғай», «Ташовар», «Муножат» куйларини ўрганиб олади. Бу куйларни дуторда якка чалишдан ташқари, устозига ҳам жўрнавоз бўлади. Куйларининг бирида у Андижоннинг Чорсу чойхонасида Еқубжон чангчи билан Мўминжон Жабборов иккаласини камон тортишини кўриб, қаттиқ таъсирланади. Мўминжоннинг гижжакни сошлаб, мезроб қилганини эшитганда Собиржоннинг этлари жимирлаб кетади. «Дугоҳ Хўсайн»ни якка гижжакда чалганини эшитганда эса, маҳдиё бўлиб, Мўминжоннинг ёнидан кетолмай қолади.

Мўминжон жилмайиб ғижжагини Собиржонга узатади. Собиржон ғижжакни олади-да, торларга ёпишган конифоль чанг гардларини арта бошлайди.

— Собиржон укам, буни артиб овора бўлма! Бу чанг эмас, конифоль гардлари, шунини сурмаса ғижжакдан товуш чиқмайди,— деб тушинтиради Мўминжон.

Мўмин Камоннинг ширин сўзи ҳам, ёқимли сози ҳам Собиржоннинг меҳрини ўзига тортарди. Шундан кейин Собиржон Мўмин Камонга шогирд тушади. Отасининг қосиб дўсти Қодирохундан эса, шу йиллар ичида этикдўзлик ҳунарини ўрганиб олади. Собиржон музика машғулотини этикдўзлик билан бирга олиб боради. Мўмин Камондан ғижжак чалишнинг ўзига хос нозик жиҳатларини ўрганди. Айниқса, камоннинг силлиқ тортилишига диққат қилади. Устаси унга дангал: «Камоннинг бориб-келиши сезилмасин!» деб тайинлайди. Мўмин Камон шогирди Собиржоннинг қўлига ғижжагини бериб, ўзи танбурда чалади. Музикали йиғинларга уни ўзи билан бирга олиб юради.

Собиржон «Сарпада»ни ўрганиб олиб, «Мушкилот», «Қурд» каби куйларни ғижжакда чалганда, устози ундай жуда мамнуи бўлади. 1925 йили устози Мўминжон вафот этгач, Собиржон устозининг дўстлари, музика шинавандалари йиғиладиган чойхоналарда бўлиб, севган ишини давом эттиради.

1927 йилдан Охунбобоев номидаги Андижон музикали драма театрида ишлайди. Муҳиддин Ҳожи, Тўхтасин Жалилов, Рустам Меҳтар каби атоқли устозлар билан яқинлашади, улардан халқ музика бойлигини ўрганади.

1930 йили саҳнага қўйишга тайёрланаётган «Фарҳод ва Ширин», «Ҳалима», «Қизил аскар», «Ревизор», «Икки коммунист» спектаклларига музика басталашда иштирок этади. Театр 1930 йил охирида Тошкентга келиб, гастроль томошалар беради. Гастроль тугагач, танбурчи Муҳиддин Ҳожи Нажмиддинов, чангчи Комилжон Жабборов, найчи Комилжон Иброҳимов, доирачи Раҳмон Отабоевлар билан бирга Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида ишлайди. Театрнинг Қозон, Москва, Ленинград шаҳарларида кўрсатган гастроль томошарида иштирок этади.

О. Сиддиқов 1932—1938 йиллар ичида ўзбек музика театрида ишлайди.

1938 йилдан Фарғона область Избоскан районидаги интернатда музика муаллими бўлиб ишлайди. Районнинг Гуркиров, Юқори Чурама, Мадраса ва бошқа қишлоқларидан йиғилган Давронбек, Ҳайдарали, Тўрабой, Исҳоқжон, Ғани Бўрон, Мўминжон, Муродхон, Жўрабой, Араббой каби йигитлар ундан таълим олишади. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги созандалар ҳисобланади. Тошкентлик Собиржон ғижжакчи ҳам, Комилжон Жабборов ҳам Собиржон Сиддиқовнинг шогирдларидан.

Собиржон Сиддиқов 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати декадасида иштирок этади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланади. Катта Фарғона, Жанубий ва Шимолий Фарғона каналлари қурилишида хизмат қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Янгийул театрида ишлайди. Жисмоний заифлик, ҳаддан ташқари таъсирчанлик Собиржон Сиддиқов ҳаётининг сўнгги йилларида қаттиқ сезилади: эллик бир ёшида қулоғи эшитмайдиган, қўли титрайдиган бўлиб қолади. Натижада у камон тортолмай қолади. Фикри-зикри ёлғиз музика бўлган туғма созанда учун бу оғир мусибат эди.

У 1961 йили вафот этди.

**ОРИФ  
ГАРМОНЬ  
ТОШМАТОВ**  
(1891—1944)



Актив жамоатчи, қизиқчи, созанда ва хонанда Ориф Гармонь Тошматов ўзбек чолғу асбоблари ансамблига гармонни олиб кирган созандалардан биридир.

Ориф Тошматов Андижонда туғилган. Отаси Тошмат Оқсоқол XIX асрнинг ўрталарида Фарғона водийсидаги кўпгина сайилларни бошқарар, жамоат йигинларини уюштирар ва ўзи қўшиқ айтиб, дутор чалиб, қизиқчилик қиларди. Шунинг учун ҳам у Фарғона водийсида Тошмат Ҳофиз ва Тошмат Оқсоқол номлари билан машҳур бўлган. У ўгли Орифжонни кўпинча ўзи билан бирга олиб юрарди. Шунинг учун ҳам отасининг ташкилотчилик хусусиятлари ёш Орифжонга ўтди. Ун ёшлик Орифжон рақс куйларини дуторда чалиб одамларни ҳайратда қолдирарди. Қўшиқ айтишни ва ўйинга тушишни отасидан ўрганган ва ўз навбатида бошқаларга ҳам ўргатган.

Шинавандалар, Орифжон Тошматовни созандалар ансамблида гоҳ дутор, гоҳ гармонь чалиб ўтирган ҳолда кўрардилар. Орифжон Ўзбек халқ куйлари ва «Абдурахмонбеги», «Насруллоий», «Ажам» сингари классик куйларни гармонда ҳам усталик билан чаларди. У халқ куйларини дуторда қандай нафис чалса, гармонда ҳам шундай поэтик ижро этарди.

Машҳур найчи Абдуқодир Исмоилов Тошматов ҳақида шундай деган эди: «Орифжон Ушда бўладиган сайилларда ҳам қатнашиб турарди. Ёзининг иссиқ куйларида Уш (Оқ бура) дарёсининг бўйидаги салқин чойхоналарда у кўп машқ қиларди. Сув тогдан шарқираб келиб, тошларни ағдариб-тўнтариб оқадиган сершабада сой бўйида машқ қилган

пнда, ҳазин товушли дутордан кўра ёрқин товушли гармони анча қўл келарди». Гражданлар уруши даврида агитбригадаларда хизмат қилади. У қизиқ-қизиқ хангомалардан гапириб томошабинларнинг ҳордигини чиқарар, ўзбек халқ қўшиқларини ижро этар, гармонда куйлар чалиб берарди. Орифжон Тошматов «Қичқир жўралар», «Тановар», «Зулм айламанглар» сингари ўзбек халқ куйларидан ташқари, «На сопках Манчжурии», «Краковяк», «Полька» рақсларини, «Сяду на подушку...», «Тоска по родине» каби халқ қўшиқларини жўшқинлик билан ижро этарди.

Агитбригада вагонларида ва Андижондаги йиғинларда Орифжон аканинг машқини эшитган кишилар унинг гармонидоги кичкина қўнғироқчасини унутмайдилар. Машқ тамом бўлганда у хотима аккорди ўрнида гармонь қўнғирогини чалади. Шинавандалар қўнғироқ товушидан кейин уш олқишарди, «Барака топинг, Орифжон ака!» деб қўйишарди. Баъзан машқ ўртасида ҳам қўнғироқ чалиниб қоларди. Музикага кескин контраст берадиган бу қўнғироқнинг маъносини хотима қўнғироқдан бошқачароқ бўларди: машқни ҳамма диққат-эътибор билан эшитиб турганда, бир-иккита одам ўзаро шивирлаб қолишса, гармоннинг аччиги келарди-да, қўнғироқ чалиниб кетарди, машқ ўртасида сазин унутиб, шахсий гапга ўтганларни бундай «серзарда» қўнғироқ огоҳлантириб қўярди ва шивирлашаётган кишилар қўнғироқ товушини эшитишлари билан дарров ўзларига келардилар.

У тарқоқ ҳолда иш кўрувчи санъаткорларни уюштириш ишига катта ҳисса қўнди. Андижонда «Санои нафиса» союзини тузади, Муҳиддин Ҳожи Нажмиддинов, Тўхтасин Жалилов, Ёқубжон чанғичи, Собиржон Сиддиқов, Эргаш Раҳимов, Зокир Исмоилов, Давлат Ҳайитохун сингари машҳур созандаларни, Комилжон Жабборов, Лутфиллахон Хўжаев, Раҳмон Отабоев, Ғанижон Тошматов, Исҳоқ Қори, Саломиддин Ҳожи каби ҳаваскор ёшларни тўплайди. Уша вақтдаги шаҳар ёшлари комитетининг котиби Сотқин Бадалбоев ва ёзувчи Валидовлар билан ҳамкорликда Андижонда ҳаваскорлар театрини уюштиради. Кейин бу театр Охунбобоев номидаги Андижон область музыкали драма театрига қўшилади.

Орифжон Тошматов хушчақчақ, серзавқ одамлигидан ташқари, яхши ўртоқ, маслаҳатгўй дўст ҳам эди. Тўхтасин Жалилов сингари тажрибали санъаткорлар ҳам баъзи ишларда Орифжон акадан маслаҳат оларди. Андижон шаҳридаги Марказий маданий истироҳат боғи ташкил топишида О. Тошматов зўр ташаббус кўрсатган.

Орифжон Тошматов сингари санъаткорларнинг ҳаёти эрта-кеч халққа хизмат қилиш билан ўтган. У сайилларда, халқ театрларида хизмат қилишдан ташқари, Охунбобоев номидаги Андижон музыкали драма театрида, Асака шаҳар район театрида, Уйгур музыкали драма театрида ишлаган. 1923 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган Биринчи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашган. 1925 йилда Фарғона созандалари билан бирга Бокуга бориб, ўзбек халқ музыкаси намуналарини гармонда зўр маҳорат билан ижро этган ва Озарбайжон шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлган. Шавкатхоним, Узеир Ҳожибеков ва Қурбон горчилар унга офаринлар айтишган. В. А. Успенс-

кий 1931 йилги Фарғона экспедицияси вақтида О. Тошматовдан кўпгина халқ кўшиқларини ёзиб олган ва «Фарҳод ва Ширин» музыкали драма-сида булардан фойдаланган («Баёнчи кўшиғи»).

О. Тошматов 1937 йили Москвада бўлган биринчи ўзбек санъати ўн кунлигида иштирок этган. 30-йиллардаги кўпгина халқ қурилишлари-да ўз санъати билан хизмат қилган.

Ўзбекистон ҳукумати 1940 йили Орифжон Тошматовнинг музика соҳасидаги хизматини тақдирлаб, унга Ўзбекистон ССР халқ артисти деган фахрий унвони берганди.



## ХАЙРУЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВ

(1894—1970)

Хайрулла Убайдуллаев музика маданиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган соҳадалардан бири.

Хайрулла Убайдуллаев Тошкентда бўзчи-қосиб оиласида туғилган. Отаси ёзда богдорчилик билан ҳам шуғулланарди. Шунда ҳам оила ночор бир аҳволда яшарди. Болалиқнинг гаштини суролмаган Хайрулла етти ёшдан оқ рўзгорга қарашинш учун бойларга хизматкорлик қиларди.

У акалари Нурилла сурнайчи ва Саъдулла қўшнайчилар ёрдамида соҳадалиқни ўрганарди. Дастлаб сибизга чалиб акаларига эргашарди. Ун ёшдан Тошканбой Ҳожини Муҳаммад сурнайчига шогирдлик қиларди. «Устозим қаттиқ қўл, талабчан одам эди, — деб ҳикоя қиларди Хайрулла Убайдуллаев, — ўзининг бу фазилатини биз шогирдларига ҳам сингирган эди».

Тошканбой Ҳожини вафот этгач, Хайрулла заргарга шогирдлик қиларди, бўш вақтларида сурнай чалиб, «чойчақа» топиб юрарди.

1911 йили тошкентлик машҳур соҳадалардан иборат «соҳадалар дастаси» ташкил топади; «дастага» сурнайчи Мирза Соли, Мирза Риза, погорачи-меҳтар Рўзибой Саримсоқ, Нурилла ва Саъдулла Убайдуллаевлар ҳам аъзо бўлишарди. Улар ҳар хил тўй-томошаларда хизмат қилишарди, дорбоз ва қўғирчоқбозларнинг ўйинларида иштирок этишарди.

«Қадимда Тошкент шаҳри Себзор, Шайхантоҳур, Кўкча, Бешёғоч каби даҳаларга бўлинган эди», — деб ҳикоя қилган эди Хайрулла Убай-

лаев, — ҳар бир даҳанинг ўз созандалари бўлиб, улар ўз даҳаларини ташқарига чиқолмасдилар.<sup>1</sup>

Созандалар маросимларга мос куйлар ижро этишарди. Аввало «Шона» сингари тантанавор, улуғвор куйлар чалинарди. Битта «Шодиёнинг ўзи ўн саккиз хил оҳангдаги куйларни ўз ичига оларди. «Шона» кетидан «Наво», «Савти Наво» (сурнай йўллари) чалинарди. одиёна» қувноқ «Чарх» куйи билан яқунланарди. Шинавандаларнинг акларига кўра, «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Баёт», «Эшвой» каби най йўллари ҳам янграрди.

Сурнайчи, карнайчи, ноғорачилар турли-туман маросимларга қатнашардилар. Масалан, Хайрулла Убайдуллаев 1912—1916 йилларда шкент циркида сурнайчилик қилган. Циркда уйғурча, русча «Тоска родине», «На сопках Манчжурии» каби ҳар хил куйлар ижро этили.

1916 йилда Х. Убайдуллаев ҳам кўпчилик камбағаллар қатори маркорликка олиниб, Нижний Новгород шаҳрига жўнатилади. У ерда ишаҳарлари билан ўқ-дори заводиди ишлайди. «Тошкент билан Нижний Новгород орасидаги узоқ, зерикарли поезд йўлларида сурнай жуда берганди,— деб ҳикоя қилган эди Хайрулла Убайдуллаев,— сурнай лииса одамлар ўйинга тушар, қўшиқ айтиб овунишар эди».

Х. Убайдуллаев Нижний Новгороддан қайтиб келгач, 1918 йили анон нафиса» жамиятига («Рабис») аъзо бўлади. Союз жамияти бошмасига сайланади. 1925 йили жамият Президиуми аъзоллигига сайнади ва «Санон нафиса» жамияти эски шаҳар бўлими бўйича меҳнат-мудофаа қилиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлайди.

1927 йилда Ўзбекистон радиоси қошида ўзбек халқ чолғу ансамбли шкил топади. Х. Убайдуллаев шу ансамблда ишлайди. Ансамблга нус Ражабий раҳбарлик қиларди. Ун саккиз кишидан иборат ансамбл-хонандалар ҳам бор эди Убайдуллаев ансамблда қўшнай чалади.

Хайрулла Убайдуллаев 30-йилда Ҳамза театрида ишлайди ва театр лективи билан СССР халқлари санъати олимпиадасида қатнашади. 31 йилдан Давлат музика театрида (Ҳозирги Навоий номли Ўзбек эвлат академик Катта театри) созанда, кейинчалик театрининг музика ҳбари бўлиб ишлайди. Шу йиллар театр сахнасида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол-олон», «Резаворч», «Ичкари», «Богбон қиз» каби асарлар қўйиларди. «Фарҳод ва Ширин»нинг зикасини яратишда В. А. Успенскийга ёрдамлашади. Есуманнинг йи— оҳангини Х. Убайдуллаев басталайди.

Ўзбек театрига дирижёр кириб келишидан олдин бу вазифани уста зандалардан бири бажарарди. У созанда-хонандаларга камонча ёки йни силкитиб имо-ишора қиларди. Ноғорачи, сурнайчи, карнайчилар асида эса ансамбли ноғорачи бошқариб борар ва у меҳтар-бошлиқ :б аталарди. Х. Убайдуллаев, меҳтарликни қўл ишораси билан бажарди.

<sup>1</sup> Бу қонун махсус ёзма рисолада ақс этган бўлиб, созандалар ишнини тартибга лиши мақсадида амалга оширилган «дастуриламал» эди Х. Убайдуллаев Кўча да- исига хизмат қиларди.

---

1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ўн кунлигидан қайтгач, Х. Убайдуллаев Ўзбекистон радиоси халқ чолғу асбоблари ансамблида қўшнайчи бўлиб ишлайди. 1944 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё республикалари музика декадасида қатнашади. У 1951 ва 1959 йиллари Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаларида ҳам қатнашган.

Хайрулла Убайдуллаев ижрочилик билан бирга, кўп йиллар давомида Ҳамза номидаги музика билим юртида ёшларга музика ўргатиш ишини ҳам олиб борди.

Х. Убайдуллаевнинг ўзбек музика маданияти соҳасидаги кўп йиллик меҳнати кўпгина фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирланган.

Хайрулла Убайдуллаев 1970 йили Тошкентда вафот этди.

**ҚОРИ  
СИРОЖ  
ЮСУПОВ**  
(1900—1965)



Қори Сирож Юсупов ўзбек ва тожик халқ музикасининг бой ижролик традицияларини давом эттириб, ўнлаб чолғучи-ашулачиларни тарбиялаб воёга сўказган халқ созандаларидандир.

Қори Сирож Самарқандда туғилган. Унинг машҳур хонанда, созанда ва бастакор Ҳожи Абдулазиз каби устозлар ватани — Самарқанд музикавий муҳитида тарбияланиши келгусида маҳоратли созанда бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Созанданинг ота-боболари дегрез (қозон қуювчи) усталардан эди. Улар музика ихлосманди эдилар. Унинг бобоси Хушқомил ва акаси уста Луқим мақомдонлардан эди. Улар дутор, танбур чалишиб, халқ қўшиқлари ва мақомлардан парчалар айтишарди.

Қори Сирожнинг бобоси Хушқомил машҳур танбурчи Ҳожи Раҳим-иерди билан жўрнавоз бўлиб танбур чалган. Ҳожи Абдулазиз мана шу Ҳожи Раҳимбердиннинг шогирди эди. Қори Сирожнинг моҳир созанда бўлиб етишувида уларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Қори Сирож ўн бир ёшга тўлганда эски мактабга беришади. У ерда ч йил ўқиб-қуръонни ёддан билувчи «қори» бўлиб чиқади. Шундан бошлаб исмининг ёнига «қори» сўзи қўшилади. Қори Сирож мактаб йилларини ва музикага қизиқиш сабабини қуйидагича эслайди: «Биз йигирла-ўттиз нафар қори болалар йнғилишиб «гаштак» ўтказадиган бўлдик. Аммо болаларнинг кўпчилиги музика билан ишлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам дастлабки тўрт-беш йнғинимиз зерикарли ўтди, ўтиришда на овоз чалинар ва на ашула айтилар эди. Кейинги йнғинга чолғувчи ва ашулачи топиб келдик. Аммо бу ҳам бизни қаноатлантирмади. Кейинги

сафарги йигинимизга дуторчи кавушдўз Раҳматхўжа эшонни таклиф қилиб борганимизда у «Э, ўша қори болаларингнинг даврасида музикага ким ҳам тушинарди», деб келмади.

Шундан кейин Қори Сирож музика ўрганишга астойдил бел боғлади. Уш уч ёшдан бошлаб Муҳиддин акадан дутор чалишни ўргана бошлайди. Ундан «Гардуни Согоҳ», «Мухаммаси баёт», «Гирёни қозоқ» каби куйларни ўрганади. Норқул аканинг чойхонасига бориб устоз Ҳожи Абдулазизнинг ашулаларини эшитади, унга шогирд тушади.

Қори Сирожнинг кўчада дутор кўтариб юрганини кўрган бойлар: «Ахир, сиздай қорига дутор кўтариб юриш уят эмасми?» — деб таъна ҳам қилишарди. Шу гаплардан кейин ёш созанда музика асбобини яшириб юрадиган бўлади. Ҳожи Абдулазиз Қори Сирожга дастлаб «Сарпарда», «Синаҳирож», «Соқийшома» куйларини ўргатади, умрининг охиригача ўзи билан тўй-томошаларга олиб юради. Қори Сирож ўз устози йўлдан бориб, ундан музика асарларини қунт билан ўрганади, ўз навбатида шогирдларига ўргатади.

Созанданинг ижрочлик фаолияти 20-йиллардан бошланди. Уша вақтда Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида, шу жумладан Самарқандда ҳам ҳаваскор музика тўгараклари ташкил этила бошлайди. У Қўшқоровда очилган хотин-қизлар клубидаги ҳаваскор қизлар тўгарига раҳбарлик қилади, кўшиқ ва рақслар ўргатади. 1925 йилда Ҳожи Абдулазиз бошчилигида тuzилган концерт бригадаси билан Самарқанд ва Бухоро областининг турли район ва қишлоқларида концертларда қатнашади. Бригада билан Хатирчи, Ғиждувон, Қармана, Бухоро, Қарки ва бошқа районларда бўлади. Концерт репертуарида «Сайра», «Онажон», «Гулёр» каби Ҳамза басталаган қўшиқлар ҳам бор эди.

Йигирманчи йиллар охирида хотин-қизларнинг паранжи ташлаш муносабати билан ўтказилган ҳар хил йигинларда иштирок этади, концертларда қатнашади. Сибё районидаги 12 сонли билим юртида, бинокорлар союзида, темирўйчилар клубида музика тўгараклари ташкил қилади. 1928 йилда Самарқанддаги ўзбек музикаси ва хореографияси институтида ўқийди.

1930 йилда Самарқанд педагогика билим юртида музика тўгараги ташкил этишда қатнашади. 1931 йилда Тожикистон санъатчиларининг биринчи слётида қатнашади. Қори Сирож «Музика тўгаракларини ташкил қилганлиги ва яхши йўлга қўйилганлиги учун» 1930 йилда «Зарбдор» деган фахрли унвонга эга бўлди.

1937—1957 йиллар мобайнида Самарқанд область музикали драма ва комедия театрида дуторчи бўлиб ишлади. Шу вақт ичида Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида, Ватан уруши йилларида эса, ҳарбий госпиталларда, сайлов участкаларида театр созандалари, ашулачилари билан биргаликда берилган концертларда қатнашади.

Қори Сирожнинг репертуарида Ҳожи Абдулазиз қайта басталаган «Гулузорим», «Бозургоний», «Самарқанд Ушшоғи», «Адойи», «Мустаҳзод», «Ажам», «Бебокча» каби ашулалар катта ўрин эгаллаган.

Қори Сирож Юсупов машҳур мақомдонлар Ота Жалол, Ҳожи Абдурахмон, Домла Халимлардан Бухоро Шашмақоми йўлларини, Абдуқодир Исмоиловдан эса Фарғона йўлларини, Матюсуф Ҳарратовдан Хоразм куй ва ашула йўлларини ўрганди ва ўз шогирдларига ўргатди. Музика соҳасидаги хизматлари учун Қори Сирож 1956 йилда ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

У 1965 йили Самарқандда вафот этди.



## АЙЮБ ҚОДИРОВ

Айюб Қодиров атоқли ўзбек халқ созандалари Абдуқодир Исмоилов ва Саиджон Қалонов сингари пайчилар санъатининг давомчисидир. Айюб Қодиров 1918 йили Бухоро шаҳрида ўқитувчи ояласида дунёга келди. Гудаклик чоғида отаси вафот этиб, онасининг қўлида қолди.

Айюбжон бошланғич мактабда ўқиб юрган пайтлари қўшиниси Абдусаматнинг най чалишига, унинг Бухоро шаҳар музика мактабида ўқишига ҳаваси келиб юрарди. Уша вақтларда Бухоро Шарқ музикаси техникуми музикага хоҳиши бўлган ёшларни имтиҳонсиз қабул қилса-да, ҳаддан ташқари озгин бўлганлиги учун уни «най пуфлашга чидамайсан», деб қабул қилмайди. Айюбжон ўз сўзида қаттиқ туриб олади ва мақсадига эришади: У ўн ёшида (1928) Бухоро Шарқ музикаси техникумининг талабаси бўлади.

Бу техникумда Маъруфжон Тошпўлатов, Остонақул Нуржонов, Уста Тоҳир сингари тажрибакор созандалар таълим беришарди. Уста Тоҳир най, рубоб сингари чолғу асбоблар ясаш билан ҳам танилган эди. Аҳмаджон Ихтиёров нота саводидан дарс берарди. Айюбжон бир қатор халқ куйларини ўрганиб олгач ёш созандалар қаторига қўшилади. Улар Қизил чойхоналарда ташвиқот бригадалари билан концертлар беришарди.

Орадан кўп ўтмай Айюбжоннинг онаси ҳам вафот этади. «Гул етимилик» кетидан «шум етимилик» қисматига учраган Айюбжон бутун ғам-андухини музика билан енгади. Эрта-кеч музика билан машғул бўлади.

Айюб Қодиров 1907 йили Бухоро вилоятида туғилган. У шу ерда най синфи бўйича ўқитувчилик қилади, бундан ташқари ёш гомошабинлар театрининг музика раҳбари бўлиб ҳам ишлайди.

1936 йили Қодиров ҳаётида муҳим воқеа содир бўлади. У ўн тўрт нафар ёш созандалар билан бирга Тошкентга келади. Мухтор Ашрафий бошчилигидаги комиссия уларни Ўзбекистон Давлат Филармонияси ҳузурдаги халқ чолғу асбоблари ансамблига тавсия қилади. Бу ансамбль 1937 йили Москвада ўтказиладиган ўзбек санъати ўн кунлигига тайёргарлик муносабати билан ташкил этилган эди. Бухородан келган ёшлар орасида Тавур Жумаев, Саид Алиев, Эргаш Шукруллаев, Хайри Изомов, Иброҳим Ҳамроев каби ёшлар бор эди. Юз кишидан иборат бўлган бу оркестрни Тўхтасин Жалилов бошқарарди, республикамизнинг кўзга кўринган созандалари шу ерга йиғилганди.

Бу катта ансамблда Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Беркилбой Файзиев, Уста Олим Қомиллов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрқодиров каби атоқли устозлар бор эди. Айюбжон ўн кунликнинг «Сайил ва кэлхоз тўйи» томошасида қатнашиб, Бойвачча родини ижро этган эди.

Айюбжон декададан кейин Ўзбекистон Давлат Филармониясининг ташаккурномаси ва соат билан тақдирланди.

Тамарахоним ансамблида узоқ йиллар (1938—1946) ишлаши созанда репертуарини янада бойитди. Бу ансамбль билан бирга Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида ва чет элларда бўлди. Улуғ Ваташ уруши йилларида ансамбль билан бирга Украина ва Закавказье, Узоқ Шарқ фронтлари жангчиларига берилган концертларда қатнашди. Айюбжон Қодиров эллигичи-олтмишинчи йиллари кўпгина чет эл шаҳарларида бўлди. Қоҳирада, Эронда, Жазоирда, Бирмада, Афғонистонда ва Европанинг Чехословакия, Венгрия, Польша сингари социалистик мамлакатларида ўз санъатини намойиш қилди. Ҳар бир гастроль сэфаридан бой таассуротлар билан қайтди; репертуарининг араб, афғон халқ кўшиқ ва куйлари билан бойиди.

Созанда 1950—1956 йиллар орасида филармония ишидан ажралмагани ҳолда, консерваториянинг ўзбек халқ чолғу асбоблари факультетида ўқиб, най синфини битирди.

Консерваторияни тамомлагач, Айюб Қодиров Ўзбек Давлат Филармонияси қошидаги халқ ашула ва рақс ансамблига музика раҳбари қилиб тайинланди. Бу ансамбль нота асосида иш олиб борди. Ансамбль 1957 йилдаги Бутуниттифоқ ансамбллар фестивалининг лауреати бўлди. Шундан кейин Эстония, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби республикаларда ўзбек музыкасини намойиш қилиб, ташаккурномалар олди.

Айюб Қодиров кўпгина шогирдлар етиштирди. М. Тоиров, Н. Шокиров, О. Жўраев, Қозоқов каби найчилар шулар жумласидандир.

Айюбжон Қодиров куйларни эркин ижро этади, ижро техникаси ўзининг мукамаллиги ва ижро этилаётган асар мазмунини чуқур ҳис қилиши, най ифода воситаларидан кенг фойдаланиши билан ажраб тура-

ди. Унинг репертуарида «Фарғонача», «Субҳидам», «Чўли Ироқ», «Чаман ялла», «Сегоҳ», «Қайтарма», «Муборак», «Тонг ороми», «Муҳаммади Хусайний», «Хайр энди» каби классик куйлар мавжуд.

Созанда кўп йиллик хизматлари учун фахрий ёрлиқлар, медаллар билан мукофотланди. Республикада хизмат кўрсатган артист (1958), Ўзбекистон ССР халқ артисти (1970) деган юксак фахрий унвонлар билан тақдирланди.

## ОРИФ ҚОСИМОВ



Ориф Қосимов ўзбек халқ профессионал музыка санъати намояндаларидан бирidir. У маҳоратли дуторчи, анча-мунча куй ва қўшиқлар муаллифи, кўпгина ҳаваскор созанда-хонандаларнинг меҳрибон мураббийсидир.

Ориф Қосимов 1909 йили Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оила-сида дунёга келди. Оила ҳаётининг оғирлиги туфайли ёш Ориф даст-лаб чўпонлик қилишга, сўнгра бойларнинг уйларида дастёрлик қилиш-га мажбур бўлди.

Ориф музыкага жуда ёшлигидан ҳавас қўяди. Ўзи қамишдан най ясаб чалиб юрарди. Бу «хўнари» унга чўпонлик ишида жуда қўл кел-ларди.

Совет ҳукумати йигирманчи йиллар бошидаёқ ёшлар масаласига алоҳида эътибор беради ва болалар уйлари, интернатлар очила бош-лайди. Ёш Орифни ҳам Тошкентдаги Алманй номидаги интернатга жой-лаштиришди. Интернатда турли хил тўғарақлар, жумладан, музыка тў-ғараги ҳам бор эди. Ориф Қосимов мўзика тўғарагинда барабан чалиш-ни ўрганади. Кейинчалик Орифни интернатдан хўнар мактабига юбо-ришади.

Музыкага ишқибоз бўлган Қосимовнинг Юнус Ражабий билан учра-шиши (1925) ҳаётида катта воқеа бўлди. Ориф Қосимов Ю. Ражабий раҳбарлик қилаётган «Учқун» мактаби қошидаги мўзика тўғарагига қатнай бошланди. Бу ерда у устозидан най чалишни ўрганади. Уша кезларда ёш созандалар ўрганган қўшиқ ва кўйларини қўшиш мактаб-лар, қизил чоихоналар ва турли корхоналарда намоиш қилиб тури-шарди.

Ориф Қосимов кейинчалик музика техникумида ўқийди. Техникумда атоқли дуторчи Абдусоат Ваҳобов ва хонанда Шораҳим Шоумаровлар дарс беришар эди. Қосимовнинг эслашича, ўша вақтда Абдусоат Ваҳобов «Гиря» ҳамда «Истамбул» куйларини маҳорат билан ижро этарди. Шораҳим Шоумаров эса, Тошкентда кенг тарқалган «Чоргоҳ», «Эшвой», «Илғор», «Гиря» каби ашула йўлларини ижро этиб танилган эди.

1927 йили Ю. Ражабий Ориф Қосимовни Ўзбекистон радиосида ташкил қилинган миллий музика ансамблига қабул қилади. Бу ансамблда у машҳур созанда ва ҳофизлар билан танишиб уларнинг бой репертуарини ўзлаштиради. Уша кезларда бу ансамблда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Абдусоат Ваҳобов, Шораҳим Шоумаров, Матюсуф Харратов, Имомжон Икромов, Ризқи Ражабий, Сафо Муганний, Уста Рўзиматхон Исабоев каби ўзбек профессионал музикасининг машҳур намоядалари ўзбек халқ музика бойликларини радио орқали кенг оммага етказиш ишини бошлашганди.

Ориф Қосимов бу мўтабар созанда-хонандалар ичида энг ёши эди. Уларнинг маслаҳатларини тинглар, ижрочилик услубларига тақлид қилар эди. Ориф Қосимов Юнус Ражабий ва Имомжон Икромовни ўзининг биринчи устозлари, деб билади.

Ориф Қосимов радиода ишлаш билан бирга, ўқитувчилик ҳам қилади, ҳаваскор музика тўғаракларида дарс беради. Уша йиллари кенг халқ оммасини, айниқса ёшларни маданий ҳаётга кўпроқ жалб қилиш учун янги-янги тўғараклар очиш, уларга раҳбарлик қилишга ташаббускор созандалар зарур эди.

Ориф Қосимов чолғу асбоблари ансамбли ташкил этувчи тўғарак раҳбари малакали созанда бўлиши кераклигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у дутор, рубоб, скрипка, чанг, най, доира эгалишини янада асослироқ ўрганайди. Бу эса, унга тўғаракларда муваффақият билан ишлаш, янги-янги музика ансамбллари ташкил қилиш имкониятини беради.

1934 йили Ориф Қосимов Октябрь революцияси клуби (КОР) ҳузурида очилган проводниклар ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилади. Бу ансамбль кўпгина республика ва Бутуниттифоқ кўрикларида муваффақият билан қатнашади. 1949 йили ансамбль ўзининг ўн беш йиллик юбилейини нишонлайди. Маҳаллий матбуот, ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газетаси «О. Қосимов раҳбарлик қилаётган ансамблдан яхши ижрочилар етишиб чиқди», деб ёзганди.<sup>1</sup>

1936 йили Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ темирйўлчилар бандий ҳаваскорларининг фестивалида ансамбль биринчилиكنи олди.

1946 йилда ансамбль республика олимпиадасида биринчи ўринни, Бутуниттифоқ олимпиадасида эса, учинчи ўринни эгаллайди. Ансамбль шундан кейин ҳам ўз репертуарини бойита борди, хилма-хил куй ва ашулалар билан бир қаторда, сюиталар, музикали монтажлар тайёрлади.

<sup>1</sup> « Ўзбекистон» газетаси, 4-январь, 1949 йил, №3 (7450)

Уш. Қосимов куй иллар асбоблари билан ўқув юртлири музика тўгаракларига раҳбарлик қилади. У раҳбарлик қилган тўгараклардаги қатнашчилар орасидан кўпгина профессионал ижрочилар етишиб чиқди. Берта Довидова, Барно Исҳоқова, Салима Хўжаева, Қлара Жалилова, Қсения Довидова, Абулқосим Тўйчиев, Сайёра Ҳақназарова, Илҳом Тўраев, Раҳим Нормухамедов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ориф Қосимов қирқинчи йиллар бошида консерваториянинг тайёрлов курсида ўқиди. Унинг «Қизил карвон», «Юриш марши» куйлари шу йиллар ичида яратилган.

Ориф Қосимов Радиокомитетнинг тожик ансамблида ишлаб юрган вақтларида (1945—1953) тожик музикасига яқин бўлган «Рақси дугтар», «Реза-реза», «Рақси дилшод», «Гул мекунад» каби бир қанча куйлар яратди.

Созанда бой репертуарга эга. У «Қўқонча», «Қашқарча», «Аскарний», «Қари Наво», «Дилхирож», «Бозургоний», «Чўли Ироқ», «Муножот» каби ашула ва рақс куйлари, «Таснифи Дугоҳ», «Гардуни Сегоҳ»ни ва мақомларнинг айрим чолгу қисмларини маҳорат билан ижро этади.

Ижрочилик репертуарининг бойишида Ризқи Ражабийнинг хизмати катта. Ундан «Насруллоий», «Мискин» I, II, III, IV, V, «Наврўзи Ажам», «Каримқулбеги», «Мушкилоти Дугоҳ» ва шунга ўхшаш кўпгина йирик шаклдаги ўзбек халқ куйларини ўрганган.

Ориф Қосимов 1957 йилдан бери Ўзбекистон радиоси мақом ансамблининг дуторчисидир. У Шашмақом ашула йўлларини яхши билувчи созандалардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ориф Қосимов ўзбек халқ музика асбоблари бўйича қўлланмалар яратиш ишига алоҳида эътибор бермоқда. Дутор, най, чанг музика асбоблари учун қўлланмалар шулар жумласидандир.

Ориф Қосимовнинг ўзбек музика маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари юқори баҳоланиб унга 1949 йили ЎзССРда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.



## МАҲМУДХОН ФИЁСОВ

Халқ музика меросини ўз устозларидан ўрганиб шоғирдларига етказган созандалардан бири Маҳмудхон Фиёсовдир.

Маҳмудхон Фиёсов 1901 йили Уш шаҳрида дурадгор оиласида туғилган. Уста Фиёс, Маҳмудхонни Абдулла Маҳмуднинг мактабига беради. Маҳмудхон қўшиқ санъатини дастлаб шу ерда ўргана бошлайди.

Халқ талантларини намойиш қиладиган кўриклар ўтказиш расм бўлмаган ўша пайтларда (1910 йиллар) Рига грампластинка фирмаси томонидан чиқарилган «лаппаклар» (граммофон пластинкалари) Фиёсов каби ёш талантларнинг ўсишига ёрдам берди. «Мусулмон муганнийлари ширкати» томонидан 1908 йилда Фарғонада ёзиб олинган куй ва ашулалар халқ орасида тез тарқалди. Муқимийнинг замондоши исфаралик Мадумар Ҳофиз, Абдуқаҳҳор Ҳофиз ва Едгорхўжа (танбурчи)лар ижро этган «Сегоҳ» I, II, бухоролик Ҳофиз Леви Бобоховов айтган «Ушшоқи Хўқанд», тошкентлик Тўйчи Ҳофиз айтган «Чоргоҳ», хўжандлик Содирхон айтган «Ушшоқи Содирхон», сайрамлик танбурчи Султонхон Ҳакимов, қўқонлик Абдуқодир найчи каби машҳур созанда-хонадалардан ёзиб олган куй ва ашулалар ёш ҳаваскорлар, хусусан Маҳмудхон учун илҳом озиғи бўлди.

Фиёсов кейинчалик тоғаси Уста Жаҳон Шодмоновдан «Тановар»нинг икки хилини, Уста Тожиматовдан «Муножот»ни ўрганди.

Маҳмудхон 1916—1917 йилларда таниқли созандалар даврасида бўлди. Нуриддин чангчидан «Эшвойи курд» билан «Шаҳноз Гулёр» йўлларини ўрганди. 1921 йили атоқли созандалардан «Сарпарда» ёки «Қаримқулбеги» йўлини ўрганди.

1922—1923 йиллар давомида Андижонда Тўхтасин Жалилов, Муҳиддин Ҳожи Нажмиддинов, Мўминжон Жабборов, Собиржон Сиддиқов каби атоқли созандалар билан танишди. Уша кезларда «Яша», «Усмония», «На сопках Манчжурии» ва мақомлар асосида яратилган «Мушкелот» куйларини кўп эшитиш мумкин эди. Кейинчалик бу куйларнинг ҳаммаси Ғиёсов репертуаридан ўрин олди.

1923 йилнинг ёзида Тўйчи Ҳофиз, Абдуқодир найчи билан танишади. Тўйчи Ҳофиз «Баёт», «Чоргоҳ», «Ушшоқ» йўлларини айтганида, Ғиёсов ҳофизга жўровоз бўлади, баъзан Абдуқодир найчига танбур билан жўрнавозлик қилди.

1925 йилдан бошлаб Ғиёсов музикачилик касбини жамоатчилик иши билан бирга олиб боради. У, Уш шаҳар комсомол комитетининг иш бошқарувчиси бўлиб ишлайди ва хотин-қизлар озодлиги масаласида актив қатнашади.

1925 йилдан бошлаб Ғиёсов Фарғонада яшайди, Ҳожи Сиддиқ, Ҳамза билан танишади ва «Сайдинг қўябас, сайёд» ва «Отин бибижон» қўшиқларини ўрганади.

1925 йили ёзда Шоҳимардонда ўтказилган сайилда республика оқсоқоли Охунбобоев билан Ҳамза Ҳакимзода ҳам иштирок этади. Маҳмудхон хонандаларга танбур чалиб жўр бўлади.

Ғиёсов 1926—1927 йилларда Фарғонанинг атоқли маориф ходими Акрам Ризаев бошқарган музика тўғарагида иштирок этади.<sup>1</sup> Қўшнайчи Қурбонов ташаббуси билан Горчаков станциясида санъатчилар чойхонаси очилади. Бу чойхонада Улмас Қурбонов, унинг укаси Ҳомиджон Ғижжак, Ғиёсовлар темир йўл хизматчиларига маданий хизмат кўрсатишади.

Ғиёсов шу йиллари Фарғона педтехникумида ўқитувчилик, ҳамда музика тўғарагига раҳбарлик қилади. Мукаррама Турғунбоева каби халқ талаантлари худди шу ҳаваскорлар орасидан етишиб чиққан эди.

1928 йили Фарғона музикали драма театрининг очилиши Ғиёсов ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ғиёсов театр ансамблида чанг чалиш билан бирга, унга раҳбарлик ҳам қиларди, спектакллар учун халқ куйларини танларди. Созандалнинг ўзи ҳам бир қанча музикалар басталаган. Завқийнинг «Айлаб келинг», Навонийнинг «Ул пари», Муқимийнинг «Қора кўз» шеърларига яратилган ишулалар шулар жумласидандир.

Ғиёсов бир қанча йиллардан бери меҳнат резервлари музика ҳаваскорлари тўғарагига раҳбарлик қилиб келади.

---

<sup>1</sup>Тамграҳоним, Қорн Еқубов, Ҳамза Ҳакимзодалар ҳам Ризаев тўғарагининг иштирокчилари бўлганлар.

## МУНДАРИЖА

Тузувчидан.

3

### Халқ ашулачяари

Мукаррама Азизова	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	9
Берта Довидона	<i>Олимбоева К.</i>	12
Борух Зеркиси	<i>Олимбоева К.</i>	15
Ортиқхўжа Имомхўжаев	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	18
Коммуна Исмоилова	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	21
Эркақори Каримов	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	24
Габриэль Муллоқандов	<i>Аҳмедов М.</i>	26
Карим Мўминов	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	29
Ота Жалол Носиров	<i>Аҳмедов М.</i>	31
Зайнаб Полвонова	<i>Олимбоева К.</i>	35
Болтабой Ражабов	<i>Аҳмедов М.</i>	38
Лутфихон Саримсоқова	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	41
Мамалбобо Сатторов	<i>Мирзаев Т.</i>	44
Жўраҳон Султонов	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	48
Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар	<i>Олимбоева К.</i>	51
Маъмуржон Узоқов	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	54
Беркинбой Файзиев	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	58
Абдулла Файзуллаев	<i>Мирзаев Т.</i>	60
Эътиборхон Қўзибоева	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	63
Ҳадяҳон Ҳамдамова	<i>Йўлдошбоева Т.</i>	65

### Халқ чолгучилари

Абдумутал Абдуллаев	<i>Олимбоева К.</i>	69
Ёқуб Довидов	<i>Олимбоева К.</i>	72
Уста Рўзиматхон Исабоев	<i>Мирзаев Т.</i>	75
Муҳаммадҷон Мирзаев	<i>Олимбоева К.</i>	78
Муҳиддин ҳожи Нажмиддинов	<i>Мирзаев Т.</i>	81
Мамадазин Нисзов	<i>Мирзаев Т.</i>	83
Отавали Нуриддинов	<i>Олимбоева К.</i>	86
Мирзажон Орипов	<i>Мирзаев Т.</i>	89
Раҳмонжон Отабоев	<i>Мирзаев Т.</i>	91
Ризқи Ражабий	<i>Олимбоева К.</i>	91
Одилбек Рустамов	<i>Мирзаев Т.</i>	97
Жўрабек Сайдалиев	<i>Олимбоева К.</i>	100
Собиржон Сиддиқов	<i>Мирзаев Т.</i>	102
Ориф гармонь Тошматов	<i>Мирзаев Т.</i>	105
Ҳайрулла Убайдуллаев	<i>Олимбоева К.</i>	108
Кори Сирож Юсупов	<i>Аҳмедов М.</i>	111
Айюб Қодиров	<i>Олимбоева К.</i>	114
Ориф Қосимов	<i>Олимбоева К.</i>	117
Маҳмудхон Ғиёсов	<i>Мирзаев Т.</i>	120

*На узбекском языке*

К. Алимбаева, Т. Юлдашбаева,  
М. Ахмедов, Т. Мирзаев

Народные музыканты Узбекистана

II — книга

Редактор У. Шамсиямухамедов  
Рассом Д. Цирин  
Гасмлар редактори М. Рейх  
Техн. редактор Б. Шамс  
Корректор Ҳ. Аҳмедова

4. 1974

Босмахонага берилди 22/IV-1974. Босишга рухсат этилди 26/XI-1974. Формати 70x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма л. 7,75  
Шартли босма л. 9,06. Нашр. л. 7,02. Тиражи 1500. Р 22930. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 34—74.

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишларини бундан давлат  
комитетининг Тошкент полиграфкомбинатига тайёрланган матрицадан 2-босмахонада картография цехига  
босилди. Янгивул, Самарқанд кўчаси, 44. 1974 йил. Заказ № 1908. Баҳоси 1 с. 2 т.

Ўзбекистон халқ созандалари. (Тузувчи ва муҳаррир К. Олимбоева. Масъул муҳаррир И. Ражабов). Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

(Ўзбекистон маданият министрлиги Ҳ. Ҳакимзода Ниёзий ёмидаги санъатшунослик ин-ти нашрга тайёрлаган).

2.-китоб. К. Олимбоева, Т. Йўлдошбоева, М. Аҳмедов ва Т. Мирзаев. 1974. 124 б. расм.

«Ўзбекистон халқ созандалари» тўпламининг ушбу иккинчи жилдага куй ва қўшиқ шинавандаларига ўз ижро маҳоратлари, мусиқий ижодлари билан танилган халқ ашулачлари, созандалари ва бастакорлари ҳаёти ҳақида шундан ҳақидаги маълумотлар жамланди.

Народные музыканты Узбекистана. 2-я книга.

